

С.Н. АЛЛАЯРОВА

**ТАЛАБАЛАРНИ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТГА
ЙЎНАЛТИРИШНИНГ
ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

ТОШКЕНТ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

С.Н.АЛЛАЯРОВА

ТАЛАБАЛАРНИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ
ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент – 2022

УЎК: 37.046.14

КБК: 72.4

A 59

С.Н.Аллярова. Талабаларни илмий-тадқиқотга йўналтиришнинг долзарб масалалари. (Монография) – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» 2022, 176 б.

ISBN 978-9943-8530-2-7

Ушбу китобда олий таълимда талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтиришнинг педагогик масалалари ёритилган. Хусусан, ўқув жараёнида илмий фаолиятни ташкил этишнинг назарий-методологик жиҳатлари, илмий-тадқиқотни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар, соҳадаги муаммолар ва илғор тажрибалар ўрганилган.

Монография ФЗ-2020010829-сонли лойиҳа доирасида нашрга тайёрланган. Унда келтирилган таҳлил ва хулосалардан магистратура мутахассисликлари ўқув режасидаги “Илмий-тадқиқот методологияси” фанидан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар ҳамда илмий-тадқиқот олиб бориш, уни самарали ташкил этишга қизиқувчи барча мустақил тадқиқотчилар, талабалар фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 37.046.14

КБК: 72.4

Масъул муҳаррир:

Джураев Рисбой Хайдарович
академик, педагогика фанлари доктори

Тақризчилар:

Худойкулов Хол Жумаевич – Ўзбекистон Миллий университети профессори, педагогика фанлари доктори

Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна – Тошкент Давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори

Ахророва Зебо Бахрамовна – Ўзбекистон Миллий университети доценти, педагогика фанлари номзоди

Монография Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-техникавий кенгашининг 2022 йил 27 июндаги 6-сонли мажлиси қарорига асосан нашр этилди.

ISBN 978-9943-8530-2-7

© «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2022.

МУҚАДДИМА

Ушбу китобни илмда қалам ушлашни ўргатган устозим – фалсафа фанлари доктори, профессор Шермухамедова Нигинахон Арслановнага миннатдорлик билдириш билан бошлайман. Зеро, илм шундай даражаки, унга устознинг йўл-йўриғи, маслаҳат ва кўмагисиз эришиб бўлмайди. Бизнинг камтарона изланишларимиз, натижаси илм ҳисобланган илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишнинг назарий-методологик ва педагогик жиҳатларини ўрганишдан иборат. Илмий-тадқиқот фаолияти барча фан тармоқларида, жамиятнинг барча соҳаларида мавжуд. Биз эса, олий таълим ўқув жараёнида талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтиришнинг долзарб масалаларини ёритишга, хусусан, шу йўналишдаги мавжуд муаммоларни аниқлашга ҳамда уларни ҳал этишга хизмат қилувчи ёндашувларни ишлаб чиқишга эътиборимизни қаратдик.

Маълумки, ҳар қандай соҳани илмий-тадқиқотлар ривожлантиради. Илмий-тадқиқотлар туфайли жамиятнинг фаровон, давлатнинг буюк бўлишини тарих ҳам, ҳозирги кун ҳам исботлайди. Бугунги кунда фан ва техниканинг ютуқлари барча соҳа каби таълимга ҳам бевосита таъсир ўтказиб келмоқда. Узлуксиз таълимда ёшларни илмий фаолиятга йўналтириш, уларнинг иқтидор ва қобилиятларини ривожлантириш замонавий таълим парадигмасининг муҳим талабига айланди. Жаҳоннинг илғор университетларида таълимни виртуаллаштириш (Virtualization), мақбуллаштириш (Software Optimization) ва интернет тармоғидаги оммавий онлайн очик курслар, мега-порталлар, инновацион таълимнинг (3D learning; e-learning platforms: Moodle, Ilias ва ҳ.к.) жадал равишда оммалашганлиги олий таълим муассасалари олдида талабалар илмий-ижодий фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг мустақил ўқиб-изланиш кўникмаларини ривожлантирувчи ёндашувларни ишлаб чиқиш каби талабларни қўймоқда. Айниқса, пандемиядан кейин таълимнинг виртуаллашуви натижасида билим олишга онгли ёндашув сезиларли даражада ортди, мустақил таълим олишни ташкил

қилиш – давр зарурияти ва талабига айланди. Бу эса, таълим олувчиларнинг ўз фаолиятини мақсадли ташкил этиш орқали илмий-тадқиқот билан шуғулланишга имконият яратди.

Касбларга бўлган эҳтиёжнинг тез ўзгариши бугунги кун таълимидан битирувчиларининг касбий (hard skills) ва мослашувчан (soft skills) малакаларини шакллантиришда тадқиқотчилик қобилиятини ривожлантиришнинг самарали механизмлари ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бу борада талабаларда илмий изланиш салоҳиятини юксалтиришнинг интерфаол таълим метод ва воситалари орқали оширган ҳолда, таълимнинг анъанавий ва замонавий усулларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида интеграциялаш, талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини босқичма-босқич ривожлантириш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан изланишларимизда бўлажак мутахассисларнинг касбий малакаларни ўзлаштириш билан бирга мулоқотга киришиш, қутилмаган вазиятларга мослашиш, муаммоли ҳолатларга креатив ечимлар таклиф қилиш, жамоада ишлаш, соҳага тегишли масалаларнинг илмий асосларини тадқиқ этиш каби кўникмаларга эга бўлишлари ҳозирги замон таълим парадигмаси талаби эканлигига қараб мўлжал олдик.

Жамиятнинг фаол қисми ҳисобланган талабаларни илмий фаолиятга йўналтириш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, билим ва эришган натижаларини рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси таълим сиёсатининг стратегик вазифалари қаторига қиради¹. Олий таълим ўқув жараёнида тадқиқотчилик кўникмаларни шакллантиришнинг самарали методикаларини ишлаб чиқиш юқорида келтирилган вазифаларни бажаришга хизмат қилувчи омиллардан биридир.

Республикамизда олий таълим тизимида сўнгги йилларда қатор ислохотлар олиб борилишига қарамай, соҳада камчиликлар мавжудлигини эътироф этиш лозим. Жумладан, олий таълимнинг иккинчи, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг биринчи

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 23 сентябрь, 2020 йил.
<https://lex.uz/docs/5013007>.

босқичи ҳисобланмиш – магистратурада таълим олаётган ҳар бир ёшларнинг барчасида тадқиқотчилик, илмий изланиш олиб боришга лаёқат ва салоҳият етарли деб ҳисоблаш мушкул. Бу ҳолат илмий-тадқиқот ишларини тайёрлашда ханузгача баёнчилик, кўчирмачилик, такрорланишлар ва бошқа камчиликларга йўл қўйилаётганида намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, барча мутахассисликлар бўйича битирувчиларга иш берувчилар томонидан талабнинг юқори эмаслиги ҳам тизимда камчиликлар борлигидан далолат беради. Бу каби вазиятларнинг қатор ички ва ташқи, объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Шу йўналишдаги муаммоларга ечим топишда талабаларни илмий-тадқиқотга йўналтиришда қандай механизмларга эътибор қаратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, изланишларимизнинг долзарблигини яна қуйидагилар билан асослаш мумкин:

-биринчидан, кредит-модуль тизимига ўтаётган олий таълимнинг истиқболли йўналишларини белгилашда ҳар қандай илм-фаннинг ривожланишига сабаб бўлувчи “тадқиқот”, “илмий-тадқиқот” тушунчаларининг ўрни ва аҳамиятини педагогик тадқиқотлар контекстида ўрганиш давр талабидир;

-иккинчидан, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнининг ташкил этилишида талабаларни илмий фаолиятга йўналтирувчи, уларда тадқиқотчилик малака ва кўникмаларини шакллантирувчи механизмларнинг етарли даражада эътиборга олинмаганлиги ўқув жараёнини ташкил қилишда илмий фаолиятга йўналтиришнинг самарали, илғор тажрибаларини ўрганишни тақозо этмоқда;

-учинчидан, глобал ахборотлашув ва рақамли технологиялар даврида талабаларни илмий-тадқиқот га йўналтиришнинг долзарб хусусиятларини илғор хорижий тажрибалар асосида тадқиқ этиш ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини аниқлаш замон талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг концептуал, методологик, тузилмавий асосини яратишга хизмат қилади;

– *тўртинчидан*, таълим жараёнининг асоси ҳисобланган ўқув машғулотларида қўлланиладиган педагогик технологиялар мазмуни, хусусан уларнинг талабани илмий фаолиятга йўналтирувчи сифатларини ўрганиш ва таснифлаш тегишли фан ва мавзуларни ўқитишда профессор-ўқитувчилар олдида турган самарали ўқув методларини танлаш муаммоларига ечим беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сонли “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлар, 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонунини ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу изланишларимиз муайян даражада хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Ўзбекистонда талабаларни илмий-тадқиқотга йўналтиришнинг долзарб масалаларини ўрганар эканмиз уни қуйидаги масалалар орқали ёритишга ҳаракат қилдик:

- “илмий-тадқиқот”, “илмий фаолият” тушунчаларининг назарий-методологик асослари;
- талабалар илмий фаолиятини самарали ташкил этишга таъсир этувчи омиллар;
- талабаларни илмий-тадқиқот га йўналтиришнинг замонавий тенденциялари;

– таълимга инновацион ёндашув орқали тадқиқотчилик малакаларини ривожлантириш имкониятлари.

Шунингдек, тадқиқотимизда.

– мутахассисликларни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб бориш малакаларини шакллантириш,

– таълим жараёнида “устоз-шогирд” тизимини янада такомиллаштиришнинг мавжуд муаммоларини бартараф этишнинг илмий асослари;

– олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш;

– ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш;

– илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари;

– талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш;

– ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш;

– таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида ташкиллаштириш қабилар ўрганилиб, келтирилган масалалар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Китоб билан танишиш давомида ушбу изланишлар илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўйича дастлабки мустақил ижодий ишимиз эканлигини эътиборга олишингизни ҳамда талабаларни илмий фаолиятга йўналтириш бўйича таклиф ва тавсияларни мамнуният билан қабул қилишимизни маълум қиламиз.

E-mail: s.allayarova@nuu.uz

1-БОБ. “ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ” ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтириш – таълим парадигмаларининг асосий шарти

Ҳозирги замоннинг глобал иқтисодий, техникавий ривожланиши, ижтимоий-маънавий ҳаётнинг ҳарбир тармоғи ҳар бир инсон олдида бир қатор талабларни қўймоқда. Бу ҳолат ҳар биримиздан кам вақт ичида кўп вазифаларни сифатли бажаришга, муаммоларни ностандарт усуллар орқали ҳал этишга, воқеа ва ҳодисалар куршовида ўз ўрнимизни топиш ва сақлаб қолишни талаб этмоқда. Бу талабларни бажаришда ҳар бир соҳанинг ўз муаммолар доираси, уларни ҳал этишнинг турли ёндашувлари мавжуд. Шахсни тарбиялашни ўз олдида мақсад қилиб қўйган таълим тизимининг муҳим босқичи – олий таълим юқори малакали кадрлар тайёрлашга масъулдир. Юқори малакали кадрларнинг қатор сифат кўрсаткичлари орасида тадқиқотчилик фаолиятининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Олий таълим ўқув жараёнида талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш масаласи ЮНЕСКО нинг таълим йўналишидаги дастурларида алоҳида ўрин тутди¹. Шу билан бирга, Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа ассоциацияси (ENQA)², Европа талабалар иттифоқи (ESU)³, Европа университетлар ассоциацияси (EUA)⁴, Европа олий таълим муассасалари ассоциацияси (EURASHE)⁵ каби ташкилотлар томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантиришдаги муваффақият тўғри таълим стратегиясини танлашга боғлиқ. Таълимнинг инсонларни ҳаётга тайёрлаш тизими эканлигини эътиборга олсак, унинг қандай

сифат ва даражада эканлиги давлат ва жамият истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллигини англаш қийин эмас. Шу сабабли ҳам тўғри ва кучли таълим стратегияси шу ҳудудда илм-фан ривожини орқали ижтимоий ҳаётнинг фаровонлашишига таъсир қилади. Ҳозирги замон таълим парадигмаларининг марказида барча эътибор талабага қаратилган, ва бу бекорга эмас. Чунки бугунги талаба – эртанги жамият. Зеро, “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз¹. Илм-маърифат орқали барча муаммоларга ечим топиш мумкинлигини тарих кўп марта исботлаган. Ҳақиқий илм – изланиш, муаммоларни чуқур тадқиқ этиш билан қўлга киритилади. Шу боис, тадқиқотимизда талабаларнинг илмий-тадқиқот олиб бориш малакаларини ўқитишнинг илғор метод ва воситалари ёрдамида янада ривожлантириш, шу билан бирга, қисқа муддатда натижа берувчи ёндашувларни ишлаб чиқишга эътибор қаратганмиз.

Маълумки, илм-фан жамият тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади². Илм – муаммоларнинг сабабларини аниқлаш билан бирга, уларни ҳал этишнинг самарали ечимларини топишга имкон беради. Бугун жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида илм орқали халқ ҳаётини фаровонлаштиришга давлат сиёсати даражасида эътибор берилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини ҳисобланмиш – олий таълим – мамлакатнинг истиқболлини ҳисобга олган ҳолда замон

¹ UNESCO Education Strategy 2014-2021. Paris, 2014. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000231288>
² https://www.enqa.eu/wp-content/uploads/Diversification-of-EQA_final.pdf
³ <https://esu-online.org/?publication=student-participation-innovative-practice-guide>
⁴ <https://eua.eu/issues/16.eu-research-innovation-programmes.html>
⁵ <https://www.eurashe.eu/resource-library/>

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 24.01.2020 йил. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
² Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 24.01.2020 йил. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

талабларига жавоб бера оладиган малакали, ракобатбардош, юксак билимли, республиканинг илм-фан, маданият, иктисод, ижтимоий соҳаларини ривожлантиришда ўз хиссасини қўшадиган, мустақил фикрлай оладиган, юксак маънавиятга эга бўлган юқори салоҳиятли мутахассисларни тайёрловчи тизимдир¹. Узлуксиз таълим тизимининг айнан шу босқичида илмий-педагогик кадрлар ва таълим олувчиларнинг илмий-ижодий фаолияти, илмий-тадқиқотлари ёрдамида фан, техника, технологияларни ривожлантириш, олинган натижаларни мамлакат иқтисодиётида ва таълим жараёнида қўллаш бўйича тавсиялар тайёрлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш борасида илмий, услубий тадқиқотларни олиб бориш каби амалга оширилади. Шу жиҳатдан, *талабаларни таълим олиш жараёнида илмий фаолиятга йўналтириш, уларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик механизмларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.*

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда узлуксиз таълимнинг муҳим босқичи ҳисобланмиш – олий таълимнинг алоҳида ўрни бор. Бу ўзаро алоқадорлик ўқув жараёнида амалга оширилиб, меъёрий ҳужжатлар – ДТС, ўқув режалари ва фан дастурларида ўз аксини топган. Олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида бўлажак мутахассисларнинг ўз йўналишларида тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига эга бўлиши каби масалалар олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик вазифалари қаторида келтирилган². Маълумки, тадқиқотчилик фаолияти талабанинг соҳага оид масалаларни аниқлаш, тадқиқот ўтказиш (эмпирик ва назарий), олинган натижаларни таҳлил қилиш ва бажарилган ишга асосан хулосалар шакллантириш кўникмаларида намоён бўлади.

Ушбу ҳужжатда олий таълимда олиб борилаётган ислоҳотларни “Университет 3.0” мезонларига мувофиқлаштириш масаласи олий таълимни 2030 йилгача ривожлантиришнинг устувор вазифалари қаторида келтирилган. Бизга маълумки, “Университет 1.0” моделидаги университетлар жамиятнинг алоҳида иқтисодий ва ижтимоий тармоқлари учун мутахассис тайёрлашга йўналган бўлиб, асосий вазифаси - таълим беришга қаратилган. “Университет 2.0” моделидаги университетларда таълим илмий-тадқиқот фаолияти асосида ташкил қилиниши кўзда тутилган бўлиб, асосий эътибор – таълим ва илмий-тадқиқот интеграциясини таъминлашга йўналтирилган. Шу ўринда атоқли рус педагог олими С.И.Гессеннинг университет ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтиришни лозим топдик: “Олий мактаб, аввало, илмий-тадқиқот маркази бўлиши, ўқитувчи – ўз соҳасидаги билимларни кенгайтиришга ҳисса қўшадиган фаол изланувчи, мустақил тадқиқот олиб борадиган олим, талаба – бўлажак олим сифатида тадқиқот фаолиятининг иштирокчиси, машғулотлар жойи – кашфиёт ва янги илмий ҳақиқатлар очилувчи аудитория, лабораториялардан ташкил топиши лозим. Олий илмий мактаб, яъни университет таълим ва тадқиқотдан ташкил топган бирликдир”¹. Олимнинг ушбу фикрларни ўтган асрнинг эллигинчи йилларида айтиб ўтилган ва бу юқорида келтирилган “Университет 2.0” модели мазмунига мос келади.

“Университет 3.0” моделидаги университетлар олий таълим муассасаларининг янгича киёфага эга бўлишини талаб қилади, чунки бунда университетларга билим олиш асосида ишлаб чиқилган илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш вазифаси қўйилади². Бу университетларнинг ишлаб чиқарувчи (Entrepreneurial university) ташкилотга айланишига олиб келади ва бу моделни ҳозирги кунда дунёнинг топ-100 талигига кирган

¹ Олий таълим тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида. ID-189. <https://regulation.gov.uz/oz/document/189>
² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони <https://lex.uz/ru/docs/4545884>

¹ Гессен С. И. Основы педагогики // Введение в прикладную философию. М. – 1995. – Т. 310.
² <https://nihe.bsu.by/index.php/ru/university-3> Совершенствование деятельности учреждений высшего образования на основе модели «Университет 3.0»

университетлар мисолида кўришимиз мумкин¹. Юқори рейтингдан жой олган университетлар худудида кўплаб дунёга машхур компаниялар фаолият юритмоқда. “Университет 3.0.” модели олий таълим муассасасининг фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминловчи, талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини узлуксиз ривожланишига имкон берувчи модель эканлигини билан олдинги моделлардан устуворликка эга. Тадқиқотчи мутахассислар “Университет 3.0.” моделида олий таълим муассасаларини икки турини фарқлайди:

– биринчи шаклда талаба, ўқитувчи ва битирувчиларнинг профессионал малакаларини ривожлантирадиган юқори технологияли стартап ва спин-офф² компанияларни ташкил қилиш орқали ўқув жараёни олиб борилади;

– иккинчи шаклда кучли илмий марказ (илмий лабораториялар асосида) ташкил қилиниб, бозорга мутлақо янги илмий-техник маҳсулотлар етказиб беришни кўзда тутлади. Бу эса университетнинг молиявий мустақиллигини оширади.

Ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатлари университетлари “Университет 4.0.” моделига қараб мўлжал олмоқда. Бундай университетлар миллий иқтисодиётнинг саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларини фундаментал ўзгартириб, янги йўналишларни очиш, харажатларни имкон даражада камайтириш орқали даромадларни ошириш, инсон омилини чеклаш орқали иқтисодиётни ҳар бир жабҳасини рақамлаштиришга эришиш. Иқтисодий ўсишни таъминловчи янги инновацион моделларни тақлиф қилиш билан шуғулланадиган университетлардир.

Юқорида келтириб ўтилган моделлар мазмунига нисбатан биз тадқиқ этаётган масалалар “Университет 2.0.” моделидан “Университет 4.0.” моделига қараб мўлжал олишни тақозо этади.

¹ Қаранг: <https://www.topuniversities.com/university-rankings/world-university-rankings/2022>

² Спин-офф компания – бизнес қўламини ривожлантириш шакли бўлиб, бу ерда компаниянинг бирор бўлимини университет қошида ташкил қилиш орқали мустақил бизнесни йўлга қўйиш назарда тутилмоқда. Университетларда спин-офф компаниялар фаолиятини ташкил қилиш ишлаб чиқаришни илмий тадқиқотлар асосида ривожлантиришга асос бўлади.

Айтиб ўтиш лозимки, республикамизда фаолият юритаётган олий таълим муассасаларининг айримлари “Университет 1.0.” моделига мос келса, энг етакчи таълим муассасаларида “Университет 3.0.” моделининг айрим элементлари йўлга қўйилаётганлигини кузатиш мумкин. Эътиборлиси шундаки, “Университет 1.0.” моделидан ташқари барча моделларда илмий-тадқиқот фаолияти университетлар жозибадорлигининг асосий омили бўлиб қолмоқда.

Олиб борилган изланишларни таҳлил этар эканмиз, “Университет 1.0.” моделидан “Университет 4.0.” моделига қараб ҳаракатланиш – замонавий таълим парадигмасининг асосий шarti эканлигига амин бўламиз¹. Ҳар бир моделнинг ўзига хослиги ва бир-бирини тақозо этувчи жихатлари бор. Замонавий фан ютуқлари тўртинчи саноат инқилоби (The Four Industrial Revolution) таъсирида таълимни тубдан ислох этишни талаб қилмоқда. Сунъий интеллект, робототехника, жамият ва давлат бошқаруви, ишлаб чиқаришда инсон омилисиз ўзаро алоқа ўрнатиш имконини берувчи рақамли технологиялар конвергенцияси кабилар замонавий таълим парадигмасининг шартлари эканлигини ҳамда ушбу натижаларга фақат илмий-тадқиқот фаолияти орқали эришиш мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Университетлар азалдан илм-маърифат ўчоғи саналган. Одам ва оламни билишга қаратилган барча билимлар зиёли-мураббийлар томонидан ёш авлодга ўргатиб келинган. Шу зайлда эгалланган, ўзлаштирилган билимлар фан мисолида тизимга солинган. Билимлар (турлари) ривожланишига кўра бир неча босқичлар – кундалик-амалий, шахсий, мифологик, диний, фалсафий, илмий ва хоказолардан ўтиб фан даражасига етади (ёки етиб келмайди)². Яъни илмий-тадқиқотлар туфайли билим ва тажрибалар фан мазмунини кумулятив тарзда бойитиб боради. Айни пайтда фан илмий-тадқиқотлар учун асос вазифасини бажаради. Умуман олганда, билимлар тадқиқотлар туфайли фан даражасига юксалади.

¹ Бу ҳақда қаранг: <https://luckyea77.livejournal.com/2620217.html>

² Қаранг: Шермухамедова Н. Гносеология. – 2007.

XX асрнинг илмий ихтиролари одамлар ҳаёти ва маданиятини тубдан ўзгартирмоқда. Илм-фан инсониятга янада қулай ҳаёт, табиат ҳодисаларини башорат қилиш, гуманистик анъаналарни ва жамиятни тарбиялаш, жамият тараққиёти ва бошқаларда ёрдам бермоқда. Интернет, телекоммуникация ва компьютерлар бутун дунёнинг глобаллашувини тезлаштириб юборди¹. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бугун дунёни учта ҳаракатлантирувчи куч бошқаради: *сиёсат, иқтисод ва фан*². Сиёсат ва иқтисодиёт яқин мақсадларни кўзлайди, узоқ мақсадларни эса, илм-фан соҳаси ва академик жамият кўзлайди. Ҳозирги вақтда инсон тафаккури илм-фан соҳасида энг жадал ишловчи - интеллект энергиясининг асосий қисми фандан куч олиши ҳеч кимга сир эмас. Фан эса, юқорида айтилганидек, илмий-тадқиқотнинг натижасидир. Илм янги фикрни пайдо қилади, фикр дунёқарашни ўзгартиради, дунёқарашлар жамиятнинг бугуни ва истикболини белгилайди. Бир сўз билан айтганда, илмий билим маданиятли одамни (жамиятни) шакллантиради. Шу маънода, илм-фан биз яшаётган аср маданияти ва тараққиётининг том маънодаги асосига айланди.

Бўлажак мутахассисларда тадқиқотчилик кўникмаларининг бўлиши – юқори малакали кадрларга қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки, бирор бир соҳада тадқиқотчи кадрлар фаолият юритмас экан, бу соҳада янгиликлар, ривожланишлар, самарадорлик кўрсаткичлари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас³. Шу боисдан ҳам талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланишлари муҳим аҳамиятга эга.

Таълим парадигмалари жамият ривожини ва талабига кўра ўқитиш мезонларини белгилаб беради. Парадигма тушунчаси XX асрда америкалик файласуф Томас Кун томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб у давр илмий ҳамжамияти (олимлари) томонидан

мавжуд муаммоларни илгари суриш ва уларни ҳал этишнинг андозавий шакли, намунасига нисбатан айтилади¹. Кун таъбирича, парадигма тушунчаси фан тарихчисининг тадқиқот объекти ҳисобланади². Бирок ҳозирги кунда ушбу атама деярли барча соҳа тадқиқотларига қўлланилмоқда ва мутахассислар томонидан ҳар бир соҳадаги илмий янгиликларнинг парадигмалар эволюциясига мос бўлиши талаб этилмоқда³.

Педагогик парадигма – педагогика фани ривожининг маълум босқичида таълимий ҳамда тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси (андоза, модель) сифатида илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами бўлиб, у таълимнинг концептуал модели сифатида қўлланилади⁴.

Тадқиқотларда келтирилишича қуйидаги мумтоз таълим парадигмалари фаркланади:

- анъанавий – консерватив парадигма (билимга таянган парадигма);
 - рационалистик (бихевиористик) парадигма;
 - феноменологик (гуманистик) парадигма;
 - технократик парадигма;
 - эзотерик парадигма⁵.
- Замонавий тадқиқотларда эса, қуйидаги таснифни ҳам кузатишимиз мумкин:
- когнитив парадигма;
 - шахсга йўналтирилган парадигма;
 - функционал парадигма;

¹ Каранг Т. Кун. Структура научных революций. С вводящей статьей и дополнениями 1969г. - М.: Прогресс, 1977. - 300с. <http://www.biometrika.tomsk.ru/Kuhn.pdf>

² Кун. Структура научных революций. С вводящей статьей и дополнениями 1969г. - М.: Прогресс, 1977. - С. 69.

³ Каранг Тестов, В. А. (2013). О понятии педагогической парадигмы. Инновационные проекты и программы в образовании, (5), 16-20.

⁴ Шляхова, И. Б. Педагогическая парадигма, теория, проблемы, поиски путей решения // Теория и практика образования в современном мире : материалы VII Междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, июль 2015 г.) — Санкт-Петербург : Свое издательство, 2015. — С. 54-64. — URL: <https://moluch.ru/conf/pep/archive/152/8377>

⁵ Каранг Богуславский, М. В. & Корнетов, Г. Б. (1992). Педагогические парадигмы: история и прогноз. *Магистр*, (9), 13-21.

¹ Vincentas Lamanuskas and Dalia Augienė / Procedia - Social and Behavioral Sciences 167 (2015) 131 – 140

² Lamanuskas, V. (2003). Natural science education in contemporary school. Siauliai: Siauliai University Press, p. 514

³ Healey, M. (2005). Linking research and teaching to benefit student learning. *Journal of Geography in Higher Education*, 29 (2), 183-201.

– маданий парадигма¹.

Бизнинг тадқиқотларимиз мазмуни когнитив ва шахсга йўналтирилган таълим парадигмалари доирасига мос келади.

Таълим парадигмалари мазмуни ва университет моделлари динамикасини тадқиқ этиш асосида олий таълим ўқув жараёнида талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этишдан кўзланган мақсадлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

– назарий билимларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ кўникма ва малакаларни шакллантириш;

– соҳага оид муаммоларга илмий ечим топиш орқали касбий салоҳиятни ривожлантириш;

– илмий изланиш, тадқиқотлар олиб бориш натижасида илмий ижодкорлик муҳитини яратиш;

– жамиятнинг юкори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш;

– фан тармоқлари бўйича жаҳоннинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва ўзлаштирилиши, яратилиши асосида мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий турмуш тарзи, барқарор ривожланиши учун пойдевор яратиш ва ҳоказо.

Умуман олганда, олий таълимнинг асосий субъекти ҳисобланмиш – талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларига эга бўлиши инсоният тараққиёти учун муҳим омил саналади. Чунки ҳар бир мутахассисликда тадқиқотчилик фаолияти бўлмас экан, бу соҳада ривожланиш бўлмайди. Тадқиқотчилик – бориға қониқмаслик, мавжудини такомиллаштириш, муаммоларга ечим топиш, тўсиқларни енгиб ўтиш каби вазиятларда яққол кўзга ташланади. Шу боис ҳам, таълим тараққиётининг барча босқичида мутахассисларнинг тадқиқотчилик қобилиятига эга бўлиши ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида диққат марказида бўлган.

¹ Қаранг: Голосова, С. В., & Федоренко, Л. П. (2016). Основные парадигмы современной педагогической науки. *Концепт*, (S3), 36-40.

1.2. “Илмий-тадқиқот” тушунчасининг назарий-концептуал асослари

“Тадқиқот” ва “илмий-тадқиқот” тушунчалари узлуксиз таълимнинг асосий тушунчалари қаторига киради. Ушбу тушунчалар педагогика, фалсафа, фаншунослик, фанметрика каби соҳалар билан бирга, барча фан тармоқлари таркибида кенг ўрганилади. Чунки, ҳар бир фан соҳасининг ўзига хос тадқиқот услублари, йўналишлари, технологиялари мавжуд. Шу жиҳатдан тадқиқот ва илмий-тадқиқот тушунчаларини фанлараро концептлар деб олиш ўринли. Ушбу тушунчаларнинг назарий-концептуал асосларига оид манбаларни ўрганар эканмиз, уларни шартли равишда уч йўналишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

1) тадқиқот ва илмий-тадқиқотнинг концептуал-методологик асосларига оид;

2) илмий-тадқиқотга йўналтирувчи таълим (педагогик) технологияларига оид;

3) таълимнинг инновацион механизмларига оид.


Ўзбекистонда таълим технологиялари воситасида талабаларни илмий-тадқиқотга йўналтиришнинг методологик масалаларига оид тадқиқотлар Р.Джураев¹, Р.Ишмухамедов, А.Абдукодиров, А.Пардаев², Н.Сайидахмедов³, Ш.Абдуллаева⁴, Н.Эгамбердиева,

¹ Джураев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. –Т.: Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, 2010.; Джураев Р.Х. Таълим жараёнида масофали ўқитишдан фойдаланиш эволюцияси // Олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот коммуникация технологияларининг жорий этилиши: амалиёт ва истикболлар. Конференция материаллари. –Т.: ЎЗМУ, 2019. –Б.4-8.

² Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Т.: Истеъдод, 2008.; Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.Н: ТДПУ, 2005.

³ Сайидахмедова Н. Янги педагогик технологиялар. –Т.: Молия, 2003.

⁴ Абдуллаева Ш. Непрерывная связь науки и образования в республике Узбекистан (на примере педагогической деятельности ташкентского областного института повышения квалификации работников народного образования) // Замонавий таълим: Ўзбекистонда таълимнинг сифати ва самарадорлиги. –Т.: ЎЗМУ, 2019. –Б.10-16.



Б.Ходжаев¹, Х.Худойкулов, У.Бегимкулов², А.Махмудов³, Г.Фузаилова, Ю.Асадов, Н.Турдиев, С.Акбарова, З.Ахророва, У.Толипов, М.Усмонбоева⁴ кабиларнинг илмий, илмий-методик ишларида ўз аксини топган.

Тадқиқот ва илмий-тадқиқотнинг концептуал-методологик асосларига оид манбалар Н.А.Шермухамедова⁵, М.Н.Абдуллаева⁶, А.А.Азизкулов, Ш.Қўшоқов⁷, З.Давронов⁸, Б.Қодиров, И.Саифназаров, Г.В.Никитченко, Б.У.Қосимов⁹, Ш.Шаякубов¹⁰ кабиларнинг асарларида ҳам кузатилади.

Таълим жараёнига педагогик технологияларни қўллаш орқали ўқув самардорлигини ошириш, талабаларда тадқиқотчилик малака ва кўникмаларини шакллантиришга оид қарашлар МДХ олимларидан В.П.Беспалько¹¹, Б.Т.Лихачев¹², П.Я.Гальперин¹³, О.Л.Жук¹⁴, Е.Ю.Грудзинская, В.В.Марико¹⁵, Т.Г.Мухина¹⁶,

Т.В.Бурлакова¹, В.И.Чупрасова², М.В.Кларин ва бошқаларнинг асарларида ҳам ўз аксини топган.

Таълимнинг инновацион механизмларига оид, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларининг таълим олишдаги аҳамияти, таълим тизимида АКТнинг янги педагогик технологиялар билан бирга қўлланилишидаги имкониятлар, камчиликлар ва ютуқлар таҳлили Б.Н.Киреев³, А.Готлиб⁴, Л.Н.Рулдине⁵, К.Ратхесвари⁶, А.Сурьяни⁷, А.Сангра ва М.Гонсалес-Санмамед⁸, Ж.Лоуренс ва А.Усман Тар⁹, К.Макнайт, К.О'Мэлли, Р.Рузич, М.К.Хорели, Джон Дж.Фрэнни ва К.Бассетт¹⁰, Paul Kirschner, Niki Davis¹¹, Elizabeth Masterman, Marion Manton¹² каби хорижий етакчи мутахассисларнинг мақолаларида ўрганилган. Келтириб ўтилган муаллифларнинг тадқиқотларида АКТнинг таълим тизимига татбиқ этилишидаги ижобий ютуқлар мустакил таълим орқали амалга

¹ Н.Эгамбердиева, Б.Ходжаев. Педагогикнинг айрим долзарб муаммолари: моҳият, талқин ва ечим. –Т.: «Fan va technology», 2013.
² Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнини ахборотлаштириши ташкил этиши ва бошқариши назарияси ва амалиёти. Пед. фан. док.... дисс. // Пед. фан. док.... дис. – 2007.
³ Махмудов Абдухалим Хамидович, Джураев Рисбай Хайдарович, & Ахунжонов Алишер Тоштемирович (2020). Дидактический потенциал шахматной игры. Наука и образование сегодня, (6-2 (53)), 70-71.
⁴ Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. –Т.: ТДПУ, 2006
⁵ Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси. –Т.: Фан ва технология, 2014
⁶ Абдуллаева М.Н. Проблемы образования в современном мире // Материалы IX Международной научной конференции "Инновации в технологиях и образовании". –Кемерово: КГУ, 2011. –С.113-117. Абдуллаева М.Н. Проблемы реализации инновационных идей // Интеллектуальная культура Беларуси: методологический капитал философии и контуры трансдисциплинарного синтеза знания. Материалы Третьей международной научной конференции. Том I. –Минск: Издательство «Четыре четверти», 2018. –С.10-12. Абдуллаева М.Н., Покачалов Г. Философские проблемы методологии науки. –Т.: Отдел Института философии и права И.И.Муминова АН РУ, 2006.
⁷ Азизкулов А., Қўшоқов Ш. Илмий ижодиёт: фалсафий ва илмий-назарий муаммолар – Самарқанд СамДУ, 2003.
⁸ Давронов З. Илмий ижод методологияси. –Т.: Иктисод-молия, 2007.
⁹ Саифназаров И., Никитченко Г.В., Қосимов Б.У. Илмий ижод методологияси. –Т.: Янги аср авлоди, 2004
¹⁰ Шаякубов Ш. Илмий (хукукий) тадқиқот методологияси. –Т.: ТДПУ, 2022
¹¹ Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. –М.: Педагогика, 1995; Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. –М.: Педагогика, 1989.
¹² Лихачев Б.Т. Педагогика. Курс лекций. –М.: Владос, 2010.
¹³ Гальперин П.Я. Методы обучения и умственное развитие ребенка. –М.: Изд-во Моск. ун-та, 1985.
¹⁴ Жук О.Л. Педагогическая подготовка студентов: компетентный подход. –Минск: РИВШ, 2009.
¹⁵ Грудзинская Е.Ю., Марико В.В. Активные методы обучения в высшей школе. –Нижний Новгород: Нижегородский государственный университет им. Н.И.Лобачевского, 2007.
¹⁶ Мухина Т.Г. Активные и интерактивные образовательные технологии (формы проведения занятий) в высшей школе. –Н.Новгород: ННГАСУ, 2013. –97с. <https://elibrary.ru/item.asp?id=26226071>

¹ Бурлакова Т.В. Индивидуализация профессиональной подготовки студентов в современном педагогическом вузе. Автореф. на соиск. докт. пед. наук. 13.00.08. –Ярославль, 2012. –44 с.
² Чупрасова В.И. Современные технологии в образовании. –Владивосток: Дальневосточный государственный университет, Тихоокеанский институт дистанционного образования и технологий, 2000.
³ Киреев Б.Н. Использование e-Learning при подготовке педагогических кадров // Высшее образование в России. 2016. №2 (198). С. 148–154.
⁴ Готлиб А. Сможет ли онлайн-образование стать альтернативой традиционному университету // Вестник РосГУ. 2015. №1 (123). –С. 15-22.
⁵ Rulidene L.N. Blended learning as an instrument of lifelong education <https://cyberleninka.ru/article/n/blended-learning-as-an-instrument-of-lifelong-education/viewer>
⁶ Ratheeswari K. Information Communication Technology in Education // Journal of Applied and Advanced Research. 2018/05/10. VL-3. DOI-10.21839/jaar.2018.v3i1.169. https://www.researchgate.net/scientific-contributions/2142402182_K_Ratheeswari
⁷ Suryani Adi ICT in education: its benefits, difficulties, and organizational development issues // Jurnal Sosial Humaniora. 2010/11/02. VL-3. DOI - 10.12962/j24433527.v3i2.643
https://www.researchgate.net/publication/316924509_ICT_IN_EDUCATION_ITS_BENEFITS_DIFFICULTIES_AND_ORGANIZATIONAL_DEVELOPMENT_ISSUES
⁸ Albert Sangra & Mercedes González-Sanmamed (2010) The role of information and communication technologies in improving teaching and learning processes in primary and secondary schools. ALT-J, 18(3), 207-220, DOI: 10.1080/09687769.2010.529108
⁹ Japhet E. Lawrence, Usman A. Tar Factors that influence teachers' adoption and integration of ICT in teaching/learning process // Educational Media International. February 2018, 55(4):1-27. DOI: 10.1080/09523987.2018.1439712
¹⁰ McKnight, Katherine; O'Malley, Kimberly; Ruzic, Roxanne; Horsley, Maria Kelly; Franey, John J.; Bassett, Katherine Teaching in a Digital Age: How Educators Use Technology to Improve Student Learning // Journal of Research on Technology in Education, v48 n3 p194-211 2016. DOI: 10.1080/15391523.2016.1175856
<https://eric.ed.gov/?id=EJ1103482>
¹¹ Paul Kirschner & Niki Davis (2003) Pedagogic benchmarks for information and communications technology in teacher education, Technology, Pedagogy and Education, 12:1, 125-147, DOI: 10.1080/14759390300200149
¹² Elizabeth Masterman & Marion Manton (2011) Teachers' perspectives on digital tools for pedagogic planning and design, Technology, Pedagogy and Education, 20:2, 227-246, DOI: 10.1080/1475939X.2011.588414

ошиб, таълим олувчиларнинг билим олиш, касб ўрганишга онгли ёндашувини талаб қилиши эътироф этилган.

Юқоридаги манбаларга асосланиб тадқиқот ва илмий-тадқиқот тушунчаларининг мазмунини ёритишга ҳаракат қиламиз. Педагогик тадқиқотлар тарихида ушбу тушунча кўплаб олимлар томонидан ўрганилган. Аввало, тадқиқот бу – ичкаридан кузатишдир. Кенг маънода эса, янги билимларни кидириш ёки далилларга асосланган ҳолда мақсад сари тизимли изланишлар олиб боришдир. Бирмунча торроқ маънода тадқиқот бу – натижаси илмий иш билан якунланадиган нарса ва ҳодисаларни ўрганувчи илмий усул ёки жараён дир.

Илмий-тадқиқот – янги билимлар ва назарияларни аниқлаш жараёни¹. Демак, бу фаолият доимий ҳаракат, ўзгарувчанлик асосида ташкил этилади. Ҳар қандай илмий-тадқиқот бу – билишнинг махсус ташкил қилинган жараёни бўлиб, унда воқелик ҳақидаги назарий билимлар ўрганилади, ўзлаштирилади ва тизимга солинади². Ушбу таъриф “илмий-тадқиқот” тушунчасининг яна бир муҳим хусусияти – тизимлиликка асосланишини тасдиқламоқда. Чиндан ҳам, билиш кумулятив жараён бўлгани каби, илмий-тадқиқот фаолиятининг асосини ташкил этувчи билим, кўникма ва малакалар кумулятив тарзда ривожланиб боради.

“Илмий-тадқиқот – воқеликни мақсадли билиш бўлиб, унинг натижалари тушунчалар, қонунлар ва назариялар тизими шаклида кўринади, янги илмий билимларни ишлаб чиқиш жараёни объективлик, репрезентативлик, далил ва аниқлик билан характерланадиган билиш фаолияти турларидан биридир³. Фан фалсафаси ва методологиясининг етакчи олими Н.Шермухамедова талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятига нисбатан “Илмий-

тадқиқот фаолияти деганда субъектнинг объектга фаол, изчил таъсири тушунилади”¹, дея муносабат билдиради. Ушбу таърифдан илмий-тадқиқот фаолиятининг янгилик яратишга йўналганлигини тушуниш мумкин. Чунки, субъектнинг объектга фаол таъсири объектнинг сифат жиҳатдан ўзгаришини тақозо этади. Бу эса, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишдан кўзда тутилган асосий вазифалардан бири – муаммоли вазиятларга ечим топиш билан намоён бўлади. Яъни ҳар қандай илмий-тадқиқот пировард натижада объектдаги муаммони бартараф этувчи илмий янгилик аҳамияти билан баҳоланади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ҳар қандай илмий-тадқиқот илмий билишга таянади. “Илмий билиш ижтимоий - тарихий жараён ҳисобланади, у гносеология ва эпистемиологиянинг ўрганиш объекти. Илмий-тадқиқот эса, илмий билимларни ҳосил қилиш фаолияти бўлиб, бу фаолият билан тадқиқотчилар, олимлар ва илмий жамоа шуғулланади”². Илмий билим бўлсагина мақсадга мувофиқ илмий-тадқиқот жараёнини амалга ошириш мумкин. Муаллифларнинг келтиришича, “Илмий-тадқиқот илмий билим-ларни ҳосил қилиш жараёни сифатида” намоён бўлади³. Биз ҳам ушбу фикрга қўшилаемиз ва шунга асосан илмий-тадқиқот фаолиятининг амал қилиш хусусиятларини қуйидагича асослаймиз:

- *аксиологик жиҳатдан* илмий-тадқиқот фаолиятида моддий ва маънавий қадриятларни яратиш;
- *эвристик жиҳатдан* ижодий фаолиятнинг янги, илгари мавжуд бўлмаган билимларни очиш;
- *гуманистик жиҳатдан* илмий-тадқиқот фаолиятида инсоннинг ўз-ўзини намоён қилиши ва ўз-ўзини ривожлантириши.

¹ Джурсав Р.Х. и другие. Педагогик атамалар лугати / Словарь педагогических терминов. – Ташкент: Фан, 2008. – Б. 26

² Педагогическое исследование: содержание и представление результатов / Е.В. Яковлев, Н.О. Яковлева. – Челябинск: Изд-во РБИУ, 2010. – С.5.

³ Ахрарова З.Б., Абдуллаева Н.Б. Талабаларни илмий фаолиятга йўналтирувчи педагогик технологиялар ва ўқитишнинг замонавий методлари. Услубий қўлланма. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2022. –Б.8.

¹ Қарағ: Шермухамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. –Т.: 2014

² Валеева С., Туленова Г. Илмий-тадқиқот методологияси. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2020 йил. Б.-26.

³ Қарағ: Валеева С., Туленова Г. Илмий-тадқиқот методологияси. –Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2020 йил. –23-24 бетлар

Шунингдек, олий таълим ўқув жараёнидаги тадқиқотчилик фаолияти талабада қуйидаги билим ва кўникмаларни шаклланишга замин яратади:

- *биринчидан*, соҳага оид чуқур назарий билимлар асосида тадқиқот мавзусини танлаш, мавзунинг қамрови, объекти ва предметини аниқлаш, амалий аҳамиятини изоҳлай олиш;

- *иккинчидан*, илмий изланишдан кўзланган мақсадни белгилаш, муаммоли вазиятда бартараф этишга оид гипотезаларни илгари суриш;

- *учинчидан*, тадқиқотни ворисийлик, мувофиқлик, тарихийлик, мантиқийлик ва бошқа тамойиллар асосида ўрганилган даражасини ёрита олиш билан бирга, қандай илмий мактаблар тажрибасига қараб мўлжал олинганлигини асослаш;

- *тўртинчидан*, замонавий парадигмалар талабига мос тадқиқотнинг илмий апаратини ёритиш;

- *бешинчидан*, ўрганилган манба (назария, таълимот, илмий мактаблар қарашлари ва ҳоказо)ларга таянган ҳолда масалага ўз муносабатини билдириш, муаммога илмий ечим таклиф қилиш ва фикрларни илмий услубида курс иши, малакавий битирув иши, тезис, мақола, рисола ва диссертация кабилар шаклида расмийлаштириш.

Умуман олганда, илмий-тадқиқот – жамиятни барқарор ривожлантирувчи муҳим стратегик ходиса бўлиб, у айнан узлуксиз таълимнинг олий таълим босқичида комплекс тарзда шаклланади ва ривожланади. **Илмий-тадқиқот** – талабаларни тегишли фан соҳаси (мавзуси) доирасидаги муаммоларга илмий ечим топиш мақсадида маълумотлар йиғиш, илгор тажрибаларни ўрганиш, уларни таснифлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, янги гояларни (гипотетик) экспериментдан ўтказиш ва шу асосда илмий гоя-таклифини далиллаш жараёнидир.

1.3. Илмий-тадқиқот фаолияти ва компетенцияси

Сўнгги йилларда ёшларни билим олишга, уларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Шунга қарамай, республикамизда бу соҳанинг аниқ кўрсаткичларини очиб берувчи тадқиқотлар деярли мавжуд эмаслигини қайд этиб ўтиш лозим.

Аслида, ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига қизиқтириш, уларда изланувчанлик қобилиятларини шакллантириш узлуксиз таълимнинг дастлабки босқичларида – мактабгача таълим ва умумий ўрта таълимда шаклланади ва ривожланади. Таълим олувчиларда тадқиқотчилик қобилиятларининг етишмаслигига умумтаълим мактаблари, кейинчалик эса университетлар ўқув жараёнида илмий-тадқиқот фаолиятига етарлича эътибор қаратилмаганлиги сабаб бўлиши мумкин. Илмий-тадқиқот жараёни - илмий фаолиятни шакллантиришнинг асосий таркибий қисми. Ҳозирги давр одамлардан қизиқувчанликни, ўзгарувчан ҳаётга мослашувчанликни ва жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларда фаол иштирок этишни талаб қилмоқда. Шу жиҳатдан, биз танлаган мавзудан ҳабардор бўлиш таълим субъектлари учун ҳар қачонгидан муҳимдир. Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантиришда ижодкорлик, ўзига хос фикрлаш, ўзини ўзи бошқариш ва ривожлантириш каби сифатлар алоҳида аҳамиятга эга¹. Бу жиҳатлар тадқиқотчилик кўникмаларининг ҳар бир шахс учун аҳамиятли эканлигидан дарак беради.

Илмий-тадқиқот фаолияти таълимнинг барча босқичларида ҳар доим рағбатлантирилиши ва ривожлантирилиши лозим. Илмий-тадқиқот фаолияти меҳнат, куч, масъулият ва улкан матонат талаб қиладиган фаолиятдир. Бундай фаолият давомида талабаларнинг аналитик фикрлаш қобилияти кучаяди, маълумот излаш ва ундан фойдаланиш кўникмалари шаклланади; улар тўпланган материални

¹ Lamanuskas, V. (2012). Development of scientific research activity as the basic component of science education. Journal of Baltic Science Education, 11 (3), 200-202.

тахлил қилишни, ҳисобот тайёрлашни, тадқиқот тақдимотлари ва бошқаларни ўрганадилар.

Меҳнат бозоридаги эҳтиёжларнинг тез ўзгариши ва билимнинг бозор иқтисодиётига таянган рақобат асосидаги муваффақият калитига айланиши таълим тизими субъектларининг қобилиятларига ҳам янги талабларни юклайди: бунда билим олиш нафақат яшаш учун, балки рақобат курашида ғолиб бўлиш омили эканлигини ёдда тутиш зарур. Шу боис ҳам билимга асосланган жамиятда тадқиқот олиб бориш, бунинг натижасида фундаментал ва амалий билимлар эга бўлиш энг муҳим масаладир¹. Ҳар бир жамият бугунги кунда янги таълим мақсадларини ишлаб чиқиб, глобаллашув таъсирида бўлган янгиликларни бошқариш ва қўлдан келганча таълим тизимини қайта куриш, ёш авлодни глобаллашган дунёда яшашга ҳамда замонавий бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлик билан ҳаракат қилишни талаб қилмоқда. Ҳозирги кунда нафақат билимларни эгаллаш, балки уни яратиш, жамият ва дунё ўзгаришида иштирок этиш аҳамиятли бўлиб бормоқда. Бунда ёшларнинг илмга қизиқиши - изланишлари, ютуқлари, янги имкониятларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги дунёни билиш ва пухта қарорлар қабул қилиш учун муайян йўналишдаги илмий билимларга ва уларни яратиш қобилиятига эга бўлиши керак. Таълим тизимининг тўғри ташкил қилиниши, унда илмий фаолият олиб боришга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш исбот талаб этмайдиган талабаларнинг бўлиб қолмоқда. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти мутахассислар тайёрлашнинг мажбурий ва ажралмас қисми эканлиги ҳар бир давлатнинг таълим сиёсатининг асоси бўлмоғи лозим². Талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти нафақат олий таълим тизими талаби, балки интеллектуал,

¹ Lamanaukas, V. (2003). Natural science education in contemporary school. Siauliai: Siauliai University Press, p. 514

² Students' scientific research activity (SSRA) (2014) Al-Farabi Kazakh National university. Retrieved from <http://www.kaznu.kz/en/2075/page>.

ҳиссий ва амалий ишларни ривожлантириш воситаси ҳамдир. Кўриниб турибдики, илмий-тадқиқот фаолиятининг ривожланиши муассаса ходимларига муайян масъулият, қўшимча илмий-ижодий энергия талаб қилади, аммо бошқа томондан бу ходимлар ва талабаларнинг ҳамкорликда ишлашининг янги усулларини топишга имкон беради¹. Гарчи талабаларнинг илмий фаолиятини рағбатлантириш долзарб муаммо бўлса-да, юқорида айтиб ўтганимиздек, соҳадаги муаммоларни аниқлашга қаратилган тадқиқотлар етарлича оммалашмаган. Мавзуга оид ўрганилган илмий мақолалар таҳлил этилганда олий таълимда илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар куйидаги хусусиятларга кўра фарқланганлиги маълум бўлди:

- ўқув жараёнида қўлланиладиган фаол ўқитиш услубларига²;
 - мустақил таълимнинг ташкил этилишига³;
 - касбий тайёргарликка оид яратилган имконият ва мавжуд тўсиқларга⁴;
 - ўқув дастурларининг сифат даражасига⁵ ва ҳоказо.
- Ушбу тадқиқотларнинг барчасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишдаги имкониятлар ва муаммолар ўзига хос аспектда акс эттирилган.

Олий таълимда талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти билан боғлиқ фикрларимизни давом эттирадиган бўлсак, бунда кўникма ва малакаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Илмий-тадқиқот кўникмалари талабаларнинг куйидаги сифатларида намоён бўлади:

- мутахассислик бўйича чуқур билим;
- танқидий ва таҳлилий фикрлаш (воқеа-ҳодисалар моҳиятини сабаб ва оқибат диалектикаси асосида тушуниш);

¹ Healey, M. (2005). Linking research and teaching to benefit student learning. *Journal of Geography in Higher Education*, 29 (2), 183-201.

² Petružienė, S., Ruzgienė, A. (2003). Studentų požiūris Y aktyvaus mokymo (si) metodus [Students' view to active teaching (learning) methods]. *Pedagogika*, 65, 200-206

³ Gudžinskienė, V., Smitienė, G. (2003). Savarankiško darbo ypatumai vidurinėje ir aukštojoje mokykloje [Characteristics of self-work in secondary and higher schools]. *Pedagogika*, 70, 133-136.

⁴ Navaitienė, J. (2004). VPU studentų požiūris Y profesinio rengimo klijntis. *Pedagogika*, 70, 133-136.

⁵ Sirtautienė, D. (2006). Studijų universitete kokybos vertinimo aspektai: studentų požiūrio tyrimas [Studying at university quality's estimation's aspects: Survey of students' opinion]. *Pedagogika*, 83, 117-122

- ностандарт, креатив мулохаза юритиш;
- соҳага оид муаммо ва муаммоли вазиятларни англаш;
- амалий муаммолардан илмий муаммоларни шакллантириш;
- керакли манбаларни кидириб топиш;
- топилган манбаларни қайта ишлаш;
- ўзлаштирилган билимни янгича тақдим эта олиш;
- илмий-тадқиқот олиб боришдан мақсадга эга бўлиш;
- масъулият ва маҳнатсеварлик;
- тартиблилик, вақтдан унумли фойдаланиш;
- мақсадга эришишда қатъиятлилик ва ҳоказо¹.

Бир сўз билан айтганда, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари уларни юзага келаётган назарий ва амалий муаммоларни самарали ҳал эта оладиган ижодкор шахслар сифатида шакллантиришга хизмат қилади. Тадқиқотчилик қобилиятлари инсонда табиий инстинкт тарзида мавжуд бўлса-да, уни ривожлантириш, оддий тадқиқотни ижод даражасига олиб чиқиш таълим ва тарбия, муттасил меҳнат ва ҳаракат оркали амалга оширилади.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти назарий ва амалий машғулотлар давомида олинган билимларни касбий компетенция даражасига чиқара олишида намоён бўлади. Бунда маърузачиларнинг фаол ўқитиш усулларидан фойдаланиши асосида ўзлаштирилган билимларнинг курс иши, мустақил иш, бакалаврлик битирув иши кабиларни тайёрлаш, химоя қилиш механизмлари ва баҳолаш мезонларининг тўғри ташкил қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда илмий-тадқиқот компетенцияси кўплаб касблар ва фаолият турлари учун муҳимдир: олинган билимларни нафақат ижодий қўллаш, балки янги билимларни яратиш, амалий тадқиқотлар ўтказиш зарур. Шунинг учун, бакалаврият босқичидан талаба илмий-тадқиқот олиб бориш қобилиятига эга бўлиши керак.

¹ Аллаярова С. Н. Талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтиришнинг долзарб масалалари // Современное образование (Узбекистан) – 2021. – № 5 (102) – С. 17-25.

Ўзбекистон Республикасининг Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонунида илмий фаолиятга шундай таъриф берилади: “Илмий фаолият объектлар, ҳодиса (жараёнлар)нинг хусусиятлари, ўзига хосликлари ва қонуниятларини аниқлаш мақсадида борлиқни ўрганиш ва олинган билимларни амалиётда қўллашга йўналтирилган фаолият ҳисобланиб, фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлардан иборатдир¹. Ушбу тушунчага берилган яна бир таърифни келтирсак: “Илмий фаолият ўта масъулиятли ва катта мустақилликни талаб қиладиган узоқ муддатли меҳнатдир. Бу фаолият давомида талабаларнинг таҳлилий тафаккури мустаҳкамланади, маълумот кидириш ва ундан фойдаланиш кўникмалари шаклланади; улар йиғилган маълумотлар асосида ҳисоботлар ва илмий-тақдимот тайёрлашларни ҳоказоларни ўрганади². Шундай экан, олий таълим ўқув жараёнида талабалар илмий фаолиятнинг дастлабки кўринишлари – фанни ўзлаштириш бўйича курс иши, реферат, мустақил иш, илмий-ижодий эссе кабиларни тайёрлаш малакасига эга бўлишлари лозим. Битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси юқоридаги илмий-методик ишларнинг ҳажм ва мазмун жиҳатдан юқори кўриниши ҳисобланиб, битирувчиларнинг мутахассисликка оид билим ва малакаларини ўзида акс эттиради. Битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси объекти, предмети, қўйилган муаммонинг ҳал этилишига кўра фундаментал ёки амалий тадқиқотлардан бирига тегишли бўлади (кейинги параграфда бунга кенгроқ тўхталганмиз).

Шу ўринда фундаментал ва амалий тадқиқотлар мазмунига таъриф бериб кетсак. Фундаментал тадқиқотлар воқелик ҳодисалари ва қонунлари ҳақида янги билим олишга қаратилади³. Амалий тадқиқотларнинг хусусияти шу билан белгиланадики, улар амалий вазифаларни ечиш учун керакли бўлган билимни олишга

¹ Ўзбекистон Республикасининг Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонуни. ЎРҚ-576-сон. 29.10.2019.

² 3-боб. 12-модда <https://www.lex.uz/docs/4571490>

³ Vincentas Lamanuskas and Dalia Augienė Development of Scientific Research Activity in University: A Position of the Experts // Procedia - Social and Behavioral Sciences 167 (2015). – p. 132.

³ Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси. -Т. 2014. – Б.255.

қараб тўғридан-тўғри мўлжал олади¹. Албатта, тадқиқотларнинг бошқа типлари ҳам бор, масалан инновацион, лойиҳа-конструкторлик ишланмалари, стартап лойиҳалар каби. Бирок, олий таълим ўқув жараёнида аксарият ҳолларда, яъни курс иши, битирув малакавий иши, магистрлик диссертациялари кабиларни тайёрлашда тадқиқотнинг фундаментал ва амалий типлари устида изланишлар олиб борилади.

Умуман олганда, илмий фаолият олий таълимнинг бакалаврият босқичида шаклланади, магистратура босқичида ривожланади. Бирок таъкидлаш лозимки, олий таълимда таҳсил олган (олаётган) барча талабалар ҳам илмий фаолиятга тўлиқ кириша олмайди, бу ҳолатнинг бир қатор сабаблари мавжуд. Бу ҳақда кейинги бобларда кенгроқ тўхталамиз.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини самарали ташкил этишда қуйидагиларни эътиборга олиш тавсия қилинади:

– ўқитувчилар томонидан дарс жараёнида танқидий фикрлаш ва янги маълумотларни излаб топишга кўмаклашадиган замонавий ўқув усулларнинг қўлланилиши;

– ўқитувчилар ўзларининг тадқиқот ишларини бажариш ва тақдим этишда талабаларни ёрдамчи сифатида (маълумотларни йиғиш, тартибга солиш ва ҳоказо) илмий ҳамкорликка жалб этиши;

– талабаларни олий таълим муассаси, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-тадқиқот жараёнида иштирок этишларини ташкил этиш (илмий танлов, конференция, лойиҳаларда иштирок этиш шаклида);

– ўқув дастури асосида билим бериш ва баҳолаш мезонларига тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантирувчи талабаларни киритиш ва ҳоказо.

Давр талабига кўра, талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини кескин ошириш, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун комплекс ёндашув зарур.

1.4. Талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти натижалари

Олий таълимда таҳсил олиш жараёнида ҳар бир талаба фанларни ўзлаштириш орқали илмий-тадқиқотнинг муайян шаклларини бажаради. Жумладан, реферат, мустақил иш, курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаш ўзига яраша тадқиқот олиб боришни талаб этади. Санаб ўтилган илмий-ижодий ишлар бевосита ўқув жараёни билан боғлиқ бўлганлиги боис, эркин илмий-тадқиқот ҳисобланмайди. Илмий ижодкорлик қобилиятига эга талабалар ўқув жараёнидаги ушбу вазифаларни бажариш давомида берилган тадқиқот ишлари (реферат, курс иши, битирув малакавий иши, магистрлик диссертацияси ва ҳоказо)ни ҳақиқий ижодий жараёнга айлантира олиши билан тадқиқотчилик кўникмаларини намоён қиладилар. Бу эса, мустақил ижодий тадқиқотнинг дастлабки кўринишлари – илмий мақола ва тезисларнинг яратилишига сабаб бўлади. Демак, юқоридаги фикрларимизга асосан талабалар томонидан олиб бориладиган илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини икки хусусиятга кўра фарқлаб олишимиз мумкин:

1. Талаба томонидан бевосита ўқув юкласини ўзлаштириш мақсадида бажарилган илмий-тадқиқот ишлари. Буларга – реферат, курс иши, лаборатория иши, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси кабиларни киритиш мумкин. Ушбу тадқиқот ишлари талабанинг касбий малакаларини ўзлаштирганлиги билан ўлчанади (баҳоланади).

2. Талабанинг йўналиш ёки мутахассисликка оид мустақил изланишлари асосида ишлаб чиқиладиган илмий-тадқиқот натижалари. Булар қаторига тезис, мақола ва монография кабиларни киритиш мумкин. Ушбу илмий натижалар ўқув жараёнининг баҳолаш тизими билан доим боғлиқ бўлмайди, бу эса маълум маънода талабаларнинг мустақил илмий-тадқиқот олиб боришга бўлган қизиқишларини пасайтиради. Бу ҳолатни ҳам олий таълим тизимидаги ислоҳ қилиниши лозим бўлган масалалардан бири деб

¹ Шермухамедова Н. А. Илмий тадқиқот методологияси -Т 2014 - Б 256

хисоблаймиз. Республикамизда талабалар томонидан нашр этирилган тезис, мақола ва монография кабилар олий таълимда асосан, давлат ва номдор стипендияларга тавсия этишда эътиборга олинади. Бу эса, ўзлаштириши аъло бўлмаган, бироқ тегишли соҳада иқтидор ва қобилиятга эга ёшларнинг илмий қизиқишларини рағбатлантирилишига тўсқинлик қилади.

Ююкорида келтириб ўтилган илмий-тадқиқот ишлари мазмунига қисқача тўхталиб ўтсак.

Реферат – мавзу бўйича бир неча адабиётлар (ёки битта манба) асосида тайёрланадиган қисқа ахборотлар жамланмаси¹. Ёзилиш ва баён этиш услубига кўра реферат бошқа мустақил ишлардан таркибий жиҳатдан соддароқ тайёрланиши билан фаркланади. Шунинг учун нафақат олий таълимда, балки умумий ўрта таълимда ҳам фан мазмунини ўзлаштиришда ўқувчилардан реферат тайёрлаш талаб қилиниши мумкин. Реферат мустақил илмий-тадқиқот фаолиятининг бошланғич шакли бўлиб, бунда ўқувчида мавзу бўйича керакли манбаларни топиш, улардан ўз тадқиқоти учун керакли фикрларни ажратиб олиш (иктибос олиш) ва ўз муносабатини билдириш кўникмаларини шакллантиради. Рефератда танланган мавзу бўйича илмий ахборотлар жамланади, унда илмий янгилик бўлиши шарт эмас.

Рефератга нисбатан бирмунча мураккаб мустақил иш шакли бу курс ишидир. **Курс иши** – талабанинг тегишли фаннинг долзарб мавзусига бағишланган, мустақил илмий-тадқиқот иши. У йўналиш (ёки мутахассислик) ўқув режасидаги талабанинг ўқув юкламаси таркибига киради. Олий таълимда олиб бораётган илмий-педагогик фаолиятимиз давомида курс ишини тайёрлаш ва химоясини ташкил этиш бўйича Низом лойиҳасини ишлаб чиққанмиз (Низом билан Иловада тўлиқ танишиш мумкин) ва ўқув жараёнига татбиқ этиб келинмоқда.

¹ Бушнев Ю. Как правильно написать реферат, курсовую и дипломную работы – Litres, 2022. – С. 9.

Лаборатория иши – талабанинг амалий кўникмаларини аниқлашга қаратилган назорат иши. Лабораторияда ишлаш жараёнида талаба маърузада ўтилган назарий билимларни амалиётга қўллаш имкониятига эга бўлади. Лаборатория ишини бажарилиши келажакда мустақил экспериментал тадқиқотлар олиб бориш учун асос бўлади¹.

Экспериментал тадқиқот – янги билимларни эгаллашнинг самарали усули. Экспериментдан мақсад – назарий қоидаларни текшириш (бош ғоя, гипотезани асосланиши ёки рад этилиши) ва илмий-тадқиқот мазмунини кенгрок ўрганишдир. Экспериментлар табиий ва сунъий бўлади² (ижтимоий-маданий ҳаёт, табиат билан боғлиқ экспериментлар ва лаборатория экспериментлари).

Диплом иши (битирув малакавий иши) – бакалаврлар тайёрлаш дастурининг якунловчи қисмида талаба томонидан йўналишнинг долзарб мавзусини ўрганишга бағишланган мустақил илмий-иждодий иш. Диплом иши охириги курсда тайёрланади ва химоя қилинади. Диплом иши мавзуси талабанинг олдинги курслардан мутахассислик фанларини ўзлаштириш учун тайёрлаган курс иши мавзусига асосланишини эътиборга олиш керак. Диплом ишини барча йўналиш талабалари ёзиши мумкин, унда нафақат назарий билимлар, балки йўналишга оид амалий кўникмалар ҳам акс эттирилиши мақсадга мувофиқ³. Европанинг қатор университетлари профессори Умберто Эконинг “Диплом ишини қандай ёзиш керак” номли қўлланмасида диплом ишини ёзишдан мақсад, тадқиқотни ташкил этиш, вазифаларни белгилаш, амалий ва методик вазифалар, мустақил ишни расмийлаштириш ҳамда бошқа жиҳатлар билан боғлиқ барча масалалар содда, батафсил, тушунарли баён этилган. Ушбу қўлланма билан танишиш нафақат

¹ Каранг Гергова И. Ж. и др. Виртуальные лабораторные работы как форма самостоятельной работы студентов // Современные наукоемкие технологии – 2017. – № 1. – С. 94-98.
² Каранг Агапов С. С., Керимов Ш. А. Экспериментальные исследования технологических основ развития физической культуры у обучающихся в вузах ГПС МЧС России. – 2020.
³ Каранг Умберто Э. Как написать дипломную работу // Гуманитарные науки: Учебно методическое пособие / Пер. с ит. Е. Костюкович – М.: Книжный дом «Университет». – 2003. – Т. 2.

талабаларга, балки битирув ишига илмий раҳбарлик қилувчи, уни баҳоловчи ўқитувчи-мутахассислар учун ҳам фойдали эканлигини эътиборга олиш лозим¹.

Магистрлик диссертацияси – илмий ижоднинг ўзига хос тури бўлиб, у талабанинг илмий раҳбар билан ҳамкорликда бажарган мустақил илмий-тадқиқот иши². Магистрлик – академик даража. Илмий даража эмас. Шу жиҳатдан магистрлик диссертацияси магистратурада таълим олаётган талабанинг яқунловчи иши ҳисобланади. Диссертация иши талабанинг таҳсил олиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарилган илмий-тадқиқот ишининг натижасидир. Магистрлик диссертацияси магистрант тайёрлаётган фаолият тури (тадқиқот, конун ижодкорлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, эксперт консалтинг, ташкилий менежмент, педагогик ва ҳоказо) муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган мустақил ва мантикий яқунланган иш бўлиши керак³. Магистрлик диссертациясининг битирув малакавий ишидан фарқлари кўп, улардан энг асосий фарқ – диссертацияда кичик бўлса-да, илмий янгилик бўлиши лозим. Шу жиҳатдан биз таълимнинг магистратура босқичини илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш малакаларини шакллантирувчи, ривожлантирувчи босқич деб ҳисоблаймиз.

Тезис, илмий мақола ва монография – мустақил илмий-тадқиқот фаолиятининг намуналаридир.

Тезис – илмий-тадқиқот ишининг асосий мазмунини акс эттирган мустақил илмий иш. Тезисда далиллар (иктибос ва ҳаволалар), изоҳлар келтирилмайди, у тадқиқот натижаларининг ҳулосавий мазмунини акс эттиради⁴. Одатда, кенг кўламда ўтказиладиган конференция ва форумларда тезислар нашр

¹ Китобни юклаб олиш манзили: <http://yanko.lib.ru/books/cultur/eco-diplom.pdf>
² Белевитин В. А., Гнатышина Е. А., Черновол И. Г. Магистерская диссертация: рекомендации по подготовке и защите. – 2016.
³ Shayakubov Sh. Sh. Ilmiy (huquqiy) tadqiqot metodologiyasi: O'quv qo'llanma / Toshkent: Toshkent davlat yuridik universiteti, 2022. – 101-102 b.
⁴ <https://www.xn--8kcodrdcygecwgg0byh.xn--p1ai/nauchnyye-raboty/kak-sostavit-nauchnye-tezisy-dlya-publikatsii/>

қилинади. Бу тўпламлар муайян соҳадаги энг умумий илмий ҳулосалар билан танишиш имконини беради. Тезисда муаллифнинг тегишли мавзуга нисбатан аниқ муносабати, илмий янгилиги яққол ифодаланади.

Илмий мақола – мустақил илмий-тадқиқотнинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб, унда муаллиф томонидан муайян мавзуда олиб борилган изланишлар акс эттирилади. Илмий мақола тугалланган илмий иш сифатида тегишли соҳа (мавзу)га кичик бўлса-да, илмий янгилик олиб кириши лозим. Мақолада мавзунинг долзарблиги, илмий муаммо, уни ҳал этишга қаратилган ёндашувлар, тадқиқотда фойдаланилган методлар, олинган натижалар ва ҳулосалар акс эттирилади. Муаллиф илмий муаммони ўрганар экан мақолада муаммоли вазиятга нисбатан ечим (методика, ёндашув ва ҳоказо) таклиф қилиши билан илм-фан ривожига ҳисса қўшмоғи зарур. “Илмий мақола – тадқиқотчи илмий журналларда, илмий энг кенг тарқалган шакли. Мақолалар илмий журналларда, илмий ёки услубий тўпламларда эълон қилинади. Мақоланинг ҳажми одатда 5 дан 15 тагача ёзилган саҳифалардан иборат. Илмий мақолада матннинг баёни тизимли ва изчил, таркибий қисмлар мантиқан боғланган бўлиши керак. Илмий иш услубига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Илмий услубга қуйидаги асосий талаблар хосдир: тақдимотнинг равшанлиги, сўзлардан фойдаланишнинг аниклиги, тушунарлилик, илмий терминологияга қатъий риоя қилиш, позицияларни тақдим этишдаги изчиллик, қоидаларнинг ўзаро боғлиқлигидир. Илмий мақолада илмий ҳулосалар ва тақлифларни тақдим этиш катта аҳамиятга эга. Мақоланинг ҳулоса қисмида тадқиқот натижаларининг муҳим жиҳатларини қисқача ва аниқ ёритиб бериш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш йўллари кўрсатиш зарур”¹. Журналлар, илмий мақолалар таркиби ва ҳажми, мазмуни кабиларга талабларини қўяди, шунга улар фарқланади. Масалан, мақоланинг *IMRAD* таркиби илмий жамоатчиқа яхши

¹ Новиков А. М., Новиков Д. А. Методология научного исследования. – 2010.

таниш. Бу *Introduction* – кириш, *Methods* – усуллар, *Results* – натижалар, *and* – ва, *Discussion* – муҳокама сўзларининг бош ҳарфларидан олинган. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан эълон қилинадиган маҳаллий журналларнинг мақолаларга кўйиладиган талаблари билан Scopus, Web of Science каби фанметрик базалар таркибидаги журналлар мақолалари талабларида ҳам сезиларли фарқлар бор.

Монография – муайян мавзу ёки муаммони атрофлича тадқиқ этишга қаратилган илмий асар. Монография – бир неча йиллик тадқиқотлар натижасида ёзилади. Монография – мустақил илмий-тадқиқотларнинг ҳажм жиҳатдан энг йириги саналиб, унда муаллиф (ёки муаллифлар жамоаси)нинг тегишли фан соҳасини ривожлантиришга кўмак берадиган илмий фараз ва хулосалари илгари сурилади¹. Якка муаллифли ва жамоавий монографиялар мавжуд. “Моно”, яъни “якка” тушунчаси муаллифларга эмас, балки асарнинг якка - битта мавзуга бағишланганлиги билан белгиланади. Таъкидлаш лозимки, олимларнинг нуфузи, эътирофи улар яратиб қолдирган монография – илмий асарларнинг салмоғи билан боғлиқ. Масалан, Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Ян Амос Коменскийнинг “Буюк дидактика”, Никколо Макиавеллининг “Хукмдор”, Томас Куннинг “Илмий инкилоблар структураси” асарлари каби.

Юқорида келтириб ўтилган илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини талабалар ўқув юкламаларини ўзлаштириш давомида бажариши мумкин. Мустақил илмий-тадқиқот ишлари ҳисобланган тезис, мақола ва монографиялар мазмуни (иктибос олинishi) муаллиф илмий салоҳиятининг кўрсаткичларидир.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти олиб боришлари учун мавжуд имкониятларни ўрганиш мақсадида 2020-2021 ўқув йилида республикамизнинг ҳудудлар бўйича танлаб олинган

¹ Новиков А. М. Как написать монографию // М.: Либроком. – 2009. 34

университетларида сўров ўтказилди. Унда 682 нафар респондент иштирок этди. Сўров қуйидаги олий таълим муассасаларида ўтказилди:


- Ўзбекистон Миллий университети;
- Тошкент Тиббиёт Академияси;
- Тошкент Давлат Юридик университети;
- Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети;
- Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети;
- Тошкент Давлат Педагогика университети;
- Жиззах Педагогика институти;
- Самарканд Давлат университети;
- Урганч Давлат университети;
- Андижон Давлат университети;
- Бухоро Давлат университети;
- Навоий Давлат Педагогика институти.

Илмий-тадқиқот фаолияти натижалари кўпроқ юқори курс бакалавриат босқичи ҳамда магистратура босқичида намоён бўлишини ҳисобга олиб, респондентлар ўқув курсига асосан танлаб олинди: бакалавриат 3.4-курс, магистратура 1.2-курс. Сўровда иштирок этган респондентларнинг 44,9 % - магистрант, 54,1% - бакалавриат талабалари ташкил қилади.

Унда қуйида **кўрсаткичлар**ни аниқлашга эътибор қаратилган:

1. Талабаларнинг илмий фаолият билан шуғулланишга қизиқиши ва келажагини илм билан боғлаш режасининг борлиги.
2. Профессional билимларини ошириш мақсадида халқаро ва миллий илмий базалардан фойдаланиши.
3. Таҳсил олиш давомида нашр этилган илмий ишлар билан илмий-тадқиқот билан шуғулланишига таъсири.
4. Онлайн дарсларнинг илмий-тадқиқот билан шуғулланишига таъсири.
5. Илмий-тадқиқот олиб боришдаги муаммолар.
6. Талабаларнинг онлайн таълим олишлари учун етарли моддий-техник воситаларга эгалиги.

7. Илмий-тадқиқот олиб боришга ҳудуд, жинс ва оилавий аҳволнинг (оилали ёки оила қурмаган) таъсири ва бошқалар. Шу кунгача қандай илмий ишлар нашр эттиргансиз, деган саволга респондентлар қуйидагича жавоб берган (1.4.1.-расм):



1.4.1.-расм. Респондентлар томонидан нашр қилинган илмий ишлар кўрсаткичлари

682 нафар респондентларнинг 341 нафари таълим олиш давомида ҳеч қанлан илмий ишлар чоп эттирмаган. Агар ушбу саволга бир нечта жавоб белгилаш мумкинлигини эътиборга олсак, респондентларнинг қолган 50 фоизидан 253 нафари конференция мақоласи, 161 нафари электрон журнал мақоласи, 120 нафари ОАК журнали мақоласи, 46 нафари Scopus Web of Science журналлари мақоласи (хаммуаллифликда), 36 нафари рисола, 20 нафари монография нашр эттирган. Илмий ишлар нашр қилган респондентлар орасида ҳам монография, ҳам нуфузли нашрларда илмий мақолалар чоп эттирган талабалар сони 20 тани ташкил қилади ва бу респондентлар давлат ва номдор стипендиялар соҳиби, давлат мукофотлари (Зулфия номидаги давлат мукофоти) билан тақдирланган. Нашр қилинган илмий ишлар сони ва нуфузининг асосий улуши магистратура босқичида таҳсил олаётган талабаларга тўғри келади.

Эътиборимизни илмий ишлар нашр эттирмаган 341 нафар респондентга қаратдик. Хусусан, уларнинг бошқа саволларга берган жавобларидан илмий-тадқиқот фаолияти олиб боришда дуч келаётган муаммолари сабабларини аниқлашга ҳаракат қилдик. “Илмий-тадқиқот ишини олиб боришда қандай муаммолар ҳалақит қилмоқда?”, деган саволга илмий ишлар нашр этмаган

респондентларнинг жавоблари қуйидагича (ушбу саволга учтагача жавоб вариантини белгилаш мумкин).

Натижалар улушини қуйидаги диаграммада кўриш мумкин (1.4.2.-расм).



1.4.2.-расм. Илмий иш нашр этмаган респондентларнинг тадқиқот олиб боришда дуч келган муаммолар кўрсаткичлари

Жавобларга эътибор қаратадиган бўлсак, сўровда иштирок этган талабаларнинг катта қисми илмий-тадқиқот олиб боришлари учун ҳалақит бераётган асосий камчиликлар сифатида хорижий тилни билмаслик ва иқтисодий етишмовчиликни кўрсатишган. Ҳаммамизга маълум – ҳозирги кунда хорижий тилларни билмасдан яхши мутахассис бўлиб етишиш қийин. Лекин республикамизда хорижий тиллар, хусусан инглиз тилини ўрганиш бўйича ёшлар, талабалар учун яхши имкониятлар яратилган. Масалан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан инглиз тилини билиш халқаро сертификатини олиш имтиҳонида 7 баллдан юқори натижага эришганларга имтиҳон ҳаражатлари қоплаб берилади; Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ёш олим ва ўқитувчилар учун

бепул "English for Science" лойихаси икки йилдан буён амалга оширилмоқда (<https://mininnovation.uz/ru/news/post-93>).

Бизнинг фикримизча, бу масалада кўпроқ масъулият ёшларнинг ўзида қолмоқда, яъни мақсадни аниқ қўйиб тил ўрганишга ҳаракат қилинса, барча имкониятлар етарли. 2022-2023 ўқув йили учун олий таълим магистратура босқичига тил билиш сертификати асосида қабул жараёнининг ташкил қилиниши ҳам ёшларнинг тил ўрганишга бўлган ҳаракатини жиддийлаштиради. Интилувчан ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир ОТМ **кошида талабалар** учун бепул тил ўрганиш курсларини ташкил қилиш, унинг фаолиятини мунтазам йўлга қўйиш, яхши **натижаларга эришган талабаларни рағбатлантириб бориш** мақсадга

назорат деб ҳисобланган. **Иқтисодий муаммолар**, етишмовчиликлар ҳар бир даврда, ҳар **бир ҳафтада мавжуд**. **Иқтисодий етишмовчиликларни** илмий-тадқиқот **фаолияти** олиб бориш учун муаммо деб ҳисоблаган **респондентларимиз** ҳозирги кунда уларда мавжуд барча **имкониятлардан тўлиқ фойдаланаётганини**, деган масалани ҳам **уйлаб кўриш** лозим.

Иқтисодий муаммоларнинг илмий-тадқиқот олиб бориш билан боғлиқлиги респондентлар қуйидагилар билан асослаган:

- интернет сифатининг пастлиги ва хизматнинг қимматлиги;
- тадқиқот ишларини ёзиш, электрон платформалар билан ишлаш учун ноутбук ёки шахсий компьютерга эга эмаслик;
- молиявий мустақил эмаслик ва ҳоказо.

Бизнинг фикримизча, жамиятдаги ҳар бир инсон каби талабаларнинг ҳам молиявий мустақилликка эга бўлиши муҳим масала. Иқтисодий қарамлик ҳар қандай қизиқишларга тўсик бўлиши мумкин. Талабаларнинг иқтисодий имкониятларини яхшилаш учун давлат (вазирлик, ОТМ) томонидан чоралар кўриши керак деган фикрдамиз. Чунки сифатли таълим олиш – барча фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқи, молиявий ҳолатнинг

яхшиланиши ҳаётдан қониқиш, келажакка умид ва ишонч билан қараш, катта мақсадлар сари одимлашда муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотимиз объекти ҳисобланган олий таълим тизимида талабаларнинг молиявий мустақиллигини таъминлашга хизмат қилувчи механизмларни кечиктирмасдан ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда талабаларнинг бўш вақтлари, йўналиш ва мутахассисликларини ҳисобга олиб ОТМ ҳудудида турли хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ кичик корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш яхши самара беради. Дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида ушбу тажриба узок йиллардан буён яхши самара беради (масалан, Жанубий Корея ОТМлари).

Умуман олганда, талабалар томонидан олиб бориладиган илмий-тадқиқот натижалари таълим йўналиши ва мутахассислик хусусиятига кўра фарқ қилиши мумкин. Биз юқорида энг умумийларини кўриб чиқдик. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, илмий-тадқиқот фаолиятининг ўқув жараёни мазмунига сингдирилиши ва таълимнинг тадқиқот асосида ташкил қилиниши рақобатдош кадрлар тайёрлашнинг асосий шартидир.

2-БОБ. ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

2.1. Таълим жараёнининг ташкил этилиши – илмий-тадқиқотга жалб этишнинг омили сифатида

Олий таълимда ўқув жараёнининг ташкил этилиши таълим сифати ва самарадорлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири эканлиги барчамизга маълум. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг шундай шаклини ташкил қилиш керакки, талабаларда илмий-тадқиқот фаолият билан шуғулланишга оид малака ва кўникмалар ривожланиб борсин. Бундай натижага эришишнинг қатор усул ва воситалари мавжуд. Улардан олий таълим ўқув жараёнини ташкил этиш шакллариининг илмий-тадқиқот фаолияти таъсирига эътибор қаратамиз.


Юқоридаги параграфларда келтирганимиздек, илмий-тадқиқот фаолияти – талабаларни тегишли фан соҳаси доирасида маълумотлар йиғиш, уларни таснифлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва шу асосда мустақил фикрларини изчил илмий далиллаш ҳамда тақдим эта олиши кабиларда намоён бўлади. Ўқув жараёнида талабаларда илмий фаолиятга оид кўникмаларни шакллантириш яхлит педагогик жараёни лойиҳалаш орқали амалга ошади. Педагогик жараёни лойиҳалаш таълим технологияси лойиҳасини тайёрлаш ва уни амалга ошириш таркибига киради. Яъни ўқитувчи-педагог танланган фан мазмуни ва йўналиш давлат таълим стандарти (мутахассисликлар бўйича малака талаблари)га таяниб семестр (модул) давомида фанни ўқитиш лойиҳасини ишлаб чиқади. Маъруза, амалий ва семинар машғулотларини ташкил этишда билим, малака ҳамда кўникмаларни ривожлантиришга қараб мўлжал олинади; ижодкорлик (креатив ва ностандарт фикрлаш), педагогик ва профессионал импровизация, танкидий-эвристик муносабат ва бошқа сифатларнинг шакллантирилиши, рағбатлантирилиши эътиборга олинади.

Ўқув жараёнини ташкил этиш шакли – ўқитувчи ва талаба ўртасидаги билим олиш, ўрганиш, ўз-ўзини бошқариш ва ривожлантиришнинг вақт ва макон, талабалар сони, ўқитишнинг мақсади ва мазмуни, метод ва воситалари, натижаларига боғлиқ бўлган яхлит тизим хусусиятидир. Улар учта катта гуруҳга бўлинади (2.1.1.-2.1.4. - расмлар):

1. Таълимни ташкил этишнинг *умумий* шакллари.
2. Таълимни ташкил этишнинг *ташқи* шакллари.
3. Таълимни ташкил этишнинг *ички* шакллари.



2.1.1.-расм. Ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари.



2.1.2.-расм. Таълим олишни ташкил этишининг умумий шакллари.



2.1.3.-расм. Таълим олишни ташкил этишининг таъқиқ шакллари.



2.1.4.-расм. Таълим олишни ташкил этишининг ички шакллари.

Ўқув жараёнини ташкил этишда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш мақсадида таълим соҳасида ўзига хос ютуқларга эришган ривожланган давлатлар таълим тизимидаги асосий хусусиятлар ўрганилди. Қуйида айримларини келтириб ўтаемиз.

Буюк Британияда таълим тизими кредит-модуль асосида ташкил қилинган. ОТМларнинг автономлигини ошириш ва профессор-ўқитувчиларнинг таълим сифатини пасайишига таъсир қилишига сабаб бўлувчи ҳар қандай ортиқча юкларини камайтириш таълим тизимини асосий вазифаларидан саналади. Таълим жараёнининг марказида талаба туради. Лектор эса, умумий йўналтирувчи вазифасини бажаради. Ўқув жараёнида семинар машғулотлари учун соатлар ажратилмаган. Шу сабаб талабада ўқув материаллари (reading list)ни ўқишга вақт етарли бўлади. Бирок манбаларнинг кўплиги учун талабалар барча материалларни ўқишга улгирмайди. Буюк Британиядан фарqli Ўзбекистонда ўқув жараёнида асосий масъулият ва талаб ўқитувчига йўналтирилган (кераксиз қоғозбозликдан ташқари, улар доимий тарзда ўз

Германия империясининг таъсирида немис федерал ерларидаги таълим стандартлари тизимга келтирила бошланди. Олий таълим 5 йиллик тизимга келтирилди, баъзи йўналишлар (бошланғич таълим педагогикаси) эса 3 йиллик тизимда шаклланди.

1999 йилдан бошлаб Европанинг Болонья шартномаси жараёни ишга тушди ва умум Европа бўйича олий таълимни стандартлаштириш жараёнида Германия ҳам 2002 дан бошлаб. Олий таълимда бакалавриатура (BA) ва магистратура (MA) тизимлари жорий этилди. Фақат бир неча йўналишлар (ҳуқуқшунослик, тиббиёт ва бир неча педогогик соҳалар) анъанавий немис усулида таълим тизими сақлаб қолинди.

Таълим ва илмий-тадқиқот федерал вазирлиги (Bundesministerium für Bildung und Forschung) томонидан умумий федерал стандартлар ишлаб чиқилади ва федерал ерлар ўз қоида ҳамда стандартларини киритишлари мумкин, шу билан биргаликда ҳар бир университет ўз стандартларини ўзи тузган ҳолда ўзи тасдиқлайди¹.

Германияда олий таълимнинг яна бир ўзига хослиги унинг бепуллигидир. Ундан нафақат Германия фуқаролари, балки хорижий талабалар ҳам бепул таълим олиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Шу билан биргаликда олий таълимда немис ва инглиз тилларида таълим олиш имконияти мавжуд. Кўплаб ривожланган мамлакатларда олий таълим пуллик масалан АҚШ, Буюк Британия, Япония, Канада ва бошқалар. Нега Германияда олий таълим бепул ва унинг ўзига хослигини кўриб чиқсак.

2018 йил ҳисобидан Германияда 2,8 млн талаба таҳсил олади. Бу Европа Иттифоқи бўйича энг катта кўрсаткич ҳисобланади. Умумий Европа бўйича олий таълимда таҳсил олаётганларнинг 14,2% ташкил этади². Бу кўрсаткичнинг юқорилиги – таълим харажатларини ошиши таълим сифатига таъсир қилмайдими деган

¹ Каран: Hüther O., Krucken G. Higher Education in Germany--Recent Developments in an International Perspective. – Cham : Springer International Publishing, 2018. – Т. 49.

² A Practical Guide for International Students 6th Edition www.daad.de/deutschland

ҳақли савол тугилиши мумкин. Германия университетлари нафақат федерал ҳукуматдан молиялаштириш, маҳаллий федерал ерлар бюджетидан шу билан биргаликда ишлаб чиқарувчи билан ҳамкорликда ишлайди. Бунда дунёга машҳур компаниялар университетларга маблағ ажратишади. Ишлаб чиқарувчилар асосан университетларни илмий-тадқиқотларини молиялаштиришда иштирок этишади¹.

Хорижий талабаларни қабул қилиш. Германиянинг ўзида таълим олмаган хорижий абитуриентлар Германия олий таълим муассасаларида ўқиш учун ўзларида (secondary school) коллеж дипломига эга бўлишлари ёки ўз давлатларидаги олий таълим муассасида ўқиётган бўлишлари керак. Баъзи ҳолларда ўзлари таълим олаётган ОТМга имтиҳон орқали кирганликларини исботловчи ҳужжат керак. Шу билан биргаликда, немис тилини билишлари ҳақидаги сертификатга эга бўлишлари лозим. Бундай сертификатни (German Language Proficiency Examination for Admission to Higher Education for Foreign Applicants (DSH) томонидан ёки герман ОТМ ўзлари томонидан ҳам тест олиниши мумкин. (Test Deutsch als Fremdsprache für ausländische Studienbewerber (TestDaF)).

Германия ОТМ кредит тизими. Германия ОТМда кредит системаси талабалар юкламасининг миқдорий кўрсаткичини билдиради. Бунда юклама бўйича кўрсатмалар, юклама соатлари (аудитория соатлар, амалий машгулот, мустикал таълим, амалиёт соатлари, имтиҳонлар вақтлари диплом ишига ажратилган соатлар ва б.) Бир академик йилга 60 кредит ажратилган ёки бир семестрда 30 кредит мавжуд. Ўртача бир кредит талабалар юкламаси 25-32 соатни ташкил этади. Бунда Фанлар бўйича кредитларда Европа

¹ Hüfner K. Governance and funding of higher education in Germany //Higher education in Europe. – 2003. – Т. 28. – № 2 – С. 145-163.

кредит тизими баллари билан ишланади (European Credit Transfer and Accumulation System. ECTS)¹.

Ўқув дастури. Ўқув курсининг таркибида ўқув режалари, ўқув коидалари ўрин олган. Бунда ўқув курслари соати унинг тақсимланиши ушбу ўқув курсини муваффақиятли тугатишдаги билим, кўникма ва малаканинг стандартлари киритилади. Шунингдек, ўқув курсининг мажбурий ёки ихтиёрийлиги белгиланади. Шу билан биргаликда, талаба якуний имтихонга киришгача қанча аудитория соатлари ёки махсус курсларни тугатганлиги коидалари берилади.

Таълим стандартлари даври. Бакалавр босқичи учун тўлиқ таълим даври 6, 7 ёки 8 семестрдан иборат, магистратура учун эса 2,3 ёки 4 семестр тўлиқ курслар ҳисобланади. Германиянинг анъанавий таълим йўналишларида эса камида 10 семестр ёки 5 йиллик таълим стандарти сақлаб қолинган ва унда бакалавр ёки магистр ажратилмаган ҳолда диплом берилади.²

Ўқув курслари. Бакалавр таълимида курслари бакалавр академик даражасида юқори таълим стандартлари асосида ташкил этилиб касбга йўналтиришда керакли кўникма ва малакага эга бўлиш бўйича ишлаб чиқилади. Магистратурада эса, ўқув курслари керакли мутахассислик бўйича ихтисослашган стандартлар асосида ишлаб чиқилиб бевосита амалиётга йўналган ёки илмий-тадқиқотга йўналган бўлан ҳолда олиб борилади.

Ўқитиш методикаси. Дарс жараёнлари маърузалар, семинарлар, амалий машғулотлар, ишлаб чиқаришдаги амалий дарслар ишлаб чиқариш амалиётлари тарзида олиб борилади. Маърузалар ўқитишнинг асосини ташкил этган ҳолда талаба билим олишининг асосини ташкил этади. Семинарлар эса билимни кучайтириш ва уни янада мустақамлашда кўмакчи. Талабалар ўқув курси давомида

¹ Lu L. I. N. An Analysis of Academic Credit System in German Higher Education and Its Enlightenment to Credit System Construction in China // Higher Education of Social Science. – 2017. – Т. 12. – №. 2. – С. 32-36.
² Botte A. (2012) Challenges of educational reform in Germany and the potential role of Information Literacy
Published by: Deutsches Institut für Internationale Pädagogische Forschung (DIPF)

ўзлари мустақил таълим олган ҳолда тақдимотлар ва лойиҳалар тайёрлашлари ва шунга баҳо олишлари ҳам мумкин. Амалиёт эса назарий билимларни қўллаш ва уни мустақамлашда муҳим ҳисобланади.

Ўқув жараёнида технология. Федерал ва маҳаллий ҳукумат томонидан таълим сифатини яхшилаш мақсадида ўқув жараёнида мультимедиа технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича 2000-2004 йилларни қамраб оладиган дастурини амалга оширди. Ушбу дастурнинг узвий давоми сифатида 2005 – 2008 йилларда эса “Таълимда сервис” тизимини олиб борди, бунда барча ОТМда электрон кутубхона ташкил этиш ва йирик халқаро кутубхоналарга аъзо бўлиш ишлари амалга оширилди. Бу эса талаба ва профессор ўқитувчиларнинг илмий фаолият олиб боришида катта олдинга қадам бўлди.

Талабалар билимини баҳолаш. Талабалар билими ўқув стандартлари бўйича семестрга боғлиқ ҳолда талаба 180–240 кредит таълим бўлиши лозим. Магистратура учун 300 кредит талаб қилинади. Шу билан биргаликда, малакавий амалиётдан ўтган бўлиши лозим. Бакалавр ва магистратурада мақола ёки битирув малакавий иш ёки диссертация ёзилади. Битирув малакавий ишига 12 кредитдан ошмаган ҳолда балл берилади магистрлик диссертациясига эса 15-30 баллгача кредит олиш мумкин.

Ўзбекистон олий таълим тизимида Германия таълим таълим жараёнидан нима ларни ўрганишимиз мумкин?

– Германия олий таълим муассасаларининг таълим дастурларини яратиш ва уни татбиқ этишда мустақиллиги;

– Германия олий таълимида ўқув жараёнларининг ишлаб чиқариш жараёнига жуда яқинлиги;

– олий таълимда ўқув дастурлари ишлаб чиқариш билан бевосита боғланган ҳолда тузилади ва шу стандартлар асосида ишлаб чиқилиши;

кредит тизими баллари билан ишланади (European Credit Transfer and Accumulation System. ECTS)¹.

Ўқув дастури. Ўқув курсининг таркибида ўқув режалари, ўқув коидалари ўрин олган. Бунда ўқув курслари соати унинг тақсимланиши ушбу ўқув курсини муваффақиятли тугатишдаги билим, кўникма ва малаканинг стандартлари киритилади. Шунингдек, ўқув курсининг мажбурий ёки ихтиёрийлиги белгиланади. Шу билан биргаликда, талаба якуний имтихонга киришгача қанча аудитория соатлари ёки махсус курсларни тугатганлиги коидалари берилади.

Таълим стандартлари даври. Бакалавр босқичи учун тўлиқ таълим даври 6, 7 ёки 8 семестрдан иборат, магистратура учун эса 2,3 ёки 4 семестр тўлиқ курслар ҳисобланади. Германиянинг анъанавий таълим йўналишларида эса камида 10 семестр ёки 5 йиллик таълим стандарти сақлаб қолинган ва унда бакалавр ёки магистр ажратилмаган ҳолда диплом берилади.²

Ўқув курслари. Бакалавр таълимида курслари бакалавр академик даражасида юқори таълим стандартлари асосида ташкил этилиб касбга йўналтиришда керакли кўникма ва малакага эга бўлиш бўйича ишлаб чиқилади. Магистратурада эса, ўқув курслари керакли мутахассислик бўйича ихтисослашган стандартлар асосида ишлаб чиқилиб бевосита амалиётга йўналган ёки илмий-тадқиқотга йўналган бўлан ҳолда олиб борилади.

Ўқитиш методикаси. Дарс жараёнлари маърузалар, семинарлар, амалий машғулотлар, ишлаб чиқаришдаги амалий дарслар ишлаб чиқариш амалиётлари тарзида олиб борилади. Маърузалар ўқитишнинг асосини ташкил этган ҳолда талаба билим олишининг асосини ташкил этади. Семинарлар эса билимни кучайтириш ва уни янада мустақкамлашда кўмакчи. Талабалар ўқув курси давомида

¹ Lu L. I. N. An Analysis of Academic Credit System in German Higher Education and Its Enlightenment to Credit System Construction in China // Higher Education of Social Science. – 2017. – Т. 12. – № 2. – С. 32-36.
² Botte A. (2012) Challenges of educational reform in Germany and the potential role of Information Literacy
Published by: Deutsches Institut für Internationale Pädagogische Forschung (DIPF)

ўзлари мустақил таълим олган ҳолда тақдимотлар ва лойиҳалар тайёрлашлари ва шунга баҳо олишлари ҳам мумкин. Амалиёт эса назарий билимларни қўллаш ва уни мустақкамлашда муҳим ҳисобланади.

Ўқув жараёнида технология. Федерал ва маҳаллий ҳукумат томонидан таълим сифатини яхшилаш мақсадида ўқув жараёнида мультимедиа технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича 2000-2004 йилларни қамраб оладиган дастурини амалга оширди. Ушбу дастурнинг узвий давоми сифатида 2005 – 2008 йилларда эса “Таълимда сервис” тизимини олиб борди, бунда барча ОТМда электрон кутубхона ташкил этиш ва йирик халқаро кутубхоналарга аъзо бўлиш ишлари амалга оширилди. Бу эса талаба ва профессор ўқитувчиларнинг илмий фаолият олиб боришида катта олдинга қадам бўлди.

Талабалар билимини баҳолаш. Талабалар билими ўқув стандартлари бўйича семестрга боғлиқ ҳолда талаба 180–240 кредит таълим бўлиши лозим. Магистратура учун 300 кредит талаб қилинади. Шу билан биргаликда, малакавий амалиётдан ўтган бўлиши лозим. Бакалавр ва магистратурада мақола ёки битирув малакавий иш ёки диссертация ёзилади. Битирув малакавий ишига 12 кредитдан ошмаган ҳолда балл берилади магистрлик диссертациясига эса 15-30 баллгача кредит олиш мумкин.

Ўзбекистон олий таълим тизимида Германия тажрибасидан нималарни ўрганишимиз мумкин?

- Германия олий таълим муассасаларининг таълим дастурларини яратиш ва уни татбиқ этишда мустақиллиги;
- Германия олий таълимида ўқув жараёнларининг ишлаб чиқариш жараёнига жуда яқинлиги;
- олий таълимда ўқув дастурлари ишлаб чиқариш билан бевосита боғланган ҳолда тузилади ва шу стандартлар асосида ишлаб чиқилиши;

– Германия олий таълимида кредит системаси фанларни танлашда талабанинг деярли мустакиллиги;

– Германия олий таълим муассасаларида факатгина кадрлар тайёрлашга боғланиб қолмаганлиги, жуда катта илмий салоҳият яратилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Германия олий таълим муассасалари қошида кўплаб лаборатория илмий марказ ва институтлар бирлашади. Бу талабаларнинг илмга бўлган интилишини ошириши ўқув жараёнини бевосита ушбу лаборатория ёки институтларда ҳам олиб бориш имконини яратади.

Умуман олганда, олий таълим ўқув жараёнининг ташкил этилиши талабаларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга (ёки ривожланмасликка) бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис ҳам ўқув жараёнини тўғри ташкил этилиши ва ўқув режаси ҳамда дастурларининг мукамал ишлаб чиқилиши жуда муҳим. Юқорида Буюк Британия ва Германия олий таълим тизими ҳақида келтириб ўтилган кичик тавсифларимиз киёслаш учун келтирилди.

2.2. Талабанинг тадқиқотчилик малакасини ривожлантиришда профессор-ўқитувчи педагогик маҳоратининг аҳамияти

Талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятига таъсир этувчи омиллар ичида профессор-ўқитувчилар педагогик маҳоратининг алоҳида ўрни бор. Чунки, тадқиқотчилик фаолияти том маънода устоз-шогирд аъёналарига таянади. Аксарият ҳолларда талабанинг илмий фаолиятга қизиқиши ўқитувчи (илмий раҳбар, устоз)нинг профессионал салоҳияти, педагогик маҳорати таъсирида пайдо бўлади.

Ўрганилган манбаларга асосан аниқланишича, талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятига қизиқмасликларининг сабабларидан бири-мотивациянинг етишмаслигидир. Ўқув жараёнида талабага тўғридан-тўғри мотивация берувчи бу – шубҳасиз профессор-ўқитувчилардир. Талабалар университетда олинган билимларни амалда мукамал қўллаш олиши, кейинги фаолиятида юқори

муваффақиятларга эриша олиши, шунга кўра истиқболли режалар тузиши, касбий фаолиятнинг моҳиятини чуқурроқ англаши ва ўзгаришларни бошқаришини педагоглар мисолида кўра олса илмий-тадқиқот фаолиятига астойдил киришади. Чунки, шахсий намуна – мотивация беришнинг асосий омилдир.

Таъкидлаш лозимки, олий таълим ўқув жараёнида талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятини самарали ташкил этишда комплекс ёндашув (маърузачи, талаба, ўқув жараёни) самарали натижа беради. Маърузачи, яъни профессор-ўқитувчилар ташаббуси билан талабаларни илмий-тадқиқот лойиҳаларига жалб қилиш ҳам талабаларда илмий фаолиятга қизиқиш уйғотади. Олий таълим муассасасида ўқув жараёнидан ташқари ўқитувчи ва талабаларнинг илмий ҳамкорлиги лойиҳалардаги фаолиятда яққол кўринади. Бунда талабалар илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этиши ва кувватланиши (моддий рағбатлантирилиши), тажриба олиши ва фаолият натижаларини кўриш имкониятига эга бўладилар. Бу жараён талабаларнинг илмий фаолиятга бўлган қизиқишини оширади. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчи ва талабанинг ўқув жараёни ва илмий лойиҳалардаги ҳамкорлиги олий таълим муассасасида ҳақиқий тадқиқотчилик муҳитини шаклланишига сабаб бўлади.

Одатда, илмий-тадқиқот билан шуғулланаётган профессор-ўқитувчигина талабаларни илмий фаолиятга жалб эта олади. Шунинг учун ўқитувчининг илмий-тадқиқот билан шуғулланиши талабаларни илмий фаолиятга йўналтиришда алоҳида аҳамиятга эга. Илмий-тадқиқот фаолияти ўқитувчининг реал қилишга, ўз хатти-айланиб, аниқ ўқув вазиятларини таҳлил қилишга, ўз хатти-ҳаракатлари тўғрисида фикр юритиш, ўқувчилар билан ўзаро педагогик муносабатларни шакллантириш, амалий ўқитиш усуллари самарадорлигига ишонч ҳосил қилишга имконини беради. Замонавий олий таълим педагог-ўқитувчидан касбий малака ва маҳоратини мунтазам ривожлантириб, бойитиб боришини талаб

килади. Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришда аввало, ўқитувчи тадқиқотчи бўлиши лозимлигини унутмаслик керак. Педагогик импровизация, мутахассислик доирасидаги илмий муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишга оид махсус методикаларни ижодий қўллаш олиш, янгиларини яратиш тадқиқотчи-ўқитувчининг асосий сифатлари саналади. Таълим сифатини оширишда ўқитувчи-тадқиқотчининг касбий маҳорати қанчалик муҳим эканлиги тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган¹.


Таълим жараёнида педагогнинг илмий-тадқиқот компетенцияси икки томонлама аҳамиятга эга:

– *биринчидан*, педагог илмий воқеликни билиш усулларини ўзлаштириб амалий тадқиқотларни олиб боради;

– *иккинчидан*, талабаларнинг когнитив қобилиятларини ўзи қўллаган метод ва ёндашувлари асосида ривожлантиради, кизиқиш ва янги чўққиларни забот этишларига илҳом бағишлайди (талабалар учун намуна – идеалга айланди).

Биринчи бобда келтириб ўтилганидек, талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти олиб боришлари учун яратилган имконият ва мавжуд муаммоларни ўрганиш юзасидан ўтказилган сўровномада талабаларнинг тадқиқотчилик малакаларини ривожланишида профессор-ўқитувчи педагогик маҳоратининг аҳамияти билан боғлиқ савол ҳам бор эди. Қуйида шу саволга берилган натижаларни ўрганиб чиқамиз.

“Сизнингча, талабаларда илмий-тадқиқот фаолиятига кизиқишнинг пайдо бўлишига (ортишига) энг кучли таъсир қилувчи омил нима?” (2.2.1.-расм), деган саволга респондентлар қуйидагича жавоб берган:



2.2.1.-расм. Илмий-тадқиқот фаолиятига таъсир этувчи омиллар


Берилган жавоблар орасида энг юқори улуш 33% (225 нафар) билан – “ОТМ да ўқув жараёнининг тўғри ташкил қилинганлиги (юқори техник таъминот, кучли илмий салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар ва ҳоказо)”, деган иккинчи жавоб вариантга тўғри келади. 27.6% (188 нафар) респондентлар “Профессор-ўқитувчи томонидан фаннинг яхши тушунтирилиши” деган биринчи жавоб вариантини белгиллаган. Кейинги юқори фоизли жавоб 21% (143 нафар) билан “Илм орқали ҳаётий мақсадларга етишиш мумкинлигини шахсий намуналар орқали тушунтирилиши” варианты берилган тўртинчи жавобга тўғри келади. Эътибор қаратадиган бўлсак, ҳар учала жавоб вариантларида ҳам профессор-ўқитувчилар педагогик маҳорати талабаларнинг илмий фаолият билан шуғулланишга кизиқишни ортишига таъсир қилувчи омиллар бор. Бу каби натижалар бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ҳам қайд этилган¹.

Шу билан бирга, сўровда иштирок этган респондентларнинг ОТМ профессор-ўқитувчиларининг касбий билимларига берадиган баҳосини аниқлаш мақсадида қуйидаги савол билан мурожаат қилдик: “Сизга дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг неча

¹ Қаранг: Саена, Ф. (2011). Literature review Teachers' core competences: requirements and development Education and Training 2020 Thematic Working Group 'Professional Development of Teachers'. Retrieved from http://ec.europa.eu/education/policy/strategicframework/doc/teacher-competences_en.pdf. Nezvalova, D. (2011). Can be the pre-service science teacher a researcher? Problems of Education in the 21st Century, 37, 90-97.

¹ Қаранг: Чуракова, М В (2006) Научно-исследовательская деятельность преподавателя как условие повышения его профессиональной компетентности Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Социально-гуманитарные науки. (17 (72)), 270-273

фоизини ўз мутахассислигини яхши билувчи, юқори илмий-педагогик салоҳиятга эга олим, деб ҳисоблайсиз?” (2.2.2.-расм). Ушбу саволга қуйидаги жавоблар берилган:



2.2.2.-расм. Респондентларнинг ОТМ профессор-ўқитувчилари касбий салоҳиятига берган баҳоси.

Ушбу саволга энг юқори – 25,1% билан 171 нафар респондент ОТМда дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг 80 фоизини ўз мутахассислигини яхши билувчи, юқори илмий-педагогик салоҳиятга эга олим деб ҳисоблайди. Бирок, ушбу натижалар орасида 19,8% (135 нафар) респондентнинг уларга дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг фақат 20 фоизинигина ўз мутахассислигини яхши билувчи, юқори илмий-педагогик салоҳиятга эга олим деб ҳисоблашлари тизимда жиддий камчиликлар борлигидан далолат беради. Айниқса, бу ҳолатни талабалар томонидан қайд этилиши таълим сифатига эътиборни янада кучайтириш зарурлигидан дарак бермоқда.

Талабаларнинг илмий грантлар ғолиби бўлиши ҳам бевосида илмий раҳбарлар ва профессор-ўқитувчиларнинг иқтидорли талабаларни илмий фаолиятга жалб қила олиши билан боғлиқ. Сўров ўтказилган ОТМларда талабаларнинг илмий-тадқиқот лойиҳаларидаги иштирокини аниқлаш мақсадида “Илмий грантлар ғолиби бўлганмисиз ёки илмий лойиҳаларда иштирок этганмисиз”

деган савол билан мурожаат қилдик ва қуйидаги натижаларни олдик (2.2.3-расм):

2.2.3-расм. Респондентларнинг илмий грантлардаги иштироки.

Ушбу саволга берилган натижалар ҳам талабаларнинг илмий грантлар соҳибни бўлиши, ОТМ қошидаги илмий-тадқиқот лойиҳаларидаги иштирокининг талаб даражасида эмаслигини кўрсатади. Жумладан, энг юқори кўрсаткич – 36% (245 нафар) респондент “Жавоб бериш мушкул” деган охириги вариант жавобини, 33,5% (228 нафар) респондент “Бу ҳақда илғари эшитмаганман” дейилган тўртинчи жавоб вариантини белгилаган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, респондентларнинг 473 нафари (682 нафардан) илмий лойиҳалар ва грантлар ҳақида деярли маълумотга эга эмас.

Сўровда иштирок этган респондентларнинг 7,9% (54 нафар) талабалар учун эълон қилинган турли грант ғолиби бўлганлигини; 17,5% (119 нафар) нафар иштирокчи грантлар танловида иштирок этиш учун ҳужжат топширган, бирок ғолиб бўлмаганини, 16,9% (115 нафар) респондент кафедралар қошидаги илмий лойиҳаларда аъзо сифатида иштирок этишини белгилаган. Ушбу саволга унчагина жавоб бериш мумкинлигини ҳисобга олсак, 682 нафар респондентнинг 473 нафари ўқиш даврида илмий лойиҳаларда иштирок этмаган, 209 нафари орасида талабалар грант танловлари ғолиблари, иштирокчилари бор. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ОТМ профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларни илмий лойиҳалар орқали тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш қониқарли эмас. Таъкидлаш лозимки, талабаларни илмий грантлар ғолиби бўлиши, тадқиқот лойиҳаларда иштирок этишини кўллаб-қувватлаш учун профессор-ўқитувчиларнинг ўзлари шу каби

лойихалар раҳбари ёки аъзоси бўлиши лозим. Демак, олий таълимда талабалар билан бир қаторда профессор-ўқитувчиларнинг ҳам илмий-тадқиқот лойиҳалардаги иштироки талаб даражасида эмас, дея тахмин қилиш мумкин.

Таълим сифатига таъсир қилувчи бир қатор омиллар ичида профессор-ўқитувчиларнинг профессионал малакалари талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этишда муҳим эканлигини яна бир бор таъкидлаймиз. Чунки, ОТМга ўқишга кирган талаба дастлаб ўқитувчи тимсолида фан ва касб истикболини кўради, фанга ва касбига бўлган қизиқиши дарс берувчи педагог таъсирида ривожланади (ёки бўғилади). Ўрганилган манбаларга кўра параграф мазмунини қуйидагиларга асосланиб хулосалаймиз.

Сўров ва мавзуга оид манбалар таҳлили талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятига қуйидагилар нисбатан муҳим таъсир этишини тасдиқлади:

-ўқитувчининг ўқитаётган фани бўйича юқори билимга эга бўлиши;

-фанни ўрганиш учун зарур шароитларнинг мавжудлиги;

-профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув жараёнида аудиторияга мос фаол усулларнинг қўлланилиши (муаммоли машғулотлар, илмий изланишга асосланган методика, ҳамкорликдаги тадқиқотлар ва бошқалар).

Умуман олганда, талабаларда илмий-тадқиқот фаолиятига қизиқиш уйғотувчи ва мотивация берувчи энг муҳим омил – фан (ёки мутахассислик)ни тарғиб этадиган малакали ўқитувчидир. Ўқув дастури – бу фақат аналитик тадқиқот қобилиятларни ривожлантирувчи лойиҳа. Илмий-тадқиқот фаолияти мунтазам изчиллик, тиришқоклик, ижодкорликни талаб қилади. Лекин бу сифатлар олий таълимнинг барча субъектларида мавжуд деб айтиб бўлмайди. Одатда, аксарият талабалар мутахассислик дипломига эга бўлишнинг осонроқ ва қулайроқ усулларини қидиради. Шунга қарамай, ўқитувчи педагогик маҳорати билан талабаларда фанга

қизиқиш уйғотиши, тадқиқот жараёнида маслаҳат ва кўмак бериши, рағбатлантириши ҳамда кейинги босқичларга мотивация бериши лозим. Ўқитувчи томонидан танланган дастур мазмуни тизимли, бир-бири билан тақозоланган ҳолда тақдим этилиши мақсадга мувофиқ. Чунки аксарият ҳолларда талабалар биринчи мавзунинг мазмунини учинчи ёки бешинчи мавзу моҳияти билан боғлай олмайди. оқибатда олинган билимлар вақтинчалик хотирадан секин-секин ўчади. Билим ва кўникмалар тизимли ва узвий ўзлаштирилганда назария амалиётга, ёки аксинча, амалиёт назарияга алмашинади. Бундай қобилиятга олий таълимда тахсил олувчи барча талабалар эга бўлмайди, шу боис, ўқитувчи шу тизимни шакллантиришга масъулдир. Шунини унутмаслик керакки, агар ўқув дастурларидаги мавзулар, ўқув режасидаги фанлар мазмуни мантиқий изчилликда соддаликдан мураккабликка қараб тузилган бўлса курс ишлари битирув малакавий ишларига, магистрлик диссертациялар докторлик диссертацияларига айланади. Мана шу жараённинг мавжудлиги олий таълимда илмий-тадқиқот фаолиятини тўғри йўлга қўйилганлигига мисол бўла олади.

2.3. Талабаларнинг АКТ компетенциялари ва онлайн таълимнинг илмий-тадқиқот фаолиятига таъсири

2020 йилда бошланган COVID-19 пандемияси туфайли ўқитишнинг анъанавий шакли (face to face) маълум муддат ўз ўрнини онлайн таълимга бўшатиб берди¹ ва кўплаб давлатларнинг таълим тизимида ҳанузгача онлайн таълим самарали қўлланилмоқда. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, ижтимоий ҳаёт, шу жумладан таълим бундан кейин ҳеч қачон пандемиядан аввалги ҳолатига айнан қайтмайди² Бу хулосалар Бутунжаҳон

¹ Локки, Б. Ё. Онлайн-образование в эпоху после COVID. *Nat Electron* 4, 5-6 (2021). <https://doi.org/10.1038/s41928-020-00534-0>

² <https://ate1.org>

таълим педагоглари Ассоциациясининг 2022 йил учун эълон қилинган таълим лойиҳаларининг мақсадларида ҳам акс этган¹.

Ахборот коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг барча соҳасига кириб улгирган, истикболда бу таъсир улуши ортса ортадики, бироқ камаймайди. Одатда, илмий янгилик, кашфиёт ва ихтиролар ижтимоий ҳаёт муаммоларига жавоб сифатида яратилади ва ривожланади. Шу қаторда COVID-19 пандемияси келтириб чиқарган муаммолар инсонларнинг ҳамма соҳада фан-техника ютуқларидан фойдаланишни талаб этди. COVID-19 туфайли ҳар бир давлатда мавжуд ресурсларига таяниб қатор онлайн таълимга асосланган платформалар ишлаб чиқди ва оммалашди². Ушбу платформалар туфайли таълим интернационаллашди, ўқувчилар-талабалар ва тадқиқотчиларнинг билим олиш имкониятлари кенгайди.

Пандемия даврида Ўзбекистонда узлуксиз таълимнинг барча соҳаларида онлайн таълим олиш имкониятлари яратилди. Жумладан, халқ таълими kundalik.com – электрон платформасини самарали ишлашни таъминланди, таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси - <http://www.markaz.tdi.uz>, <https://t.me/milliymarkaz> электрон манзилларида, шунингдек олий таълим <https://t.me/masofatalim>, <https://dist.edu.uz>, <https://mt.edu.uz>, <https://tube.edu.uz>, <https://pf.bimm.uz>, <https://lib.bimm.uz>, <https://mt.bimm.uz>, <https://t.me/yoshlarakademiyasi>, https://t.me/onlayn_talim_uz ва <http://xanakademiyasi.uz>, <https://t.me/khanacademyuzbek> каби бошқа Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи www.yoshlarakademiyasi.uz ривожланиш вазирлиги ННТ ташкилотлари интернет манзилларида ҳамда ҳар бир ОТМ электрон порталида модуль тизими асосида ўқув машғулоти йўлга қўйилди. Қисқа фурсат ичида профессор-ўқитувчилар уй шароитида фанлар бўйича Camtasia Studio, Jing, Webinaria, Wink,

¹ <https://ate1.org/2022-annual-meeting-call-for-proposals>

² Бу ҳақда қаранг - <https://hundred.org/en/research>, [https://hundred.org/en/collections/quality-education-for-all-](https://hundred.org/en/collections/quality-education-for-all)

UltraVNC Screen Recorder, BB FlashBack Express, CaptureFox for Firefox, TipCam, Krut ва бошқа дастурлар воситасида видеодарслар ҳамда электрон ўқув адабиётларини тайёрлашга киришди (масалан, <http://elektron-kitob.nuu.uz/>). Шунингдек, тезкор хабарлар, ўқув машғулоти шахсий компьютер, андроид телефонлар ва учун ишлаб чиқилган Zoom, ClickMeeting каби дастур иловалари орқали вебинар, видеоконференциялар тарзида ўтказилди. Бироқ, таъкидлаш лозимки, онлайн таълим олишга ўрганмаган талабалар ҳамда онлайн дарс беришда етарли тажрибага эга бўлмаган ўқитувчилар фаолиятида турли қийинчиликлар кузатилди. Ушбу мураккабликлар таълим сифатига, жумладан талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятига ҳам таъсир кўрсатди. Таъкидлаш лозимки, тадқиқотларимиз пандемия даврига тўғри келганлиги боис, изланишларимизда асосий эътиборни онлайн таълимнинг талабалар илмий фаолиятига қандай таъсир қилинганлигига қаратдик. Қуйида айрим таҳлилларга эътиборингизни қаратамиз.

Олиб борилган изланишлар COVID-19 пандемияси туфайли ташкил қилинган онлайн таълим талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятига қандай таъсир қилганини аниқлашга йўналганлигига асосланиб тадқиқотнинг бошланғич гипотезасини (H_0) аниқлаб олиш лозим. Биз уни қуйидагича шакллантирдик: H_0 - COVID-19 пандемияси туфайли ташкил қилинган онлайн таълим талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти олиб боришларига ижобий таъсир қилди. Мазкур гипотезани текшириш учун талабаларнинг онлайн таълим даврида нашр қилинган илмий ишлари, илмий базаларда аккаунт очиб, улардан фойдаланаётганлиги, илмий ижод билан шуғулланиш учун вақтлари кўпайгани кабилар ўрганилди. Иккинчи гипотеза H_1 – бошланғич гипотезани инкор этувчи мазмунга эга бўлиб, қуйидагича шакллантирилди: COVID-19 пандемияси туфайли ташкил қилинган онлайн таълим талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти олиб боришларига салбий таъсир қилди. Бу гипотеза талабаларнинг

онлайн дарсларда иштирок этишлари учун мавжуд моддий-техник имкониятлари, АКТдан самарали фойдаланиш кўникмасининг турличалиги, ўқув ва илмий материалларнинг ўзбек тилида етарлича интернетда мавжуд эмаслиги, интернет тезлиги, марказда ва ундан узоқда яшаши каби кўрсаткичлар асосида текширилди.

COVID-19 пандемияси бошланган вақтдан буён унинг ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларига таъсири тахлилига бағишланган кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилди¹. Ўрганилган манбалар пандемия олий таълимнинг мазмуни ва шаклига жиддий таъсир кўрсатгани, унинг оқибатлари – йўқотишлар ва ютуқлар ханузгача долзарблигини йўқотмаганини кўрсатади. Пандемия, аввало, барча ҳудуд ва минтакаларда таълим шаклини ўзгартиришни тақозо этди. Масалан, пандемия даврида бутун дунё олий таълими хусусиятлари, хусусан Ҳиндистонда сифатли онлайн таълимни ташкил этишга қаратилган миллий дастур самарадорлиги мазмуни ёритилган мақола эътиборимизни тортди². Шунингдек, бошқа етакчи олимлар томонидан онлайн таълим туфайли юзага келган имкониятлар ва мураккабликлар ўрганилган³. Умуман

¹ Mishra, L., Gupta, T., & Shree, A. (2020). Online teaching-learning in higher education during lockdown period of COVID-19 pandemic. *International Journal of Educational Research Open*, 1, 100012.; Toquero, C. M. (2020). Challenges and opportunities for higher education amid the COVID-19 pandemic: The Philippine context. *Pedagogical Research*, 5(4); Rashid, S., & Yadav, S. S. (2020). Impact of Covid-19 pandemic on higher education and research. *Indian Journal of Human Development*, 14(2), 340-343.; Aristovnik, A., Keržič, D., Ravšelj, D., Tomažević, N., & Umek, L. (2020). Impacts of the COVID-19 pandemic on life of higher education students: A global perspective. *Sustainability*, 12(20), 8438.; Akomea, M., Pantah, A., Kuupile a, F., & Asenso, J. A. (2022). Evaluation of remote teaching and learning in Universities in Ghana during the COVID-19 pandemic. *Journal of Education, Curriculum and Teaching Studies*, 3(1). Retrieved from <https://royaliteglobal.com/ects/article/view/765>;
Миронова, Т. А. (2020). Трансформация коммуникативных интересов и навыков студентов в период пандемии ковид-19: социальные, политические и духовные аспекты. *Вестник БИСТ (Бакирско-о-английском языке, появившиеся во время пандемии ковид-19. Ученые записки. Электронный научный журнал Курского государственного университета*, (2), 36-43.; Будникова, А. С., & Иванова, Е. В. (2021). Неологизмы в цифровизации высшего образования после пандемии COVID-19. *Общество*, (2-2), 21-25.; Беликова, Е. А. (2020). Online обучение в системе высшего образования в условиях пандемии COVID-19. In *Поколение Z: границы реального и виртуального мира* (pp. 41-48); Самандарова, Г. И. (2021). Дистанционное обучение при пандемии COVID-19, плюсы и минусы. *Scientific progress*, 1(5);¹ Мальцев Владимир Андреевич, & Мальцев Кирилл Владимирович (2020). Пандемия и образование. Научные труды Вольного экономического общества России, 224 (4), 402-415.; Farrukh Khakimov (2020). Глобал пандемия шаронтида Ўзбекистон таълим тизимининг янги технологияларга мослашуви: муаммо ва имкониятлар. Strategy of Uzbekistan, (3), 256-259;
² Қаранг: Mishra, L., Gupta, T., & Shree, A. (2020). Online teaching-learning in higher education during lockdown period of COVID-19 pandemic. *International Journal of Educational Research Open*, 1, 100012.
³ Қаранг: Toquero, C. M. (2020). Challenges and opportunities for higher education amid the COVID-19 pandemic: The Philippine context. *Pedagogical Research*, 5(4).


олганда, айрим тадқиқотчи-мутахассислар пандемия шароитида илмий-тадқиқот фаолияти олиб бориш учун яхши имкониятлар пайдо бўлганини қайд этиши, карантин – мустақил изланишлар олиб бориш учун қулай имкониятлар яратганлигини тасдиқлайди¹. Биз ҳам ўз тадқиқотимизда пандемия даврида Ўзбекистон олий таълим тизимида талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти олиб бориш учун мавжуд имкониятлари, ресурслар, ечилиши лозим бўлган долзарб муаммоларни аниқлашга ҳаракат қилдик. Бу борада нашр қилинган илмий ишларни ўрганар эканмиз, эътиборимизни “Тараккиёт стратегияси” маркази лойиҳа раҳбари Ф.Ҳақимов томонидан эълон қилинган “Глобал пандемия шароитида Ўзбекистон таълим тизимининг янги технологияларга мослашуви: муаммо ва имкониятлар”² номли мақоласи эътиборимизни тортди. Унда карантин вақтида ташкил қилинган онлайн таълимнинг мазмун-моҳияти, ютуқлари ва камчиликлари ўрганилган.

Бир сўз билан айтганда, келтириб ўтилган манбалар Ўзбекистонда пандемия туфайли ташкил қилинган ва ҳозирги кунгача аҳамиятини йўқотмаган онлайн таълимда талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этилишига ижобий таъсир кўрсатадаган механизмларни аниқлашимизга ёрдам берди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 2020-2021 ўқув йилида олий таълим ўқув жараёнида талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини олиб боришлари билан боғлиқ сўров ўтказилди. Эътиборингизга мавзуимизга тегишли айрим саволлар натижаларини тақдим этамиз.

“Сизга илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш ёқадими?” деган саволга қуйидаги жавоблар олинди (2.3.1-расм).


¹ Қаранг: Аледони, О.Б., и Соёкан, Э. (2020). Пандемия Covid-19 и онлайн-обучение: вызовы и возможности. *Интерактивные среды обучения*, 1-13.; Стрелковски, В. (2020). Пандемия COVID-19 и цифровая революция в научных кругах и высшем образовании.
² Farrukh Khakimov (2020). Глобал пандемия шаронтида Ўзбекистон таълим тизимининг янги технологияларга мослашуви: муаммо ва имкониятлар. Strategy of Uzbekistan, (3), 256-259.



2.3.1.-расм. Респондентларнинг илмий фаолият билан шуғулланишга мойиллиги.

Ушбу саволга респондентларнинг 73% “Ха”, 5,4% қатъий “Йўқ”, 20,3% “Хар хил ҳолатда турлича”, 1,3% “Жавоб бериш мушкул” деган жавоб вариантларини белгиланган. Мазмунига кўра, иккинчи, учинчи ва тўртинчи вариантлар илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланишни қўллаб-қувватламайди. Яъни иккиланувчи жавоб вариантларини ҳам инкор жавоб сифатида ҳисоблаймиз. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сўровда иштирок этган респондентларнинг 73 фоизи илмий фаолият билан шуғулланишни маъқуллайди, 27 фоизи инкор этади.

Юқоридаги саволнинг мантиқан давоми бўлган “Келажакда илмий фаолият билан шуғулланишни давом эттирасизми ёки шуғулланишни режалаштиряпсизми?” деган саволга қуйидаги жавоблар олинди (2.3.2.-расм).



2.3.2.-расм. Респондентларнинг истиқболда илмий фаолият билан шуғулланиш режасининг борлиги.

Талабаларнинг илмий фаолият билан шуғулланишга қизиқиши ва келажакдаги илм билан боғлаш режасининг борлиги қуйидаги рақамларда ойдинлашди: жами 682 нафар респондентларнинг 391 нафари (57,2%) илмий фаолият билан шуғулланишга қизиқиши борлигини билдирган бўлса, 180 нафари (26,4%) илмий фаолият билан шуғулланаётганлигини тасдиқлаган. 52 нафар (7,6%) респондент илмий фаолият билан шуғулланмасам керак деган жавобни берган бўлса, улардан 39 нафари (5,7%) жавоб бериш мушкул деган жавоб вариантини, 20 нафари (2,9%) қатъий илмий фаолият билан шуғулланишни маъқул кўрмаслигини билдирган.

Агар 2020-2021 ўқув йилида Ўзбекистонда бакалаврият талабалари $\leq 590\ 000$, магистрантлар $\leq 21\ 000$ нафарни ташкил қилса сўровда иштирок этган 682 нафар талабалар умумий талабаларнинг 1,02 фоизини ташкил қилади. Шу сабабдан, тадқиқотда илгари сурилган гипотезаларнинг хатолик миқдорини юқори $\alpha=0,09$ кўрсаткич билан белгилаш мақсадга мувофиқ.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигига COVID-19 пандемияси туфайли ташкил қилинган онлайн таълим қандай таъсир кўрсатди, деган саволга қуйидаги жавоблар олинди (2.3.3.-расм):



- Тўлиқ ижобий, chunkи карантин вақти...
- Нисбатан ижобий, карантин вақтида...
- Нисбатан салбий, chunkи fan mazmu...
- Тўлиқ салбий таъсир қилди.
- Жавоб бера olmayман.

2.3.3-расм. Онлайн таълимнинг респондентлар илмий-тадқиқот фаолиятига таъсири.

157 нафар (23,1%) респондент “Тўлиқ ижобий таъсир кўрсатди, chunkи карантин вақтида мустақил таълим олиш имкониятлари кўпайди, кўплаб илмий нашрлар, платформаларидан бепул фойдаланиш мумкин бўлди”. 178 нафар (26,1%) респондент “Нисбатан ижобий таъсир кўрсатди, chunkи карантин вақтида ўқишга келиб-кетиш вақти ва маблағи тежалди, ўқиб-ўрганиш учун вақт етарли бўлди”. 208 нафар (30,5%) респондент “Нисбатан салбий таъсир кўрсатди, chunkи fan mazmunини чуқур тушунмасдан илмий-тадқиқот олиб боришнинг иложи йўқ”. 91 нафар (13,4%) респондент “Тўлиқ салбий таъсир қилди”. 48 нафар респондент “Жавоб бериш мушкул”, – деган вариантларни белгилаган. Ўртача сифат кўрсаткичини аниқлашда нисбатан юқори фоиз билан (30,5%) онлайн таълим илмий-тадқиқот фаолиятига “Нисбатан салбий таъсир кўрсатди, chunkи fan mazmunини чуқур тушунмасдан илмий-тадқиқот олиб боришнинг иложи йўқ”, деган учинчи жавоб вариантыга таянади.

Сўровноманинг кейинги – талабаларнинг профессионал билимларини ошириш мақсадида халқаро ва миллий илмий базалардан фойдаланиш даражасини аниқлашда куйидагилар аниқланди. “Илмий иш ёзишда куйидаги электрон платформа-ларнинг қайси бирларидан фойдаланасиз?” деган саволга куйидаги микдорий кўрсаткичларда жавоблар берилган: www.ziyo.uz

сайтидан 324 нафар талаба (47,6%), www.lex.uz сайтидан 245 нафар талаба (36%), www.scholar.google.com платформасидан 197 нафар талаба (28,9%), www.elibrary.ru платформасидан 104 нафар талаба (15,3%), www.www.dissercat.com сайтида 97 нафар талаба (11,7%), www.scopus.com платформасидан 80 нафар талаба (11,7%), www.natlib.uz сайтидан 81 нафар талаба (11,9%), www.cyberleninka.ru сайтидан 70 нафар талаба (10,3%), www.researchgate.net платформасидан 42 нафар талаба (6,2%), www.koob.ru сайтидан 25 нафар талаба (3,7%), www.publons.com платформасидан 13 нафар талаба (1,9%). Жавоблар динамика-сининг юқори даражасини www.ziyo.uz сайти кўрсатмоқда. Бирок кейинги катта кўрсаткич (www.lex.uz – 36%) 245 нафар респондентларнинг илмий ва меъёрий-ҳуқуқий маълумотлар базаларини фарқида бормасликларини тасдиқламоқда¹. Учинчи микдорий кўрсаткич (28,9%) – scholar.googleга тегишли бўлиб, талабаларнинг мазкур платформадан фойдаланиши кувонарли ҳол. Маълумки, жаҳонда жуда кўп илмий ва фанметрик базалар бор, биз улардан Ўзбекистонда нисбатан кўпроқ фойдаланиладиганларини олдик. Шунга қарамай, талабалар орасида кўпчиликнинг илмий иш ёзишда электрон платформалардан фойдаланиш даражаси паст деб ҳулоса қилиш мумкин. Чунки, энг юқори кўрсаткич билан белгиланган www.ziyo.uz – сайтида ҳам сифат жиҳатидан тўлиқ илмий-тадқиқот ишлари жамланганмаган (сайт базасидан ўқув, ўқув-услубий материаллари, ҳатто талабалар томонидан юкланган рефератларни ҳам топиш мумкин).

Талабаларнинг онлайн таълим олишлари учун етарли моддий-техник воситаларга эгаллигини аниқлашда куйидагилар воситасида аниқлашга ҳаракат қилинди: - талабаларнинг тегишли техника билан таъминланганлик даражаси; пойтахт ва вилоятларда интернетдан фойдаланиш сифати.

¹ www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси

“Сиз ўзингизнинг тегишли техника билан таъминланганлик даражангизни қандай баҳолайсиз?”, деган саволга респондентларнинг 382 нафари (56,1%) – ноутбук, 348 нафари (51,1%) – смартфон, 252 нафар (37%) респондентлар эса университет ахборот ресурс маркази ва кафедрада компьютерларидан фойдаланишини маълум қилган. 228 нафари (33,5%) – шахсий компьютерлари мавжудлигини қайд этган. 37 нафар (5,4%) респондент жавоб бериш мушкул деган жавобни белгиланган. Ушбу саволда бир неча жавоб вариантларини белгилаш мумкинлиги эътиборга олиниб жавоблар умумлаштирилганда 58,9 фоиз талабаларнинг онлайн таълим олиш учун зарур бўлган – ноутбук, шахсий компьютер ва смартфонлари мавжудлиги; 40,3 фоиз талабалар эса олий таълим муассасасидаги компьютерларида ўқув ва илмий ишларини бажаришлари, 0.8 фоиз талабаларнинг эса таълим олиш жараёнида техник таъминланганлик даражасига эга эмаслиги маълум бўлди. Демак, сўров ўтказилган олий таълим муассасаларидаги талабаларнинг 40 фоизидан ортигининг таълим муассасасидаги моддий-техник ресурсларга эҳтиёжи бор.

COVID-19 пандемияси туфайли ташкил этилган онлайн таълимнинг олий таълим ва талабалар илмий-тадқиқот фаолиятига таъсирини ўрганар эканмиз аввалда илгари сурилган гипотезаларнинг тўғрилигини текширишда респондентлардан олинган жавобларга таянамиз. H_0 – “COVID-19 пандемияси туфайли ташкил қилинган онлайн таълим талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти олиб боришларига ижобий таъсир қилди” деган биринчи гипотезамиз ўзини оқламади. Чунки, карантин вақтида ташкил қилинган онлайн таълимда талабалар анъанавий таълимдагидек етарли билим олишолмаганини, илмий-тадқиқот билан шуғулланиш учун мутахассислик фанларини чуқур билиш талаб қилинишини қайд этишган. Шу билан бирга, гипотезанинг тўғрилигини асословчи – электрон илмий базалардан фойдаланиш, фойдаланувчи сифатида электрон илмий базалардан фойдаланиш, фойдаланувчи сифатида шахсий аккаунтига эга бўлиш даражаси ҳам қониқарсиз. Респондентларнинг учдан бир қисми илмий платформалар, ижтимоий

тармоқлар, конунчилик базалари кабиларнинг фарқига бормайди. Бу эса, уларнинг карантин вақтида ҳам илмий базаларга етарлича муурожаат қилишмаганини тасдиқлайди.

Ўзбекистонда COVID-19 пандемияси даврида талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, биринчи гипотезага муқобил сифатига илгари сурилган H_1 – “COVID-19 пандемияси туфайли ташкил қилинган онлайн таълим талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти олиб боришларига салбий таъсир қилди” деган гипотезанинг маълум маънода тўғрилиги тасдиқланди. Чунки, деган гипотезанинг маълум маънода тўғрилиги тасдиқланди. Чунки, илмий-тадқиқот олиб боришдаги асосий муаммо талабаларнинг иқтисодий етишмовчиликда таҳсил олаётганлиги маълум бўлди. Анъанавий таълимдан фарқли ўларок онлайн таълим тўлиқ АКТдан фойдаланишга асосланган. АКТ эса моддий-техник таъминот талаб қилади.

Умуман олганда, олий таълим ўқув жараёнида талабалар илмий фаолиятини ташкил этишга таъсир этувчи омиллар кўп. Биз ушбу боб доирасида таълим жараёнининг ташкил этилиши, профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва талабаларнинг АКТ компетенциялари каби омилларнинг илмий-тадқиқот фаолиятига таъсирини ўрганишга, таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Келтирилган омиллар билан бир қаторда, талабаларнинг самарали илмий-тадқиқот фаолияти олиб боришлари ОТМ моддий-техник инфратузилмаси, баҳолаш мезонлари, ўқув дастурлари мазмуни ва уларни ўзлаштириш талаблари, мустақил таълим механизмлари ҳамда бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқлигини таъкидлаш зарур. Кейинги бобда олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ ўқитишнинг кредит-модуль тизими ҳақида тўхталамиз. Унда асосан кредит тизимининг мазмуни, амал қилиш механизмлари, анъанавий таълимдан фарқлари, таълим сифатини таъминлашдаги самардорлигини ёритишга эътибор қаратамиз.

3-БОБ. ТАЛАБАЛАРНИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

3.1. Болонья декларацияси ва кредит тизими тавсифи

Таълим жамиятнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Давлат келажаги ва унинг интеллектуал ҳамда маънавий ривожланиши кўп жиҳатдан ижтимоий институтлар, таълим муассасаларининг тузилиши, унинг турли хил ўқув фанлари, маълумот тақдим этиш усулларини амалиётда қўлланилишига боғлиқ. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда сифатли таълимни амалга ошириш учун ҳар йили унга инсон ва моддий ресурсларнинг катта миқдори сарфланади¹.

Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, таълим тизими унинг барча элементлари билан уйғун ҳолда узлуксиз олиб бориладиган янгиланишга муҳтож. Таълим тизимини ана шундай модернизация қилиш усулларидан бири – Болонья тизимидир. Ушбу тизимнинг асосий мақсади – олий таълим учун ягона майдон яратиш. 1999 йил 19 июнда Италиянинг Болонья шаҳрида қабул қилинган Болонья шартномаси барча Европа мамлакатларининг таълим тизимларини яқинлаштириш жараёнини бошлаб берди.

Европанинг турли мамлакатларининг таълим тизимларини яқинлаштириш, унификациялаш ва бирлаштириш масаласи ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида пайдо бўлди. 1999 йил 19 июнда Болоньяда ушбу жараёнга бағишланган махсус конференцияда 29 та Европа давлатларининг таълим вазирлари Болонья декларациясини қабул қилдилар ва ушбу сана бу жараённинг расмий санаси деб белгиланди.

Болонья жараёнининг асосий мақсадлари:

¹ <https://scienceweb.uz/publication/2091> Абдурахманов, У. and Аллаярова, С. (2018) "Таълимда модулли-кредит тизимининг мазмун ва моҳияти", National university of Uzbekistan <https://www.researchgate.net/publication/3412810>

- иш билан таъминлаш имкониятлари билан фукароларнинг мобиллигини ривожлантиришнинг асосий йўналиши сифатида Европа олий таълим ҳудудини куриш;

- таълим сифатини ошириш;

- Европа олий таълим муассасаларининг бошқа таълим тизимлари билан рақобатдошлигини таъминлаш;

- миллий олий таълим тизимларининг юкори мувофиқлиги ва таккосланишига эришиш;

- Европа мамлакатларининг интеллектуал, маданий, ижтимоий ва илмий-техник салоҳиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

- дунёда Европа олий мактаби нуфузини ошириш;

- Европа маданий кадриятларини ривожлантиришда Европа онгини ташувчиси сифатида кўриладиган университетларнинг марказий ролини ошириш.

Болонья декларациясида етти асосий қондалар мавжуд:

- таълим сифатини ва сифат кафолатини таъминлашда Европа ҳамкорлигига кўмаклашиш;

- олий таълим муассасасида таълим сифатини ички назорат қилиш тизимларини жорий этиш ва унинг фаолиятини ташқаридан – мустақил баҳолаш мақсадида барча манфаатдор томонларни – академик ҳамжамият, давлат вакиллари, талабалар ва иш берувчиларни жалб этиш;

- Европа фукароларини иш билан таъминлаш имкониятларини ва Европа олий таълим тизимининг халқаро рақобатдошлигини ошириш мақсадида диплом иловасини юритиш орқали таккосланадиган даражалар тизимини қабул қилиш;

- икки босқичли таълимни жорий этиш: бакалаврият ва магистратура;

- ECTS (European Credit Transfer System) асосида талабаларга ўрганилаётган фанларни танлаш ҳуқуқини бериш;

- таълим соҳаси талабалари, профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқа тоифадаги ходимларининг Европа минтақасида ишлаш

вактини ҳисобга олган ҳолда мобиллигини ривожлантириш. Трансмиллий таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- олий таълимни татбиқ этишда анъанавий Европа ёндашувини, айниқса, ўқув режалари, муассасалараро ҳамкорлик, ҳаракатчанлик схемалари ва қўшма ўқув дастурлари, амалий тайёргарлик ва илмий-тадқиқот лар олиб бориш ишларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш.

Болонья декларациясида Европа университетларини ECTS (European Credit Transfer System – Европа Кредит Трансфер тизими) тизимига ўхшаш академик кредитларнинг ягона тизимини жорий этишга чақирилган, яъни:

- талабаларнинг кенг қўламли мобиллигини қўллаб-қувватлаш;

- таълим сифатини таъминлаш ва шу мақсадлар учун таққосланадиган мезонларни ва назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш учун Европа миқёсидаги ҳамкорликни кучайтириш;

- мобиллик доирасида қўшма таълим ва тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш¹.

ECTS кредитлар тизими ўқишни бир Европа олий таълим муассасасидан бошқасига кўчиришда таълимни ўлчаш усули ва натижаларини таққослашга хизмат қилади. Ушбу тизимни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишдан мақсад Европа олий таълим муассасаларининг ўзаро яқин ҳамкорлигига эришишдир, яъни: хорижий ўқув дастурлари билан танишиш имкониятини енгиллаштириш ва академик тан олишни таъминлаш. Шунингдек, ушбу тизимдан мамлакатнинг бир ёки бир неча олий таълим муассасалари доирасида фойдаланиш мумкин².

¹ Bologna Declaration. Joint Declaration of the European Ministers of Education Convened in Bologna on the 19th of June 1999.

² Обзор зарубежных кредит-систем (по материалам научных исследований, выполненных МГУ им. М.В.Ломоносова в рамках проекта ФПРО 2005 года и национального проекта 2006 года).

ECTS тизими 1989 йилда ERASMUS/SOCRATES дастури доирасида жорий қилинган ва Европа университетларида муваффақиятли синовдан ўтган ягона тизимдир.

Европадаги бир қатор кредит тизимлари орасида айнан ECTS тизими энг катта эътирофга сазовор бўлди. ECTS дастлаб талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан иккинчисига ўтказганда кредитни кўчириш учун мўлжалланган эди. Тизим хорижда ўқиш даврларини тан олишга ёрдам берди ва шу билан Европада талабалар ҳаракатчанлиги ҳамда сифатини оширишга имкон туғдирди¹.

Болонья декларациясида ECTS тизими фақат мисол тариқасида кайд этилган, аммо ҳеч қандай бошқа Европа тизими пайдо бўлмаган. Аксинча, ECTS тизими тезда бутун Европага тарқалди ва кўплаб янги олий таълим тўғрисидаги қонунларга киритилди. Унинг асосий афзалликлари:

- хорижда ўқиш муддатларини тан олишни осонлаштирди;

- талабаларнинг реал юкламасининг юқори даражадаги шаффофлиги;

- ECTS зарурий ислохотлар тасаввурларига юқори даражада мослиги;

- индивидуал ўқув дастурларини белгилашда катта мослашувчанлиги.

ECTS ўқув дастурларини ўқишни ва таққослашни осонлаштиради. У етказиб бериш режимидан қатъи назар, барча турдаги дастурларда, шунингдек, хаёт давомида таълим олиш (lifelong learning – LLL) мақсадларида фойдаланиши мумкин. ECTS мобил ва номобил талабаларга ҳам хизмат қилади: ундан олий таълим муассасасида ва бошқасига кўчиришда фойдаланиш мумкин. ECTS мамлакатлар ўртасида, мамлакат, шаҳар ёки минтака ичида ва ҳар хил турдаги муассасалар ўртасида ҳаракатланадиган

¹ Методические рекомендации по внедрению в вузе системы зачетных единиц (кредитов)/ Государственный университет управления. Центр качества. [сост. О.В. Давыдова, В.И. Звонников, М.Б. Чельшкова] – М. ГУУ, 2010

талабаларга ёрдам беради. Бундан ташқари, тизим ўз-ўзини ўрганиш ва иш тажрибасини камраб олади. Шу сабаби машҳур “ECTS” кискартмаси энди “Европа Кредит Трансфер тизими” деган маънони англатади¹.

Европа Кредит Трансфер тизимининг асосий хусусиятлари:

- ECTS кредитлари;
- талабаларнинг ўқув юklamалари;
- ўқув натижалари ва компетенциялари;
- ECTS баҳолаш шкаласи.

Шундай қилиб, кредит тизими иккита асосий функцияни бажаради.

Биринчиси, бошқа олий таълим муассасасида (ёки бошқа факультетда) олинган курсларни ҳисобга олиш – бўйсиз талабаларни тайёрлашда академик мобиллик ва мослашувчанликка эришиш мумкин эмас.

Иккинчи функция – тўплашдир. Талаба турли сабабларга кўра вақтни “қисмларга бўлиб”, таълим муассасасини ўзгартириб таълим олиши мумкин. Агар курснинг эскирганлиги сабабли аниқ натижалар ҳақиқий бўлмай қолса имтихон бирликлари кўшилмайди. Бошқа барча ҳолларда талаба тегишли илмий даражани (бакалавр, магистр) олиш учун тўплаши лозим бўлган бирликларга кўшилиб боради. Албатта, кредитларни ўтказиш ва тўплаш имконияти олий таълим муассасалари ўртасидаги ишонч ва ўқув дастурларининг таққосланишига боғлиқ².

ECTS тизими – таълим дастурларини тавсифлашнинг расмийлаштирилган усули бўлиб, унинг таркибий қисмларига (фанларга, курсларга ва бошқаларга) кредит ажратади.

Ҳозирги кунда ECTS кредитларни йиғиш ва қайта ҳисоблаш бўйича бутун Европа тизимига айланмоқда. Кредитларни тўплаш

¹ Обзор зарубежных кредит-систем (по материалам научных исследований, выполненных МГУ им. М.В. Ломоносова в рамках проекта ФПРО 2005 года и национального проекта 2006 года)
² Худайкулов Х., Аллаярлова С. Олий таълимда модулли ўқитиш ва инновацион технологиялардан фойдаланиш. Монография. –Т.: Мумтоз сўз, 2019. -130 б.

шуни англатадики, талаба бакалавр ёки магистр даражасига эга бўлиш учун белгиланган кредит миқдорини тўплаган тақдирдагина тегишли даражага эришади. Кредитларни кўчириш талаба ўқиган олий таълим муассасаси, ўтаётган олий таълим муассасаси ва талабанинг ўзи имзолаган шартнома билан кафолатланади¹.

Ҳозирги вақтда илмий ва педагогик давраларда Болонья жараёнининг фаол муҳокамаси бўлиб ўтмоқда. Натижада, кўпинча қуйидаги савол туғилади: “Болонья жараёнининг ижобий ва салбий томонлари қандай?” Ушбу масала бўйича фикрлар доираси жуда катта: жараёни сўзсиз қўллаб-қувватлашдан тортиб то уни тўлиқ инкор этишгача. Шунинг учун Болонья жараёнининг ижобий ва салбий томонлари нимада эканлигини аниқлаш керак.

Аввало, Болонья тизимининг афзалликларини таъкидлаш керак. Болонья жараёнининг биринчи ижобий томони – бу олий таълим тизимини икки босқичга, яъни бакалаврият ва магистратурага бўлинишидир. Магистратура босқичини илмий-тадқиқот фаолияти билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, Болонья тизими мавжуд ўқитиш тизимларига нисбатан талабаларда тадқиқотчилик ривожлантиришда анча самарали эканлигини малакаларини ривожлантиришда анча самарали эканлигини таъкидлаш зарур. Бундай тизим биринчи навбатда касбий тайёргарлик даражасини оширишга имкон беради. Бакалавриятни тугатгандан сўнг, талаба юкори касбий мақомга эга бўлиш учун магистратурага ўқишга кириши мумкин. Бошқа томондан, ушбу тизим доимий равишда ўзгариб турадиган бозор шароитида тайёргарлик йўналишини ўзгартиришга имкон беради. Бундан ташқари, талаба бакалавриятни бир мутахассислик бўйича тугатиб, магистратурада бошқа мутахассислик бўйича таълим олиш имкониятига эга бўлишига йўл қўйилади.

Болонья тизимининг яна бир афзаллиги – талабаларнинг мобиллиги. Бу талабани маълум мамлакатдаги олий таълим

¹ Сафонова, Г.Н. Из опыта применения европейской системы зачетных единиц (ECTS) / Г.Н. Сафонова // Труды 7-й международной научно-практической Интернет-конференции «Преподаватель высшей школы в XXI веке» - Ростов н/Д. Рост. гос. ун-т путей сообщения - 2009. - Сб. 7 - ч.1. С.247 – 252.

муассасида ўқишни бошлаб, бошқа мамлакатдаги олий таълим муассасасига ўқишни кўчириб, тегишли олий маълумот тўғрисидаги дипломни олган ҳолда тугатиш мумкинлигини англатади. Бундан ташқари, келажакда Болонья жараёнида қатнашувчи мамлакатларнинг дипломларини ягоналаштириш режалаштирилган. Бу эса мамлакатлар бўйлаб муносиб иш топишга имкон беради.

Учинчи ижобий жиҳат шундаки, Болонья жараёни олий маълумотли мутахассислар учун рақобатдош бозорни яратиш учун шароит яратади.

Бирок, Болонья тизимида афзалликларидан ташқари, камчиликлари ҳам мавжуд. Эътибор қилиш керак бўлган биринчи камчилик – бу олий таълим муассасасида ўқиш вақтининг қисқариши. Ушбу янгилик, шубҳасиз, талабанинг тайёргарлик сифатига таъсир қилади. Бундан ташқари, бакалавриятни тугатгандан сўнг, кўпчилик тўхтаб, ўқишни давом эттирмайди, бу босқичда улар фақат базавий билимларни оладилар, кейинчалик бу билимлар амалиётда етарли бўлмаслиги мумкин.

Эътибор беришга лойиқ бўлган кейинги камчилик – бу талабанинг мустақил таълими ва мустақиллиги. Ҳамма талабалар ҳам бунга тайёр бўлмайди. Мустақил таълим аудитория соатларини қисқартирилишини ва мустақил тайёрланиш учун вақтни кўпайтирилишини назарда тутаяди. Бу камчилик деб ҳисобланишига сабаб – мустақил таълим учун ажратилган вақтни талаба доимо ҳам ўқишга ажратмаслиги мумкин. Бирок, бизнинг тадқиқотимиз асосий масаласи бўлган – талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти кўпроқ мана шу мустақил таълим, мустақил ўқиб-ўрганиш туфайли амалга ошади. Мустақил таълимни тизимнинг камчиликлари қаторига киритишимизни яна бир жиҳати борки – у таълим субъектларидан доимий билим олишга онгли ёндашув талаб қилади. Яъни кредит-модуль тизимида талаба доимий ўқиб ўрганиши, изланиши, ўз устида ишлаши лозим, акс ҳолда белгиланган муддатда минимал

кредитларни ўзлаштира олмаслиги мумкин. Аини пайтда худди шу жиҳат Болонья тизимининг ютуғи ҳамдир. Чунки, у айнан мустақил таълим туфайли у анъанавий таълим эриша олмаган натижаларга эришмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Европанинг ягона таълим тизимини яратиш ғояси самарали ва бугунги кун талабларига мос келади. Бироқ ушбу тизимни республикамиз олий таълимида тўлиқ амалга ошириш учун анча жиддий саъй-ҳаракатлар талаб қилинади.

3.2. Кредит-модуль тизимида талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтириш имкониятлари

Кредит-модуль тизими Европа мамлакатларининг Болонья жараёнида таълим амалиётида тарқалган, ягона рақобатдош Европа таълим маконини яратишга қаратилган тизим бўлиб қолмоқда.

Таълимнинг Европа услуги ўқув жараёнидаги талабаларнинг нафақат ўқув объекти сифатида, балки таълим тизимига бевосита таъсир кўрсатадиган шахс сифатида ҳам юқори фаоллигини назарда тутаяди. Бунинг учун, бир томондан, талабаларнинг ўзини ўзи англаш даражаси юқори бўлиши, иккинчи томондан, талаба ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш зарурати белгиланади. Талаба фандан-фанга олдиндан белгиланган траектория (умумий ўқув дастури, ҳамма учун бир хил) бўйлаб ҳаракатланадиган конвеер тасмаси сифатида тасаввур қилиниши мумкин бўлган анъанавий таълим тизимидан фарқли ўлароқ, кредит-модуль тизими мажбурий фанлардан ташқари, турли хил модулларни тўплашга, яъни индивидуал ўқув режасини шакллантиришга имкон беради. Шундай қилиб, талабада индивидуал эҳтиёжларга йўналтирилган ўз таълим йўналишини шакллантирилади. Ўқув жараёнида ҳар бир талаба ўз фаолиятининг меҳнат зичлигини ўлчайдиган кредитлар олади. Ушбу тизим шунингдек, ўқитишнинг лойиҳавий шаклини – долзарб мавзулар

бўйича индивидуал ёки гурухли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва химоя қилишни ўз ичига олади¹.

Тизимнинг бошқа афзалликлари куйидагилардир: бир вақтнинг ўзида ўрганиладиган фанларнинг кам сонлиги, педагогик жараённинг индивидуаллиги, амалий йўналиши, шунингдек талабаларнинг ижодий қобилиятларини очиб бериш. Замоनावий шароитда ушбу тизим кўпроқ мобил, малакали ва талабга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашга имкон беради². Бу жиҳатлар ҳар бир талабага қизикқан соҳасида илмий изланишлар олиб бориш имкониятини беради. Шу сабабдан ҳам бизнинг фикримизча, мавжуд ўқитиш тизимлари ичида талабаларнинг тадқиқотчилик малакаларини ривожлантирувчи энг самарали тизим бу – кредит-модуль тизимидир.

Кредит-модуль тизими – бу талабанинг ўқув юкларини ўлчов бирлиги сифатида модулли ўқитиш технологиялари ва ECTS кредитлари бирлигига асосланган ўқув жараёнини ташкил этиш модели. Бу ҳолда “кредит” тушунчаси ҳар бир ўқув фанининг таълим ва касбий тайёргарлик мазмунига қўшган хиссасини ҳисобга олишга имкон берадиган миқдорий хусусиятни англатади.

Дастлаб модуль тизимидан яқка тартибда ўргатиш учун фойдаланилган бўлса, кейинчалик у кенг қўлланилиб, янги шакл сифатида кўрилди. “Модуль” ва “ўқув модули” тушунчалари ўқув жараёнининг функционал бирлигини, дидактик жиҳатдан мослаштирилган маълумотларнинг тўлдирилган блокларини билдиради. Ўқув модули – бу талаба ва ўқитувчининг ривожланишини фаоллаштирадиган яхлит функционал бирликдир.

Модуль тизими – бу маълум даражадаги тайёргарлик асосида ўқув ютуқларни таъминловчи индивидуал таълим учун

¹ Қаранг: UNESCO Education Strategy 2014-2021. Paris, 2014. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000231288>; McKnight, Katherine; O'Malley, Kimberly; Ruzic, Roxanne; Horsley, Maria Kelly; Franey, John J.; Bassett, Katherine Teaching in a Digital Age: How Educators Use

Technology to Improve Student Learning // Journal of Research on Technology in Education, v48 n3 p194-211 2016. DOI: [10.1080/15391523.2016.1175856](https://doi.org/10.1080/15391523.2016.1175856) <https://eric.ed.gov/?id=EJ1103482>

² Европейское высшее образование. Что такое Европейское пространство высшего образования? <https://eurounis.com/2020/02/19/evropeiskoe-prostranstvo-visshego-obrazovania/>

мўлжалланган ўқув дастурлар тўплами. Шундай қилиб, замонавий тасаввурларга кўра, “модулли таълим” атамаси деганда асосий воситаси модуль ва модул дастури ҳисобланган талабаларни ўқитиш технологияси тушунилади. *Модуль* – бу мантикий яқунланган ўқув материални, мақсадли ҳаракат дастурини ва белгиланган мақсадларга эришишни таъминлайдиган услубий кўрсатмаларни ўз ичига олган маълумотлар блоки¹.

Анъанавий ва модулли таълимни таққослайлик. Анъанавий таълим талабаларнинг муайян фанларни ёки фанларнинг бўлимларини ўрганишидан ва мутахассислик фанлари машғулотларда ўрганиладиган ўқув мавзуларидан иборат. Модулли ўқитиш тизими эса ўқув модулларини ўрганишдан иборат.

Ўрганилаётган фаннинг ишчи ўқув дастурининг таркибий бўлинмаси сифатида модулнинг мақсади билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек, талабаларнинг келажакдаги иши учун зарур бўлган касбий ва шахсий фазилатларни шакллантириш учун шароит яратишдир.

Модулли таълимнинг моҳияти шундан иборатки, талаба мустақил равишда таклиф қилинган индивидуал ўқув режаси, шу жумладан мақсадли ҳаракат режаси, белгиланган дидактик мақсадларга эришиш учун ахборот банки ва услубий кўрсатма билан ишлаши мумкин. Шу жиҳатдан модулли таълим – шахсга йўналтирилган таълим бўлиб, бу ҳақда батафсил кейинги параграфда тўхталамиз.

Олий ўқув юртида талабалар учун модулли таълим тизимининг мақсадлари қандай? Бу семестр давомида ўқув материалларни доимий равишда ўрганиш, ўзлаштириш ва сифати устидан назоратни кучайтириш, кафедра ва барча ўқитувчиларнинг ўқитиш шакли ва услубларини янгилаш ҳамда такомиллаштириш бўйича ишларини фаоллаштириш, шунингдек, талабаларнинг тизимли

¹ Кредитно-модульная система обучения. А.А. Тимофеев, Н.А. Ушко, М.А. Ярифа. Современная стоматология. 1/2013. С. 134-135.

мустақил ишлаш кўникмалари ва шахсий тайёргарлик учун жавобгарлигини ривожлантиришдир.

Модуль тизимининг амалий ва илмий аҳамияти куйидагича:

- ўқитишнинг янги ва анъанавий ёндашувларини уйғунлаштиради;

- педагогик назария ва амалиёт тажрибасининг кўп қисмини бирлаштиради;

- талаба ўрганилаётган материалнинг мазмунини тушунишга оқилона-мақсадли ёндашади ва чуқурроқ ўзлаштиришга олиб келади;

- шахсий ривожланиш учун шароит яратади;

- шахснинг индивидуал эҳтиёжларига, бошланғич тайёргарлик даражасига мослашувчанлигини ва эгилувчанлигини таъминлайди ва талабаларда фикрлаш, хотира ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратади¹.

Кредит-модуль тизими олий ўқув юрти ўқитувчисига кўйилган талабларни ҳам оширади. Модуль тизимида ўқитувчи нафақат ахборот ва назорат функцияларини, балки маслаҳатчи ва координатор функцияларини ҳам бажаради. Педагогик жараёнда ўқитувчининг етакчи роли сақланиб қолади. Кредит-модуль тизими ёрдамида талаба иш режаси ва маълумот банкига, шунингдек, белгиланган ўқув мақсадларига эришиш бўйича услубий тавсияларга эга бўлиб, ўқув дастурининг маълум бўлимларини мустақил равишда ўзлаштириши мумкин².

Шундай қилиб, кредит-модуль тизимига ўтиш даврида таълим жараёнида мустақил ишнинг аҳамияти ошиши кузатилади ва бу мустақилликни оширишни талаб қилади. Кредит-модуль тизимида талабалар доим ёрдам ва маслаҳат олишлари, зарурат бўлса, ўқитувчидан ва бошқа талабалар томонидан ўз фаолиятларини

¹ Аллаярова С., Абдурахманов У. Олий таълимда модулли кредит тизими ва уни Ўзбекистонда қўллашнинг ўзинга хосликлари // Замоновий социологик концепциялар: назарий билим ва амалий фаолият уйғунлиги. Илмий тўплам. –Т.: Университет, 2018. –Б. 262-270

² Уразгалиева Р.И. Кредитно-модульная система организации обучения как фактор формирования умений самообразовательной деятельности студента. Автореферат. Оренбург, 2010.

баҳолаш имкониятига эга бўладилар. Бу эса жамоада ишлаш кўникмаларини эгаллашга ёрдам беради. Ушбу тизим нафақат талабаларнинг (билим олишга бўлган интилишини оширадиган), балки ўқитувчиларнинг фаоллигини оширишга ҳам ёрдам бериб, уларни педагогик маҳоратини оширишга мажбур қилади.

Кредит-модуль тизими шароитида ҳар бир модуль ўқув дастурининг яқунланган сегменти бўлиши лозим, унинг натижасида талаба маълум бир компетенциялар тўпламига эга бўлади. Бу компетенциялар мажбурий тарзда текширилиши ва баҳоланиши керак. Маълумки, компетенциялар узок вақт (камида бир семестр ва эҳтимол, бир неча семестрлар) давомида шаклланади. Кўришиб турибдики, семестр давомида яқунланган таълим даврини модул тушунчасидан эмас, балки “бўлим”, “кичик бўлим”, “мавзу” тушунчаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Модулни ўқув курсининг алоҳида бўлаги, маъруза ва семинарларда ўзлаштирилган бир неча ўқув мавзуларини бирлаштирган тематик блок сифатида тушуниш мумкин¹.

Европа университетларида таълим дастури бошқача тузилишга эга: битта модуль доирасида умумий илмий мавкеидан қатъи назар, бир-бирига тематик равишда яқин бўлган фанлар бирлаштирилади. Модуль қуришнинг асосий принципи – оддийликдан Модуль қуришнинг асосий принципи – оддийликдан мураккабликка, услубий фанлардан амалий фанларга ўтишдир. Шунинг учун модуль таркибига умумий касбий фанлар билан бир қаторда табиий-илмий фанлар ҳам кириши мумкин. Модуль тизимининг муҳим хусусияти – унинг талабалар амалиётига, шу тизимдан тадқиқотларга йўналтирилганлигидир. Модуль талабага жумладан тадқиқотларга йўналтирилганлигидир. Модуль талабага концептуал билим ва амалий кўникмаларни бирлаштириб, бир йўналишдан иккинчи йўналишга, бир даражадан иккинчисига тез ва самарали ўтиш имкониятини беради. Шу сабабли, магистратура даражасида ўқув жараёнини модулли ташкил этиш индивидуал

¹ Аллаярова С., Абдурахманов У. Олий таълимда модулли кредит тизими ва уни Ўзбекистонда қўллашнинг ўзинга хосликлари // Замоновий социологик концепциялар: назарий билим ва амалий фаолият уйғунлиги. Илмий тўплам. –Т.: Университет, 2018. –Б. 262-270

магистрлик дастури (унинг магистрлик диссертацияси мавзуси) билан боғлиқ бўлиши керак. Европа олий таълим худудида модуль бир неча курсларни (фанларни) назарда тутати. Модуль маълум бир мавзунинг яхлит кўринишини яратати ва ушбу модулни эгаллагандан сўнг талаба эришган маълум компетенцияларни намоён этиши лозим. Модуль мавзу билан эмас, балки талабанинг таълим натижасига эришиши билан белгиланади. Бир семестрда модульлар сони талабанинг бир семестрда қандай натижаларга эришиши кераклигига қараб белгиланади.

Таълим жараёнини ташкил этишнинг кредит-модуль тизими қуйидаги вазифаларни ижобий ҳал этиш учун мўлжалланган:

- ҳар бир модулни ўзлаштиришни текшириш билан ўқув материални модульларга бўлиш;
- билимларни баҳолаш учун кенгроқ ўлчовдан фойдаланиш;
- билимларни баҳолашнинг объективлигини ошириш;
- семестр давомида талабаларнинг мунтазам равишда мустақил ишларини рағбатлантириш;
- таълимга соғлом рақобатни жорий этиш.

Кредит-модуль тизими ўзининг афзалликларига эга ва бир ўқув дастуридан бошқасига, шу жумладан, таълимнинг кейинги босқичига ўтишда талабаларнинг мобиллигини ошириш воситаси сифатида қаралади. Кредит тизими талабанинг нафақат ўқув юкламасини, балки унинг илмий-тадқиқотларда, конференцияларда, фан олимпиадаларида ва бошқаларда қатнашишини ҳисобга олишга имкон беради¹.

Кредит-модуль тизимининг ўзига хос хусусиятлари:

- ўқув дастурининг ҳар бир фани учун талабалар ва ўқитувчиларнинг меҳнат харажатларини баҳолаш учун кредитлар тизимини жорий этиш;
- факультатив фанларни талабалар томонидан танлаш эркинлиги;

¹ Европейское высшее образование. Что такое Европейское пространство высшего образования? <https://eurounis.com/2020/02/19/europeiskoe-prostranstvo-visshego-obrazovaniya/>

- талабалар томонидан ўқитувчини танлаш эркинлиги;
- талабанинг индивидуал ўқув дастурини шакллантиришда бевосита иштирок этиши;
- махсус академик хизматларни – тьюторлар институтини яратиш;

- ўқув жараёнини ташкил этишда факультетнинг кенг ваколатлари (профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларининг турларини аниқлаш ва ҳисобга олиш);
- ўқув жараёнини ўқув-услубий ва ахборот-техник таъминоти¹.

Келгусида кредит-модуль тизими бутун дунё таълим тизимининг асосий бўғинига айланади деб ишониш учун барча асослар мавжуд, чунки у ўзини шаффофликни, талабалар ўрганган материаллари ҳажмининг таққосланувчанлигини, шунингдек, малака ва компетенцияларни академик тан олиш имкониятини малака ва компетенцияларни академик тан олиш имкониятини таъминловчи восита сифатида ўзини жиддий равишда намоён қилди. Шунинг учун кредит-модулли ёндашувга асосланган таълим дастурлари Европа Иттифокидан ташқарида ҳам амалга оширилмоқда. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикасида ҳам олий таълимни босқичма-босқич ўқитишнинг кредит-модуль тизимига ўтказиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Кредит тизими – бу маълум бир таълим фақултети доирасида ишлайдиган, таълим муассасаларининг жамоавий таълимнинг индивидуал шаклларида ўтишига йўналтирилган, таълим хизматлари бозорининг эҳтиёжларини қондириш учун етарлича хилма-хил ва мослашувчан таълим воситаси. Кредит тизими айнан либерал таълим тизимида вужудга келди, у ерда дастлаб олий таълим муассасасининг рақобатдошлиги омили сифатида шаклланди.

Функционал жиҳатлар нуктаи назаридан кредит тизими қуйидагилар учун асос бўлиб хизмат қилади:

¹ Кредитно-модульная система обучения в вузе: обратная сторона медали. В.Г. Дуняева. Вектор науки ТГУ. 2012. №4(11). С. 91

- талабаларга индивидуал ўқув дастурларини тузиш, фанларни ўрганиш кетма-кетлигини эркин белгилаш ва ўқув машғулотларининг шахсий семестр жадвалини мустақил равишда тузиш имкониятини берадиган ўқув жараёнини индивидуал ташкиллаштириш;

- талабалар ва ўқитувчиларнинг таълим фаолияти натижаларини баҳолаш тизимлари;

- ўқув жараёнининг барча субъектларининг академик эркинлиги даражасини ошириш;

- ўқитиш харажатлари ва ўқитувчиларнинг иш ҳақи фондининг иқтисодий ҳисоб-китоблари, олий таълим муассасаси ва унинг таркибий бўлинмаларини бюджетлаштириш¹.

Болонья декларациясининг ажралмас атрибути сифатида кредит-модуль тизимига иккита асосий функциялар берилади:

1. Талабалар ва ўқитувчиларнинг мобиллигини таъминлашга кўмаклашиш ва бир университетдан иккинчисига ўтишни соддалаштириш.

2. Талаба томонидан барча ўқув ва илмий фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган иш ҳажмини аниқ белгилаш. Талабанинг ўқиган дастури бўйича тўплаган кредитлар миқдори талабанинг қобилиятини белгилайди².

Таълим дастурларини баҳолаш учун кредит тизимларининг моделлари:

- академик мобиллигини таъминлашга қаратилган кредит тизимлари;

- асосан кредитларни тўплашга йўналтирилган кредит тизимлари.

ECTS тизимига кўра, Европа олий таълим муассасаларида ўқув йили ўртача 40 ҳафта давом этади. Талабанинг йиллик академик

¹ Внедрение кредитной системы в российском вузе: первые результаты в 60 эксперимента по переходу на кредитную систему Владивостокского государственного университета экономики и сервиса, 2004-2005 годы / Авт. О.О. Мартыненко. – Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2005

² Bologna Declaration. Joint Declaration of the European Ministers of Education Convened in Bologna on the 19th of June 1999.

юкламаси 60 кредитга тенг эди. Шунга асосланиб, талаба бир семестрда 30 кредит олиши керак¹.

Европалик талаба узок вақт давомийлигида келажак дипломига кредитлар тўплаши мумкин. Кредитларнинг тўпланиши талабага бутун ҳаёти давомида ўз малакасини оширишга, масалан, кўшимча олий маълумот олишига имкон беради. Кредитлар туфайли талаба ўқишдан узок муддатли танаффуслар олиш имкониятига эга бўлади – илгари олинган кредитлар йўқолмайди. Агар талаба бирон сабабга кўра олий таълим муассасасидан четлатилган бўлса ҳам, у олган кредитлари кейинчалик ўқишни давом эттириш учун ишлатилиши мумкин ва улар қайта-қайта инobatга олинади, бу эса талабанинг иккинчи олий маълумот олишига катта ёрдам беради. Кредитлар шароитларда талабанинг ихтисослик бўйича иш тажрибасини олий таълимнинг таркибий қисми сифатида ҳисобга олишга имкон беради.

Болонья жараёни қондаларига биноан талабаларга стажировка ва амалиёт учун, имтихонларга тайёргарлик кўриш учун кредитлар бериш одатий ҳисобланади. Дарҳақиқат, бу маълум бир меҳнат талаб қиладиган ўқув жараёни, унинг қийматини иложи борича объектив баҳолаш муҳимдир. Шубҳасиз, шу қаторда кўплаб манбаларни ўрганишни талаб этадиган ва академик меҳнати юқори бўлган, талаба томонидан ёзилган реферат ва курс ишлари учун кредитлар берилиши керак.

Кредитлар талабага фақат маълум бир фан бўйича ўқув режасида белгиланган якуний назорат шаклини (имтихон, тест ёки якуний назорат иши ва бошқаларни) муваффақиятли топшириш натижалари асосида берилади.

Билимларни баҳолашнинг модулли-рейтинг тизими 100 балли тизимни назарда тутуди, яъни 100 балл – талабанинг модулни ўрганиш жараёнида академик муваффақияти учун олиши мумкин бўлган максимал балл. Модуль учун талабанинг билимини

¹ Аллаярова С., Абдурахманов У. Таълимда модулли-кредит тизимининг мазмуни ва моҳияти // ЎзМу хабарлари. 2018 йил № 5 –сон.

баҳолашда ўтказилган машғулотларнинг барча турлари. жорий ва якуний назоратлар учун олинган баллар (масалан, амалий, лаборатория машғулотларини бажариш учун ва хоказо) ҳисобга олинади.

Умуман олганда, кредит-модуль тизими талабанинг тадқиқотчи-мутахассис бўлиб шаклланишига таъсир кўрсатади. Чунки унинг асосида юқорида келтирганимиздек - таълим олишга онгли ёндашув, ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш тамойиллари ётади.

3.3. Шахсга йўналтирилган ўқув дастури асосида талабаларда тадқиқотчилик малакаларини ривожлантириш

Олий таълимнинг асосий вазифаларидан бири - бўлажак мутахассисларда касбий ва илмий ривожланиш асос бўлган тадқиқотчилик малакаларини шакллантиришдир. Жаҳон педагогик тажрибасида ўқув фаолияти давомида тадқиқотчилик малакаларини шакллантириш механизмлари таълим сифатини оширувчи омиллардан бири сифатида қаралади¹. Бир қатор мутахассислар ушбу кўникмалар муваффақиятли ўқитувчининг академик мартабага эга бўлиши ҳамда касбий ривожланиши учун жуда муҳим эканлигини таъкидлайдилар².

Илғор тажрибаларни ўрганар эканмиз, марказида талаба бўлган шахсга йўналтирилган таълим технологиясининг тадқиқотчилик малакаларини ривожлантиришда ижобий натижа беришини гувоҳи бўлдик. Таъкидлаш лозимки, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари замонавий педагогик парадигмаларнинг методик асосидир. Бугунги дунёда ахборот ва билимлар қисқа муддатларда янгиланмоқда. Тадқиқотчилик кўникмалари “эскириб” бораётган

¹ Yarullin, I. F., Bushmeleva, N. A., & Tsyrukun, I. I. (2015). The Research Competence Development of Students Trained in Mathematical Direction. *International Electronic Journal of Mathematics Education*, 10(3), 137-146. <https://doi.org/10.29333/iejme/296>

² Davis H, Evans E and Hickey M 2006 *Journal of Higher Education Policy and Management* 28 231–244.
Shaw K, Holbrook A and Bourke S 2011 *Studies in Higher Education* 10 1–17.

(талаб ва эҳтиёж камайиб бораётган) касб эгаларининг янги малакаларни ўзлаштиришлари учун муҳим имконият. Бундан ташқари, рақобатдош мутахассис бўлиш учун ҳам, аввало, тадқиқотчи бўлиш талаб этилади. Биз мана шу кўникмаларни олий таълимда тўлиқ шакллантиришга эришишимиз лозим. Талабаларнинг ўқув жараёни билан биргаликда илмий-тадқиқот фаолияти олиб боришлари бугунги кун учун янгилик эмас, бироқ ҳаммада ҳам шу кўникмалар бор, дея олмаймиз. Мавзуга оид илмий ишларни ўрганганимизда таълим олиш жараёнида илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этилган битирувчиларнинг натижалари бошқа мутахассисларга нисбатан юқори эканлигини таъкидланмоқда¹. Яна бир қатор мутахассислар ОТМда таълим олиш даврида илмий лойиҳаларда иштирок этган талабаларнинг ўқитувчи-устозлар билан ҳамкорлик қилиши осон ва махсулдор бўлишини таъкидлаб, аксрият ҳолларда бундай талабалар келажакда ўз фаолиятларини академик карьера билан боғлайди², деб хулоса қилади. Табиий фанлар йўналишида тадқиқот олиб борган олим Лопаттонинг таъкидлашича, университетда таҳсил олиш давомида илмий лабораториялар фаолиятида, конференция ва илмий семинарларда фаол иштирок этадиган талабаларнинг профессионал муваффақиятлари таълимнинг дастлабки давридаёқ кўзга ташланади³. Бу эса талабаликнинг биринчи босқичидан талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтиришнинг қанчалик муҳимлиги ва тўғрилигини исботлайди⁴.

Шу соҳада олиб борилган тадқиқотларни ўрганар эканмиз, Манчестер Метрополитан Университетининг Чакана савдо ва маркетинг департаментида ўтказилган тадқиқотлар ҳақида тўхталиш ўринли⁵. Ушбу таълим муассасаси олиб борган эмпирик тадқиқотлар талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб

¹ Gregerman S R, Lerner J S, Hippel W, Jonides J and Nagda B A 1998 *Review of Higher Education* 22 55–72.
² Elgren T and Hensel N 2006 peer-Review 8.
³ Lopatto D 2004 *Cell Biology Education* 3. -p 270–277.
⁴ Healey R L and Davies C 2019 *Higher Education Research and Development* 38 1386–1400.
⁵ https://www.unipage.net/ru/10290/the_manchester_metropolitan_university

қилишда шахсга (талабага) йўналтирилган ўқув ёндашувининг афзалликларини, ўқитиш маданиятини ривожлантиришнинг асосий элементларини, тадқиқот лойиҳаларини самарали бошқариш усулларини аниқлашга қаратилган¹. Олиб борилган изланишларда олий таълим муассасасида ўқув ва илмий фаолият ўртасидаги мувозанатни бирхилликда сақлаш орқали юқори натижаларга эришиш мумкинлиги эътироф этилган. Таъкидлаш лозимки, республикамиздаги олий таълим фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, биз бакалавр ва магистрантларни фақат “ўқитиш” билан банд бўлиб қолмоқдамиз ва бунинг оқибатида битирувчиларимиз касбий кўникма ва малакаларининг етарли эмаслигидан иш берувчи ташкилотларнинг талабига жавоб беролмай қолмоқда. Шу сабабдан ҳам, таълим бериш жараёнида талабаларга ўқиш билан бирга тадқиқот олиб бориш малакаларини ҳам тўлиқ ўзлаштириш имкониятини яратиш лозим. Ваҳоланки, бу ўтган асрнинг 70-йилларидаги олий таълимга қўйилган талаб – “Университет 2.0.” моделининг мақсади. Биз эса, ҳанузгача барча ОТМларда шу талабнинг ижросига эриша олмадик.

Олий таълим ўқув жараёнида талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтиришнинг самарали механизмларини ўрганар эканмиз, бунда талабага йўналтирилган ўқув дастури (*student-centred syllabi*) орқали ўқишни ташкил этиш тажрибаси эътиборимизни тортди. Олдинги бобларда келтирилганидек, кредит-модуль тизимида талаба - таълимнинг марказий фигураси саналади. Бунда ҳар бир талабанинг ўз ўқув режаси – таълим олиш траекторияси шакллантирилади. Талабага йўналтирилган ўқув дастури эса, мана шу траекториянинг модуллар кесимидаги мазмуни ва ўзлаштириш кетма-кетлигини таъминлаб беради. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари борасида кўплаб

¹ Schmidt R A, Jones P, Bennison D and Davies B J 1994 Journal of Further and Higher Education 18 75–84.

муваффақиятли тадқиқотлар олиб борилган¹. Тадқиқотчилар талабага йўналтирилган ва ушбу вазиятга асосланган ўқув дастурини лойиҳалашнинг долзарблигини асослайдилар, чунки бу дастур анъанавий ўқув дастуридан нафақат мазмуни, балки ташкил этилиш механизмига кўра ҳам фарқ қилади. Ўқув дастурида эътибор ўқитувчи томонидан “Биз нимани ўргатишимиз керак” деган масаладан “Биз ўргатишнинг қандай усулини танласак талабаларнинг мустақил билим олиши ва интеллектуал ривожланишига ҳисса қўша оламиз” мазмунидаги вазифа қўйилади. Шунинг учун, бундай ўқув дастури анъанавий ўқув дастури билан деярли бир хил маълумотларни ўз ичига олса-да, ўқитиш усуллари, методик ёндашувлари билан кескин фарқ қилади. Талабани мустақил ўқиб-ўрганишга йўналтирувчи методика дастурнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади ва талабада тадқиқотчилик малакаларини шакллантиради.

Шахсга йўналтирилган ўқув дастурининг яна бир муваффақияти ўқитувчи томонидан талабанинг интеллектуал имкониятлари билан бир қаторда рухий, ҳиссий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий ва бошқа жиҳатларига ҳам эътибор қаратишида². Ижобий кайфият ва самимий муҳит – таълимнинг ажралмас қисмидир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, талабага йўналтирилмаган ўқув дастури ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро самарали муносабатларига тўсқинлик қилади, ўқув жараёнининг умумий сифатини пасайтиради³. Одатда, талабаларнинг ўқув дастури бўйича биринчи таассуротлари жуда чуқур таъсирга эга бўлиб, курс давомида сакланиб қолади. Шунинг учун ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги мулоқотнинг дастлабки босқичида ўқитиш тўлиқ талабага йўналтирилган бўлиши ва аввалдан ижобий таассурот қолдириш

¹ Saragih S and Napitupulu E 2015 International Education Studies 8.; Vlasenko K, Chumak O, Sitak I, Kalashnykova T and Achkan V 2020 Universal Journal of Educational Research 8 362–370.; Abdous M and He W 2008 Journal of Interactive Learning Research 19 541–550.
² Abdous M. and He W. 2008 Journal of Interactive Learning Research 19 541–550.
³ Abdous M. and He W. 2008 Journal of Interactive Learning Research 19 541–550.

жуда муҳимдир. Бу ҳам шахсга йўналтирилган ўқув дастурининг ўзига хосликларидан бири.

Мавзуга оид манбаларни ўрганар эканмиз Харрингтон, Ричмонд, Морган ва бошқа олимлар ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш ва ўзаро муносабатларни яхшилашга, ўқувчиларда мотивацияни оширишга ва уларнинг имкониятларини кенгайтиришга ҳисса қўшадиган талабага йўналтирилган ўқув дастурини (*student-centred syllabi*) ишлаб чиқиш зарурлигини асослайди¹. “Талабага йўналтирилган ўқув дастури” бўйича ўқув фаолиятига ҳамроҳлик қилиш ҳамкорликни, расмий баҳолаш учун кўплаб имкониятларни ва таълим натижаларига эгалик қилишни таъминлайдиган турли интерфаол тадбирлар орқали ўқувчиларни ўқув жараёнида фаолроқ бўлишга ундайди.

Ўрганилган манбалардан маълум бўлдики, ўқув жараёнидаги самимий муҳит таълим сифатини ошишига бошқа ташки омиллардан ҳам кўра кўпроқ таъсир кўрсатади. Хусусан, талабаларнинг илмий, профессионал имкониятларини рўёбга чиқариш самимий, очиқ ва ошкора бўлишни тақозо этадиган уйғунлик муҳитида содир бўларкан². Бу ўқув жараёнига ҳурмат ва мутлақ ижобий муносабатга асосланган, бошқа одамларнинг ҳис-туйғуларини ҳурмат қилиш, уларга ҳамдард бўлишни, яъни эмпатик қабул қилишни англатади.

Ўқув йилининг дастлабки вақтидан талабаларда тадқиқотчилик малакаларини ривожлантириш мақсадида модулнинг мазмуний контентини тайёрлаш билан бирга, семестр давомида ўқув жараёнини ўқитувчи-талаба ўзаро мулоқотига (feedback) таянган ҳолда ташкил этиш лозим. Бунинг учун аудитория (face to face)

¹ Harnish R. J. and Bridges K. R. 2011 Social Psychology of Education 14, 319–330.; Harrington, C. M., & Gabert-Quillen, C. A. (2015). Syllabus length and use of images: An empirical investigation of student perceptions. *Scholarship of Teaching and Learning in Psychology*, 1(3), 235–243. <https://doi.org/10.1037/stl0000040>; Richmond A. S., Morgan R. K., Slattery J. M., Mitchell N. G. and Cooper A. G. 2019 Teaching of Psychology 46, 6–15.

² Motschnig-Pitrik R., Santos A. M. The person centered approach to teaching and learning as exemplified in a course in organizational development // *Zeitschrift für Hochschuldidaktik (ZHD)*. – 2006. – Т. 4. – № 1.

машғулотлари билан биргаликда масофали-онлайн мулоқотга асосланган ўқитиш, доимий мулоқот муҳитини ташкил этиш талаб қилинади. Масофали инфратузилма талабанинг мустақил таълим олиш жараёнида пайдо бўладиган саволларига жавоб олиш, муаммоли вазиятларда маслаҳат олиш, тажрибалар билан бўлишиш учун зарур. Йўналиш ва мутахассислик хусусиятидан келиб чиқиб мулоқот алмашиш воситаси турлича бўлиши мумкин. Ўқитувчи модулни ўтиш давомида талабалар томонидан берилган саволлар, таклифлар асосида ўқитиш сифатини ошириш мақсадида “талаба овози”ни доимий равишда эътиборга олиши ва ўқитиш сифатини такомиллаштириб бориши лозим. Шахсга йўналтирилган ўқув дастури асосида таълимни ташкил этиш ўқитувчидан аудитория соатларидан кўра кўпроқ вақт талаб қилади. Модул (фан, курс)ни ўзлаштиришда талабаларга индивидуал маслаҳатлар бериш, бажарилган ишларни текшириш ва саволларга жавоб бериш каби вазифалар ўқитувчидан вақт ва профессионаллик талаб қилади. Мустақил таълимнинг бу жиҳатларини ОТМга ҳисобга олиши ва ўқитувчи юкласига киритиши лозим (лекин бу жиҳат республикамизда давлат ОТМларида йўлга қўйилмаган).

Шахсга йўналтирилган ўқув дастурлари бўйича илғор тажрибаларни ўрганар эканмиз, мавзуимиз доирасида, яъни талабаларнинг тадқиқотчилик малакаларини ривожлантиришда ўқув жараёнига қандай ёндашув ёки методикани қўлласак эътибор сифатини оширишга ҳисса қўша оламиз, деган масалага эътибор қаратдик. Шундан келиб чиқиб, педагогик фаолиятимиз тажрибасига таянган ҳолда магистратура мутахассислигида асосий фанлар блокида ўқитиладиган “Илмий-тадқиқот методологияси” модули бўйича талабанинг тадқиқотчилик малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган методика ишлаб чиқилди. Методика мазмунини ҳар бир магистрант билан модулни ўзлаштириш учун семестр давомида индивидуал ишлаш орқали илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга эришиш

ташқил қилади. Ушбу методика учта босқичда қўйидаги ОТМларда тажриба-синов тариқасида синовдан ўтказилди:

– 2019-2020 ўқув йилининг кузги семестрида Ўзбекистон Миллий университети;

– 2020-2021 ўқув йилининг кузги ва баҳорги семестрларида Урганч давлат университети ҳамда Андижон давлат университети;

– 2021-2022 ўқув йилининг кузги семестрида Тошкент давлат юридик университети.

Методикани қўллаш учун назорат ва тажриба гуруҳлари ажратиб олинди. Методика модулнинг амалий машғулотларини олиб боришда қўлланишга мўлжалланган. Унинг асосий жиҳатларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўқув жараёнида талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтириш методикаси

Қўлланиладиган соҳа - магистратура босқичининг барча мутахассисликларида қўллаш мумкин.

Мақсади – талабаларда тадқиқотчилик малакаларини ривожлантириш.

Методиканинг мазмуни ва амалга ошириш кетма-кетлиги:

Модулни ўзлаштириш мустақил таълимга асосланади. Ўқитувчининг вазифаси машғулотларда қўйилган масалаларга ечим топишга талабани йўналтириш, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларини мунтазам ташҳислаб бориш, ривожлантириш, таълим жараёнини бошқариш ҳамда баҳолаш кабилардан иборат. “Илмий-тадқиқот методологияси” модулини ўқитишни аралаш таълим (blended learning) шаклида ҳам амалга ошириш мумкин. Бунда маъруза машғулотлари масофавий, амалий машғулотлар анъанавий (face to face) шаклида олиб борилади (модулни аралаш таълим шаклида ўтиш Тошкент давлат юридик университетида қўлланилган).

Амалдаги ўқитиш методикасидан фарқи – ҳар бир машғулотда магистрлик диссертациясининг муайян қисмлари

ишлаб чиқилади, семестр якунигача ЎзР Магистратура тўғрисидаги Низомнинг тегишли талаблари бажарилади, дарсдан ташқари ҳолатда магистрантларнинг ҳар бири билан якка ҳолда мустақил таълим натижалари таҳлил қилинади.

Машғулотлар мазмунида мустақил таълим олиш кўникмалари кўпроқ амалий машғулотларда намоён бўлишини эътиборга олиб, қўйида ҳар бир амалий машғулотда талаба бажариши лозим бўлган вазифалар келтирилди (3.3.1., 3.3.2. жадваллар)¹:

3.3.1.-жадвал

Амалий машғулотлар вазифалари Илмий-тадқиқот методологияси модули бўйича оралик назорат ўтказиш тартиби

№	Амалий машғулот мавзуси	Бажариладиган вазифа	Бажариш шакли	Муддат/хафта	Соат
1	Илмий-тадқиқот методологияси асослари	Модуль мазмуни, мақсади ва вазифаларини ўзлаштириш.	Оғзаки	2-хафта	2
2	Илмий-тадқиқот олиб боришнинг замонавий тенденциялари	Мутахассисликнинг энг муҳим устувор йўналишларини аниқлаш (миллий, минтақавий, халқаро миқёсда).	Ёзма	3-хафта	2
3	Муаммо ва илмий муаммо. Тадқиқот мавзусини шакллантириш	Мутахассисликка онд муаммоларни аниқлаш, муҳимлилик даражасига кўра ажратиш. Амалий муаммодан илмий муаммони ишлаб чиқиш. Илмий муаммо асосида тадқиқот мавзусини шакллантириш.	Ёзма	4-хафта	2

¹ **Изоҳ:** талаба томонидан бажариладиган ҳар бир вазифа ЎзР Магистратура тўғрисидаги Низомда келтирилган диссертацияни расмийлаштиришнинг техник талабларига мувофиқ тақдим этилади.

4	Илмий-тадқиқот дастури	Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметини аниқлаш.	Ёзма	5-ҳафта	2
5	Илмий-тадқиқот типлари	Мавзу асосида тадқиқот типини аниқлаш, қутилаётган натижаларни гипотетик тавсифлаш. Тадқиқотнинг ишчи гипотезасини ишлаб чиқиш.	Ёзма	6-ҳафта	2
6	Тадқиқот методлари	Тадқиқотнинг эмпирик ва назарий босқичида фойдаланиладиган методларни аниқлаш ва тавсифлаш.	Ёзма	7-ҳафта	2
7	Мавзунинг ўрганилганлик даражасини шакллантириш (адабиётлар шарҳи)	Тадқиқотнинг таянч тушунчалари аниқлаш. Таянч тушунчалар орқали кидирув тизимларидан мавзуга оид манбаларни топиш (камида 10 та илмий мақола, 10 та диссертация автореферати, 10 та монография). Адабиётлар шарҳи формасини тўлдириш.	Ёзма	8, 9-ҳафта	2
8	Маълумотлар базалари билан ишлаш: Scopus, Google scholar, Web of Science	Scopus, Google scholar, Web of Science ва бошқа (мутахассисликка оид) илмий платформалардан мавзуга тегишли манбаларни юклаб олиш, уларни тавсифлаш. Илмий базаларда профиль очиш ва профилни бойитиш.	Ёзма	10-ҳафта	2
9	Магистрлик диссертациясига қўйиладиган	Диссертациянинг таркибий қисмларини шакллантириш: кириш қисми, кенгайтирилган	Ёзма	11-ҳафта	2

	умумий талаблар	режа – боб ва параграфлар, гипотетик хулоса, адабиётлар ва манбалар.			
10	Илмий мақола ва тезис – мустақил тадқиқот натижаси	Илмий мақола ёзиш ва нашр эттириш.	Ёзма, босма	Семестр давомида ва 12-ҳафта	2
11	Илмий-тадқиқот ва инновация	Тадқиқот асосида стартап (амалий) лойиҳалар тайёрлаш. Интеллектуал мулкни муҳофазалаш (патент, гувоҳнома) механизмлари. Тадқиқотнинг аннотациясини ишлаб чиқиш.	Ёзма. Амаллий	13-ҳафта	2
Жами соат					22

3.3.2.-жадвал.

Оралиқ назоратни ўтказиш тартиби

ОН	Балл (жами 30)	ОН вазифаси	Муддати	Бажариш шакли
1-ОН	20	Кичик илмий-иҷодий иш ёзиш (диссертация кириш қисмининг асосий бандлари асосида).	8-9 ҳафта	Ёзма. Мустақил.
2-ОН	10	Мавзу юзасидан тезис (ёки мақола) нашр эттириш.	Яқуний назорат ҳафтасигача	Нашр эттирилган мақола. Мустақил.

Изоҳ: ОН учун жами 50 балл ажратилган бўлиб, юқоридаги 30 баллдан ташқари 20 балл талабанинг амалий машғулотлардаги вазифаларни ўзлаштириши асосида қўйилади.

Бажарилган ҳар бир ёзма топширик ижроси ўқитувчи томонидан индивидуал текширилади. Табиийки, бу ҳолат ҳозирги тизимда ўқитувчи юкламасининг ошиб кетишига сабаб бўлади. Бирок кредит тизимида илмий даража ва унвонга эга профессор-ўқитувчининг йиллик ўқув юкламасининг амалдаги ўқув юкламасидан ярим баробар кам бўлишини ҳисобга олсак, фан ўқитувчисининг талабалар билан индивидуал ишлашга вақт ҳамда имконияти етарли бўлади.

Методиканиннг ўзига хослиги шундаки, талаба амалий машғулотлардаги ҳар ҳафталик вазифаларни бажариш орқали биринчи оралик назоратнинг таркибий қисмларини тайёрлашга муваффақ бўлади. Масалан, мутахассисликнинг энг муҳим устувор йўналишларини аниқлаш, соҳадаги глобал, минтакавий, маҳаллий муаммоларни англай олиш танланиши кутилаётган диссертация мавзусининг долзарблигини асослашга далил бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, тўртинчи ҳафтада бажарилиши белгиланган тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметини аниқлаш бевосита диссертация кириш қисмининг муҳим бандларини шакллантиради. Умуман олганда, талаба ҳафталик амалий машғулот вазифаларини бажариш билан семестр якунигача диссертация кириш қисмининг асосий бандларини шакллантиради. Бу билан ҳам амалий машғулот, ҳам биринчи оралик назорат, ҳам диссертациянинг тегишли қисмлари бажарилади.

Иккинчи оралик назоратнинг бажарилиши ҳам модулниинг мавзулари, амалий машғулот вазифаларининг муддатида бажарилишига асосланади. “Магистрлик диссертациясига қўйиладиган умумий талаблар” деб номланган 9-мавзу амалий машғулоти гача бўлган вазифаларнинг бажарилиши талабаниннг тадқиқот мавзуси бўйича доктринал (тавсифий) мақола (ёки тезис) тайёрлаши учун етарли бўлади, деб айта оламиз. Чунки, масалан, 7-мавзу амалий машғулотида бажариладиган вазифа, яъни мавзуга оид (10 та

илмий мақола, 10 та диссертация автореферати, 10 та монография, жами 30 та илмий иш) манбалар билан танишиш битта тавсифий мақола ёзиш учун етарли. Ҳар бир вазифани ўз вақтида бажарилиши ўқув самарадорлигини белгилайди, топшириқлар бир-бирини такозо этади: биринчи вазифани бажармасдан иккинчи ёки учинчи вазифани сифатли бажариш имконсиз. Бу эса, талабаниннг илмий мавзу юзасидан мунтазам изланиш олиб боришини талаб қилади.

Умуман олганда, амалий машғулот вазифаларининг бажарилиши оралик назоратнинг бажарилишига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Ушбу вазифаларнинг самарадорлиги ОТМда ўқув жараёнининг ташкил этилиши, хусусан, магистрлик диссертацияси мавзуларининг ўз вақтида тасдиқланиши, кафедра томонидан бириктирилган илмий раҳбарларнинг магистрлар билан мунтазам ишлаши кабиларга ҳам боғлиқлигини айтиб ўтиш лозим. Энг муҳими – талаба мустақил тадқиқот олиб бориш тажрибасига эга бўлади. Бу эса, маълум маънода магистрантларда таълимнинг кейинги босқичи – таянч докторантурада илмий-тадқиқот олиб бориш, илмий мақолалар ҳамда PhD диссертациясини мустақил ёзиш кўникма ва малакаларини шакллантиради.

Модуль бўйича **Яқуний назорат** ёзма шаклда ўтказилади. Унда белгиланган вақт давомида илмий-тадқиқот методологияси, илмий фаолият билан боғлиқ муаммоли вазият – казус (1 та, 20 балл) ва модулниинг назарий мазмунига оид 2 та мантикий саволга жавоб (15 баллдан 30 балл) ёзиш лозим. Яқуний назорат учун 50 балл ажратилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, биз талабаларни тадқиқот олиб боришга йўналтиришда амалий машғулот вазифаларининг бажарилишига эътибор қаратдик. Келтириб ўтилган ОТМларда бир семестр давомида методика қўлланилди, куйида олинган асосий натижаларни келтирамиз (3.3.3.-жадвал).

3.3.3.-жадвал.
Тажриба-синов ўтказилган ОТМлар ва респондентлар сони

№	ОТМ номи	Жами талабалар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
1	Ўзбекистон Миллий университети	145	70	75
2	Урганч давлат университети	183	92	91
3	Андижон Давлат университети	64	32	32
4	Тошкент Давлат юридик университети	171	85	86
	Жами	563	279	284

Тажриба гуруҳларида амалий машғулотлар юқорида келтириб ўтилган (3.3.1.-жадвал) топшириқлар асосида ташкил этилди. назорат гуруҳларида машғулотлар анъанавий тарзда олиб борилди. Тажриба гуруҳидаги талабаларнинг модулни ўзлаштириш натижалари қуйидаги кўрсаткичлар асосида кузатилди:

- мутахассисликка оид мауммоларни аниқлаш;
- муаммодан илмий муаммони шакллантириш;
- илмий муаммо асосида тадқиқот мавзусини шакллантириш;
- тадқиқотнинг таянч тушунчаларини белгилаш;
- тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметини шакллантириш;
- тадқиқотнинг гипотезасини ишлаб чиқиш;
- тадқиқотда қўлланиладиган методларни танлай олиш;
- рақамли платформалардан илмий манбаларни қидириб топиш;
- иқтибос ва хаволани тўғри расмийлаштириш;

– Scopus, Google scholar, Web of Science ва бошқа (мутахассисликка оид) илмий платформалардан керакли манбаларни юқлаб олиш;

- фанметрик базаларда профиль очиш ва профилни бойитиш;
- семестр якунигача илмий мақола нашр этириш;
- семестр якунигача тадқиқотнинг аннотациясини шакллантириш.

Қуйида санаб ўтилган кўрсаткичлар бўйича ОТМлар кесимидаги айрим натижаларни келтираемиз. Жумладан, семестр давомида қўлланилган методикадан сўнг магистрларнинг илмий-тадқиқот дастурини шакллантира олиши тажриба ва назорат гуруҳларида қуйидагича кузатилди (3.3.4.-жадвал).

3.3.4.-жадвал.

Илмий тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш натижалари (тажрибадан олдин)

№	ОТМ Тажрибадан олдин	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
		юқори	ўрта	қуйи	юқори	ўрта	қуйи
1	Ўзбекистон Миллий университети	34	24	12	34	32	9
2	Урганч Давлат университети	41	38	13	43	42	6
3	Андижон Давлат университети	17	10	5	14	14	4
4	Тошкент Давлат юридик университети	51	25	9	40	39	7
	Жами	143	97	39	131	127	26

Тажриба синов гуруҳи	Респондентлар сони	Тажриба синов бошида олинган натижалар		
		юқори	ўрта	қуйи
Тажриба гуруҳи	279	143	97	39
Назорат гуруҳи	284	131	127	26

Илмий-тадқиқот дастури – диссертациянинг стратегик хужжати бўлиб, унда тадқиқот мавзусининг аниқ муаммога илмий ечим топишга йўналганлиги, адабиётлар шарҳи, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, ишчи гипотеза, тадқиқотнинг методлари, илмий янгилик ва тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти кабилар акс эттирилади.

Методика қўлланилгандан кейинги натижаларни келтирамиз (3.3.5.-жадвал).

3.3.5.-жадвал.

Илмий тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш натижалари (тажриба охиридаги ҳолат)

№	ОТМ тажрибадан кейин	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
		юқори	ўрта	қуйи	юқори	ўрта	қуйи
1	Ўзбекистон Миллий университети	54	14	2	33	35	7
2	Урганч Давлат университети	69	22	1	43	43	5
3	Андижон Давлат университети	27	4	1	15	15	2
4	Тошкент Давлат юридик университети	73	11	1	39	41	6
	Жами	223	51	5	130	134	20

Тажриба синов гуруҳи	Респондентлар сони	Тажриба синов охирида олинган натижалар		
		юқори	ўрта	қуйи
Тажриба гуруҳи	279	223	51	5
Назорат гуруҳи	284	130	134	20

Тажриба гуруҳидаги кўрсаткичлар:

$$(5) \begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 223 & 51 & 5 \end{cases}$$


$$n = \sum_{i=1}^3 n_i = 279$$

Назорат гуруҳидаги кўрсаткичлар:

$$(6) \begin{cases} Y_i & 3; & 2; & 1; \\ n_j & 130 & 134 & 20 \end{cases}$$

$$m = \sum_{i=1}^3 m_i = 284$$

Танлов асосида катнашган магистрантларнинг илмий тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш бўйича тажриба-синов охирида самарадорлик натижалари бўйича олинган кўрсаткичи бўйича диаграмма кўриниши (3.3.1.-расм):



3.3.1.-расм. Тажриба-синов самарадорлиги кўрсаткичлари.

3.3.6.-жадвал.

Илмий тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш бўйича магистр талабаларининг кўрсаткичлари бўйича якуний тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлили

Мезонлар	Тажриба гуруҳи (NT=279)	Назорат гуруҳи (NH=284)
Натижаларнинг ўртача арифметик қиймати	$X_T = 2,79$	$X_H = 2,39$
Самарадорлик коэффициенти	$\eta = 1$	
Танланма дисперсия	$S_x = 0,46$	$S_y = 0,61$
Ўрта қиймат стандарт хатоликлари	$2,73 \leq a_x \leq 2,83$	$2,32 \leq a_x \leq 2,46$
X* нинг ишончилилик ораликлари	1%	1,5%
Вариация кўрсаткичлари	$T = 9,57$	
Стьюдент статистикаси	$K = 137,6$	
Статистика озодлик даражаси	$T = 9,75 > 1,97$ бўлиб, H_1 гипотеза қабул қилинган	
Критерий хулосаси		



3.3.2.-расм. Тажриба синов бошидаги ва охиридаги кўрсаткичлар.

Натижалар асосида магистр талабаларнинг илмий тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатилган натижалар бирдан юқори ва шу асосида кўрсатган натижалар нолдан юқорилигини кўриш мумкин.

Демак, таклиф қилинган илмий ишланмалар тажриба гуруҳида синовдан ўтказилгандан кейинги кўрсаткич бўйича юқори натижага эришилган. Бу эса, ўтказилган тажриба синов ишлари – талабаларда тадқиқотчилик малакаларини ривожлантиришда самарадорликка эришилганини статистик таҳлил асосида исботланганидан далолат беради.

Талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтириш бўйича самарали метод ва ёндашувларни ўрганар эканмиз, бунда талабаларнинг таълимдан кутган умид ва эҳтиёжларининг қондирилиши ўқув дастурлари мазмуни, рақамли таълим ресурслари, ўқитувчининг педагогик ёрдамидан қониқиш муҳим омили эканлиги қайд этилган¹. Илмий-тадқиқот методологияси модулида қўлланилган методика самарадорлигини ошириш учун тажриба гуруҳи талабалар билан мунтазам Google Forms да сўровлар, суҳбатлар ва индивидуал фикр-мулоҳазалар алмашиш муҳити ташкил қилинди.

Умуман олганда, шахсга йўналтирилган таълим технологияси асосида ташкил этилган педагогик жараён талабаларни илмий фаолиятга мақсадли йўналтиришда қуйидаги малакалар шаклланиши учун муайян замин яратади: **профессионал малакалар** (касбининг илмий асосларини пухта эгаллаш, мутахассислик доирасидаги муаммоларни аниқлаш ва баҳолаш, янгилик яратиш, соҳанинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва бошқа); **фикрлаш малакалари** (креативлик, илм олишдан тўхтамаслик, танқидий фикрлаш, позитив фикрлаш, ижодий фикрлаш – ғояларни фикрда яратиш ва хоказо); **ғоялар трансфери** (бир соҳа ғояларини бошқа соҳага татбиқ эта олиш). Ушбу малакаларнинг шаклланиши олий таълим муассасида ташкил этилган ўқув жараёни, қабул қилинган ўқув-меъёрий ҳужжатлар сифат мазмуни ва уларнинг амал қилиши, қолаверса юқори даражада педагогик ҳамда профессионал

¹ 2015 Standards and guidelines for quality assurance in the european higher education area (esg) URL http://www.britishecouncil.org.ua/sites/default/files/standards-and-guidelines_for_qa_in_the_chea_2015.pdf

илм ва тажрибага эга кадрлар билан боғлиқ эканлигини ҳам эътиборга олиш лозим.

Умуман олганда, талабаларни илмий-тадқиқотга йўналтиришнинг замонавий тенденциялари таълим ва илм-фан ривожланган давлатларда мунтазам янгиланиб бораётганлигини таъкидлаш зарур. Марказий Осиёдаги бошқа давлатларга нисбатан бироз кеч бўлса-да, Ўзбекистон олий таълимнинг кредит тизимига ўтаётганлиги маълум маънода ўқитишнинг замонавий парадигмаларига мос таълим бериш имкониятини яратади. Тан олиш керак, таълим сифати самарадорлигига эришиш учун олдинда кўплаб вазифалар бор. Бу вазифалар орасида тўғри таълим сиёсатини амалга ошириш билан бир қаторда, аҳолининг билим олишга бўлган муносабатини ўзгариши билан ҳам боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, ёшларга таълим бериш орқали уларга табиатан берилган ёшланувчанлик, яратувчанлик, ижодкорлик имкониятларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Бизнинг фикримизча, Болонья декларациясининг мазмуни ва олий таълимга кредит тизимининг татбиқ қилиниши ёшлардаги юқорида келтириб ўтилган сифатларнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатади. Шахсга йўналтирилган ўқув дастури асосида талабаларда тадқиқотчилик малакаларини ривожлантириш таълимнинг анъанавий шаклига нисбатан кредит тизимида самарали натижа беради.

4-БОБ. ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

4.1. Педагогик технологиялар ва уларнинг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигига таъсири

Олий таълимдаги халқаро тенденциялар таълим технологияларининг талаб юқори бўлган малакали мутахассислар тайёрлашдаги аҳамияти қанчалик муҳим эканлигини кўрсатмоқда¹. Бу жаҳондаги глобаллашув, фан ва технологияларнинг ривожини, қолаверса, ахборот кўламининг ортиши оқибатида вужудга келаётган нобарқарор ҳаёт тарзида битирувчиларнинг касбий кўникма (hard skills) ва мослашиш кўникмалари (soft skills)нинг қай даражада ўзлаштирилиши билан боғлиқ. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда олий таълим муассасаси (ОТМ)нинг рейтинги илмий натижаларнинг амалиётга қўлланилиши, фан ютуқларини иқтисодий ривожлантиришга самарали қўллаш оладиган касбий ва мослашиш кўникмалари юқори бўлган битирувчилар билан боғлиқ².

Маълумки, олий таълим муассасасининг рейтинги (жозибадорлиги)ни белгиловчи кўрсаткичлардан бири – иш берувчилар томонидан битирувчиларга бериладиган баҳо билан боғлиқ. Бу ёш мутахассисларнинг касбга оид билим, малака ва кўникмаларини амалиётга татбиқ эта олишида намоён бўлади. Таълим олиш даврида танланган йўналиш (бакалаврият) ёки мутахассислик (магистратура) доирасидаги реал муаммоларга илмий изланиш орқали ечим топишга ҳаракат қилиш, соҳанинг асосий йўналишлари ривожланиш динамикаси, замонавий тенденцияларини билиш ва эгалланган билимларга таяниб соҳанинг истикболини прогноз қила олиш талабаларнинг танлаган касбининг замонавий аҳамиятини, қолаверса, мутахассислик доирасида илмий фаолиятга салоҳиятли

¹ UNESCO Education Strategy 2014-2021. Paris, 2014. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000231288>

² The World University Rankings 2020: results announced. Times Higher Education (THE) <https://www.timeshighereducation.com/news/world-university-rankings-2020-results-announced>

эканлигидан далолат берувчи хусусиятлардир. Шундан келиб чиққан холда, олий таълим ўқув жараёнида таълим технологияларининг аҳамиятига эътибор қаратишни ўринли деб топдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида талабаларда танкидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларининг шакллантирилмаганлиги, ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотлар самарали ташкил этилмаган, тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига етарлича жавоб бермаслиги, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш даражаси пастлиги сабабли уларнинг касбий маҳорати бугунги кун талабларидан ортда қолаётганлиги каби муаммолар келтириб ўтилган¹. Бу каби муаммоларга самарали ечим топиш, муаммоларни бартараф этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш олий таълим тизимида фаолият юритаётган ҳам бир субъектнинг функционал вазифасига қиради, десак хато бўлмайди. Ҳозирги замон олий таълими трендлари ёшларни тез ва ностандарт қарорлар қабул қилиш, таҳлилий ва танкидий мулоҳаза юритиш кўникмаларини ривожлантиришга қараб мўлжал олади. Олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида ҳам олий таълим битирувчиларини замон кўяётган талабларга жавоб беришларини таъминлаш учун қатор вазифаларни бажариш, янги самарали тизимларни ташкил этиш, янги педагогик лойиҳа ва ёндашувларни ишлаб чиқиш кечиктириб бўлмас вазифалар сифатида белгилаб қўйилган. Жумладан, таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этишда;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <http://lex.uz/docs/4545884>

- замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустақам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун кўшимча шароитлар яратиш;

- таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

- маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи «E-MINBAR» платформасини амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш;

- масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимини кенг жорий этиш, талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишни тамомлаганларидан сўнг кутубхона фонди, ахборот базаларидан фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имкониятларини кенгайтириш ва бошқалар.

Ушбу технологияларни амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқишда олий таълим тизими мутахассислари ташаббуси зарур. Шу ўринда бизнинг тадқиқотларимиз ҳам истикболдаги йўналишларини Концепцияда келтирилган вазифаларга нисбатан белгилашини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўқув жараёни – таълим технологиясининг педагогик технологияга конвергенциясидир. Ўқув жараёнини яхлит педагогик технологиянинг воқе бўлиши, деб ҳам айтиш мумкин. Аввало, технология атамасининг мазмунига тўхталиб ўтамиз. “Технология” сўзини ҳозирги кунда ҳаётимизда энг кўп қўлланилаётган сўзлар қаторига иккиланмай киритиш мумкин: ишлаб чиқариш

технологияси, бошқарув технологияси, қурилиш технологияси, фойдаланиш технологияси, тақдим этиш технологияси, педагогик технология ва ҳоказо. Этимологик жиҳатдан технология атамаси “техника” сўзидан келиб чиққан бўлиб, фанга 1872 йилда кириб келган. Юнонча “techné” - маҳорат, санъат, малака. “logos” эса - сўз. таълимот маъносини англатади¹. Бироқ бу ифода замонавий технологик жараёни тўлиқ тавсифлаб бера олмайди, технологик жараён дейилганда – меҳнат куроллари билан меҳнат воситаларига таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш бўйича килинган меҳнат ва жараёнлар тушунилади. Технология – яхлит жараён сифатида намоён бўлади, унда тизимлилик, кетма-кетлик ва натижа асосий хусусият саналади. Мухими, бу жараёнда мақсад аниқ белгиланган бўлиши ва ҳаракатлар кетма-кетлиги қатъий режалаштирилган (лойиҳалаштирилган) бўлиши лозим. Мақсадли ҳаракатлар кафолатланган натижага олиб боради. Демак, бир сўз билан айтганда, ҳар қандай фаолиятда технологиянинг мавжуд бўлиши ва амал қилиши – мақсадга эришишнинг энг мақбул йўлидир.

Таълим, хусусан педагогикада технологияни татбиқ этилиши ўтган асрнинг биринчи ярми охиридан бошланганини кузатиш мумкин. XX аср 30-йилларнинг ўрталарида АҚШнинг Индиана университетида талабаларга эшитиш ва кўриш (аудиовизуал) таълими бўйича маърузалар ўқилган бўлиб, 1946 йил шу ернинг ўзида эшитиш ва кўриш таълими бўйича мутахассисларни тайёрлаш курси: ишлаб чиқаришни режалаштириш, эшитиш ва кўриш воситаларини ишлатиш ва улар сифатини баҳолаш, шу воситаларни қўллаб ўқув жараёнини бошқариш дастурлари киритилди. Бу жараён “таълимда технологиялар” деб номланди. Кейинчалик “таълим технологияси” ўрнига “дастурлаштирилган таълим” атамасидан фойдаланиш кенг ёйилди.

Таълим технологияси (ингл. “an educational technology”) – таълим (ўқитиш) жараёнининг юксак маҳорат, санъат даражасида

¹ Философия техники. Первые философы техники. Альфред Эспинас. О технике и технологии http://society.polbu.ru/engineering_philosophy/ch02_iii.html

ташкил этилиши бўлиб, таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юкори даражада бошқаришдир¹.

Таълим технологиясининг педагогик жараёнга татбиқ этилиши педагогик технологиянинг ривожланишига сабаб бўлди. Педагогик технология – лойиҳалаштирилган таълим ва аниқ мақсадга қаратилган ўқув жараёнини ифода этади. XX асрнинг сўнгги чорагида педагогик жараёнда ахборот технологияларидан фойдаланиш бошланди. Шунинг эътиборда тутиш лозимки, ахборот – коммуникация технологиялари педагогик жараёнда фақат восита бўлиб, педагогик жараён (технология)нинг амалга ошишидаги ёрдамчи ҳисобланади.

Ривожланган хорижий давлатларда, биринчи навбатда, педагогик технологияга таълим соҳасидаги сиёсатнинг бош вазифаси сифатида қараб келинган. Бундай ёндашиш ЮНЕСКО томонидан ҳам маъқулланди ва 1972 йилда “Таълимни ривожлантириш масалалари” бўйича Халқаро Комиссия ташкил топди. Бу комиссия замонавий технология-таълимни модернизациялашда ҳаракатлантирувчи куч, – деб баҳолади. “Педагогик технология – таълим шакллариини такомиллаштириш барча жараён-кўзлаган ўқитиш ва бошқаларни ўзлаштиришнинг биргаликдаги ларини техника ва инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва аниқлашнинг изчил методи”². XXI асрнинг бошларида бу таъриф яна ўзгариб, педагогик технологиянинг – берилган ёки мавжуд шароитда педагогик

¹ Осипов Д.Л., Грузлев Д.А. Технологии обучения в высшей школе: понятие, сущность, содержание и структура. Санкт-петербургский образовательный Вестник. 2018 <https://cyberleninka.ru/article/n/tehnologii-obucheniya-v-vysshey-shkole-ponyatie-suschnost-soderzhanie-i-struktura>

² https://ru.wikipedia.org/wiki/Образовательные_технологии

вазифаларга макбул эришиш йўллари оғли лойиҳалаш. деб кайд этилмоқда.

Демак, *технология субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади.* Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган аниқ мақсадли амалларни муайян кетма - кетликда бажаришни кўзда тутди.

Ўқув жараёнида кафолатланган натижага эришиш педагогик технологиянинг асосий тамойиллари ва уларнинг моҳиятини билишни тақозо этади. Улар куйидагилардан иборат:

1. Бир бутунлик, *яхлитлик тамойили* икки жихатни ўзида акс эттиради: 1) таълим, тарбия ҳамда шахс камолоти (таракқиёти) бирлиги; 2) педагогик технологиянинг муайян, катъий тизимга эгаллиги, “*тизимлилик*” тушунчаси бу ўринда ҳам маълум ўқув фанини ўқитиш жараёнига, ҳам умумий таълим жараёнига хосликни ағлатади.

2. *Асослилик* (концептуал асос) тамойили фанларнинг ўрганиш объекти, ички моҳияти ва хусусиятларига кўра турли йўналиш (блок)ларга бўлиб ўрганиш афзалликларини ифода этади. Ўқув фанлари табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар тарзида туркумлаштирилган. Ҳар бир ўқув фани унинг учун “ядро”, “ўзак” саналувчи ахборотларга эга бўлиб, ушбу ахборотлар шахс томонидан фанлар асосларининг ўрганилиши, аниқ мутахассислик бўйича мустақил билим олиш, ўзлаштирилган билимларни кенгайтириб бориш йўлида таянч тушунчалар бўлиб хизмат қилади.

Бундай ёндашув маълум йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш жараёнида фанлараро алоқадорлик хусусиятидан фойдаланиш имконини ҳам беради. Ўқув фанларининг муайян йўналишлар тарзда бириктирилиши шахс хотирасига нисбатан ўриқлишни камайтиради, шунингдек, фикрлаш қувватини оширади. тафаккурнинг юзага келишини таъминлайди.

3. *Маданиятлар диалоги* (маданий ҳаётнинг ривожланишига мувофиқлик) тамойили немис педагоги А.Дистервег томонидан XIX асрда истеъмолга киритилган бўлиб, бугунги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маданиятни ағлаш тамойили талабаларга ижтимоий жамиятнинг маданий таракқиёти даражасидан келиб чиқиб таълим берилишини назарда тутди.

4. Таълим мазмунини *инсонпарварлаштириш* ва инсонийлаштириш тамойили. Тилга олинган ҳар икки тушунча ҳам луғавий жиҳатдан (юнонча “*humanus*” – инсонийлик, “*humanitas*” – инсоният), бир ўзакка эга бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъноларни ифодалайди. Инсонпарварлаштириш таълим муассасаларида ўрганиладиган фанлар сирасига ижтимоий фанлар (тарих, маданиятшунослик, социология, психология, филология ва бошқалар)нинг киритилишини, инсонийлаштириш тушунчаси эса шахс ва унинг фаолиятига нисбатан ижобий ёндашувни ағлатади.

5. *Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш* тамойили. Ушбу тамойил куйидаги икки жихатни ёритишга хизмат қилади: 1) таълим муассасаларининг ҳар бир ўқитувчиси ўз фани соҳасига талабаларни жалб қилган ҳолда тадқиқотларни олиб бориши лозим; 2) ўқитувчи таълим технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синаб кўради, кузатади ва тузатишлар киритади, яъни, у таълим жараёнини тадқиқ этади.

6. *Таълимнинг узлуксизлиги* тамойили таълим олувчиларнинг касбий сифатларга эга бўлишлари, мавжуд сифатларнинг ҳаётини фаолият давомида такомиллашиб боришини назарда тутди. Шахсга унинг бутун умри учун асқотиши мумкин бўлган билимларни бериш мумкин эмас, зеро, мавжуд билимлар ҳар беш-ўн йил мобайнида ўзгариб, мазмунан бойиб боради. Демак, мазкур тамойил ўқитувчининг ўз фаолиятида мустақил таълимни ташкил этишга эътибор бериши, педагог етакчилигини таъминлаган таълимдан талабаларнинг мустақил билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришни ифодалайди.

7. Фаолиятли ёндашув тамойили назария ва амалиётнинг дидактик боғлиқлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси куйидаги икки хил маънода изоҳланади: а) таълим олувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар; б) улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёнида қўлланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар. Билимлар фаолият жараёнида мустаҳкамланади, шу сабабли талабаларда назарий билимларни амалда қўллаш олиш иқтидорини тарбиялаш лозим.

Педагогик технология бу – илмийликка асосланган ҳолда, вақт ва маконга нисбатан дастурлаштирилган, олдиндан белгиланган натижага олиб келувчи, педагогик жараёнларга оид компонентларнинг барчасини бирдек ишга сола олувчи тизимдир¹. Бу тизим элементларининг бир мақсадга йўналтирилиши кафолатланган. Педагогик технологиялар мазмуни олий таълимда ўқитиладиган фанларни ўзлаштиришнинг асосий ҳужжати ҳисобланган ўқув дастурлари асосида йўналиш ва мутахассисликка мос тарзда ҳар ўқув йили учун ишлаб чиқиладиган ишчи фан дастурларида (силлабус) ўз аксини топади. Ишчи дастур муаллифи (профессор-ўқитувчи) битта фан мазмуни турли методларга асосланган педагогик технологиялар асосида тушунтириши мумкин. Энг муҳими – танланган метод ва технологиялар талабаларни фан мазмунини бўлажак касби (ёки шахсий ривожланиши)га фойдали эканлигини англаган ҳолда ўзлаштиришларига имкон ярата олиши лозим. Педагогик технологияларнинг асосий элементлари куйидагилардан иборат: “ - педагогик мулоқот технологиясида ўқитувчи (педагог)нинг ўқувчи талабалар билан мулоқоти; баҳолаш технологияси, педагогик баҳо ва уни мезонлаш; ахборотнинг таъсир кўрсатиш технологияси; педагогик вазиятларни яратиш ва уни ечиш

¹ Джураев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. –Т. Сано-стандарт, 2010. –Б.7. 110

технологияси”¹. Ишчи фан дастурида келтириб ўтилган барча элементларнинг акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, педагогик технология XXI аср таълимининг муҳим масаласи бўлиб, таълимнинг натижавийлиги педагогик технологиянинг тўғри йўлга қўйилганлиги билан узвий боғлиқ. Юқоридагилардан ҳулоса килиб айтиш мумкинки, педагогик технология бу – ўқув жараёнини ташкил этишда ўқувчининг эҳтиёжидан ва мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижага олиб борадиган ҳаракатлар кетма-кетлигидир. Демак, педагогик технология яхлит жараён бўлиб, унинг асосий белгилари лойиҳалаштириш ва кафолатланган натижага йўналтирилганлигида намоён бўлади.

Таълим технологиялари амалиётда муайян методика, ёндашув воситасида намоён бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, ёндашувларни куйидаги учта катта гуруҳ кесимида фарқлаш мумкин: изоҳли-тасвирли, ижодий ва технологик².

Изоҳли-тасвирли ёндашув олий таълимнинг “Университет – 1.0.” моделига мос келади, яъни бунда аудитория ўқитувчининг устуворлиги кузатилиб, тайёр билимлар узатилишини назарда тутилади. Ҳозирги кунда бу ёндашув – самарали эмас. Иккинчи - ижодий ёндашув машғулотларни ташкил этишда бирмунча самарали ҳисобланади ва талабани ижодкорликка, фаолликка ундайди. Талаба шахси тадқиқотчилик мавқеини эгаллайди. Бу олий таълимнинг “Университет – 2.0.” модели мазмунига мос келади. Бунда таълим бериш фронтал шаклдан индивидуал шаклга ўзгаради, ўқитувчидан тадқиқотчи олим бўлиш талаб этилади. Учинчи - технологик ёндашувда ўқув машғулотлари тўлиқ

¹ Қаранг. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Омонов Х.Т. ва бошқалар. –Т.: ТМИ, 2012. –Б. 24-26.
² З.Б. Ахрарова (2021) Узлуксиз таълимда педагогик технологияларни қўллаш жараёнилари. Academic research in educational sciences, 2 (NUU Conference 1), 190-194. 111

лойихалаштирилган тарзда олиб борилади ва ўқитиш натижаларини кафолатлайдиган жараён йўлга қўйилади.

Таълим технологияларнинг иерархиясини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

- педагогик – гуманистик педагогика;
- ривожлантирувчи – ривожлантирувчи фаолият;
- тарбияловчи – эркин тарбия;
- таълимий – муаммоли таълим¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги давр ўқитиш шакл ва методлари талабаларни эркин, ижодий фикрлашга, мустақил ишлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу жараёнда талабалар ижодий изланишда, муаммолар таҳлили остида унинг ечимини топишга интилади, гуруҳлар билан ишлаш жараёнида, талаба-талаба билан мулоқот орқали уларга биргаликда муаммолар ечими, таҳлил жараёни ва албатта баҳолашга замин яратилади.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортикча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида кўп натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муаян назарий билимларни таҳсил олувчиларга етказиб бериш, уларга маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш. талабалар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади. Замонавий технологиялар шахсга йўналганлиги билан ўзига хосдир. Ўқув жараёнида ўқувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий услубларнинг қўлланиши ўқувчиларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни ҳис қилиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг

¹ Пружинин Б.И. Прогностические функции педагогического исследования: философско-методологический анализ. Вопросы философии. №6, 2018. –С.5-18. <https://doi.org/10.7868/S0042874418060018>

асосийси, ўқишга, фанга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини ва шу ўринда устозларга бўлган хурматни оширишга хизмат қилади. Баъзи олимлар педагогик жараённинг самарали кечишида педагогик технологияларнинг ўрнини муҳим санасалар, баъзилар ўқитувчи ва технологияларнинг ҳамкорлиги самарани белгилайди, деб таъкидлайди. Умуман олганда, педагогик фаолиятда амалга оширилган кўп йиллик иш тажрибалари ва кузатишлар, ўқитувчи ҳамиша ўз устида ишлаши, билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириб бориши кераклигини кўрсатади. Ўқитувчи педагогик маҳоратининг доимо ўсиб бориши, ўқув жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш олишининг кучайиши унинг узок фаолияти жараёнида амалга ошади. Бу каби ҳолатлар эса бугунги куннинг энг долзарб мавзуларидан ҳисобланади.

Тадқиқотимиз доирасида, хусусан, ўқув жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилиш ҳолати ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида 2020 йил февраль-май ойларида республикамизнинг барча ҳудудларида жойлашган ОТМларида таълим соҳалари бўйича танлаб олинган жами 620 нафар талабадан социологик сўров ўтказилди (шундан 582 та сўров варақалари натижалари ҳаққоний деб баҳоланди) (4.1.1-расм).




4.1.1-расм. Респондентлар ОТМ кесимида.

Таълим соҳалари бўйича респондентлар қуйидаги нисбатни ташкил этди (4.1.2.-расм):



4.1.2.- расм. Таълим олиш соҳалари бўйича респондентлар нисбати.

Ўқув жараёнида интерфаол метод ва педагогик технологиялардан фойдаланиш танланган йўналиш ва мутахассисликка оид билимларни ўзлаштиришга қандай таъсир қилади, деган саволга қуйидагича натижалар олинди (4.1.3.-расм).



4.1.3.-расм. Талабаларнинг ўқув жараёнида интерфаол метод ва педагогик технологияларидан фойдаланишга муносабати.

Ушбу саволга берилган жавоб соҳада муайян камчилик ва муаммолар борлигини кўрсатмоқда: респондентларнинг 4 фоизи ўқув машғулотлари давомида интерфаол метод ва педагогик технологиялар мутахассисликка оид билимларни эгаллашга салбий таъсир қилади, чунки бу воситалар талабани асосий билимни олишидан кўра кераксиз нарсаларга вақт сарфлашига олиб келади деган жавобни белгилаган. 582 та талабага нисбатан 4 фоиз 23 та талабани ташкил этади. Талабаларнинг бу хулосага келишига бир нечта тахминий сабаблар мавжуд. Жумладан, - *биринчидан*, ўқув машғулотларида профессор-ўқитувчилар томонидан қўлланилган интерфаол метод ва педагогик технологияларнинг касбий малака ва кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи хусусиятлари талабага етарлича

мақсадга мувофиқ тушунтирилмаган. Бу эса, педагог-ўқитувчининг касбий маҳорати талаб даражасида эмаслигини билдиради.


- *иккинчидан*, ушбу жавобларни белгилаган талабаларнинг ўқув машғулотирига киришувчанлиги, ўзлаштириш фаоллигининг пастлиги ва профессор-ўқитувчи томонидан мақсадли қўлланилган илғор педагогик технологиялар моҳиятини тушуниб етмаганлиги билан ҳам алоқадор бўлиши мумкин.

- *учинчидан*, респондентлар томонидан жавоблар автоматик тарзда белгиланган бўлиши мумкин.

19,8 фоиз билан белгиланган “интерфаол метод ва технологиялар таълим сифатини ошишига ижобий таъсир қилади, бироқ ўқитувчиларнинг ўзлари бу воситалардан самарали фойдаланишда етарли тажриба ва маҳоратга эга эмас”, деган жавоб ҳам олий таълим тизимида жиддий муаммолар борлигини билдиради. Деярли 20 фоиз талабалар дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати талабга жавоб бермайди деган фикрни билдирмоқда.

72,2 фоиз респондентлар ўқув жараёнида интерфаол метод ва педагогик технологияларидан фойдаланиш мутахассисликка оид билим ва малакаларни ривожланишига “ижобий таъсир қилади, интерфаол метод ва технологиялар талабаларни ижодий, образли фикрлашга йўналтира олади”, - деган жавобни белгилаган. Бу кўрсаткич соҳада камчиликлар билан бирга ютуқлар борлигидан далолат беради.

Сиз таҳсил олаётган йўналишдаги мутахассислик фанларида педагогик технологияларни қўллаш даражасини қандай баҳолайсиз, деган саволларга респондентлар қуйидагича жавоб берган (4.1.4.-расм):



4.1.4.-расм. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш кўрсаткичи.


Мутахассислик фанларини ўқитишни ҳар тарафлама – ташкилий, ўқув-методик, илмий жиҳатдан юкори даражада олиб бориш ОТМнинг асосий вазифаларидан биридир. Бироқ шунга қарамай сўров натижаларида айрим ОТМ талабалари ўқув жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилишини кузатмаганлигини қайд этган (1,2 фоиз).

Шу билан бирга, педагогик технологияларнинг қўлланилиши паст даражада (10,5 фоиз) ва жавоб беришим кийин (9 фоиз) деган жавоблар ҳам айрим ОТМларда ўқув жараёнининг талаб даражасида ташкил этилмаётганлигини кўрсатади. Дарс машғулотирида педагогик технологияларнинг ўз ўрнида қўлланилиши кўп жиҳатдан профессор-ўқитувчининг касбий маҳорати, ўз соҳасининг илмий асосларини чуқур билиши билан боғлиқ. Ахборот коммуникация технологиялари, яъни аудиториянинг моддий-техник таъминоти

педагогик технологияларни қўллашнинг иккиламчи воситалари эканлигини ёдда тутиш лозим.

Респондентларнинг ярмидан кўпи мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик технологиялардан ўртача (26 фоиз) ва яхши (43 фоиз) фойдаланиладиган деган жавобни белгилаган. Умуман олганда, олий таълимда мутахассислик фанларини ўқитишни тўлиқ ҳажмда таълим соҳаси учун самарали бўлган таълим технологиялари асосида ташкил этиш лозим. Чунки юқорида келтирганимиздек, битирувчиларнинг яхши кадр бўлиши мутахассислик фанларига оид билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириши, касбий компетенцияларни мустақил ривожлантира олиши билан боғлиқ. Бу сифатлар бевосита маъруза, амалиёт, семинар, лаборатория машғулотида тўғри қўлланилган педагогик технологиялар асосида шаклланади.

ОТМ да таълим бериш даражасини яхшилаш учун қуйидагилардан қайси бирларини таклиф этасиз деган саволга қуйидагича жавоб берилган (4.1.5.-расм):



4.1.5.-расм. ОТМ да таълим бериш даражасини яхшилаш омиллари.

Юқоридаги натижалар сўров ўтказилган ОТМларда талабалар илмий манбалар, ўқув адабиётларига бўлган эҳтиёжнинг кондирини ҳамда ўқув жараёнига интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш механизмларини татбиқ этилишини таълим сифатини ошириш омиллари сифатида баҳоламоқдалар. Шунингдек, ўқув машғулотида тўғри қўлланилган педагогик технологиялар ҳам ўқитиш самардорлигини ошириш воситасидан бири деб эътироф этилган.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларнинг тадқиқотчилик малакаларини ривожлантиришда ўқув жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилиши бўйича халқаро замонавий тенденцияларнинг илгор хусусиятларини миллий таълим тизимига татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан,

– келажакда таълим субъектлари ўз-ўзини ривожлантиришга оғли ёндашишлари лозим (талаба илм ва касб ўрганиш – ўзи учун зарур эканлигини англаб етмагунча тизимда ижобий ўзгаришлар содир бўлмайди);

– узлуксиз таълимнинг барча босқичларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг самарали педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш компетенцияларини таъминлаш лозим; замон талабларига жавоб бера оладиган даражага кўтариш лозим;

– ўқув жараёнини ташкил этишда талабаларнинг мустақил таълим машғулотларини бажаришнинг ахборот-методик таъминотини кечиктирмасдан талаб даражасида ташкил этиш зарур.

Умуман олганда, Ўзбекистонда олий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилишда илгор педагогик технологияларни амалиётга кенг ва самарали татбиқ қилишни кучайтириш давр талабидир.

4.2. Олий таълим ўқув жараёнида АКТ ва унинг таълим сифатига таъсири

Ахборотлашган замоннинг шиддатли ўзгаришлари жамиятнинг бошқа тизимлари қатори олий таълим тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Маълумки, талаб юқори бўлган мутахассисларни етиштириш, фан-техника тараққиётига мос равишда малакали кадрлар тайёрлаш – олий таълимнинг муҳим вазифаларидандир. Сўнги йилларда бу борада республикамизда қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Таълим қонунчилигида олий таълимнинг замонавий трендларидан ортда қолмаслик, ўқитиш сифати ва битирувчилар профессионал малакаларини ошириш мақсадида бир нечта қарор ва фармонлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қароридан инновацион ва технологик ғояларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг инновацион технологияларни яратиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш; ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташкил этиш вазифаларига эътибор қаратилган¹.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

¹ Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.06.2018 йилдаги ПҚ-3775-сон қарори <https://lex.uz/docs/3765586>

ПҚ-4358-сонли Қароридан ҳам олий таълим муассасасида илмий ва маъмурий фаолиятнинг ягона ахборот маконини яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини жиҳозлаш, контент билан тўлдириш масалаларига тўхталиб ўтилган¹. 2019 йилда олий таълим тизимига оид қабул қилинган ҳужжатлардан яна бир муҳими бу – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони² бўлиб, унда олий таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш тизимни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қайд этилган. Бир сўз билан айтганда, олий таълим тизимига ахборот коммуникация технологияларини мақсадли татбиқ қилиш, шу орқали таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ долзарб бўлиб турибди.

XXI аср – IT – Information Technology асри деб эътироф этилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг таълим тизимига кириб келиши глобал дунёда ахборотлашиш ва компьютерлашишнинг ортиши билан боғлиқ. Бу жараён фан кашфиётлари бўлмиш – интернет ва у орқали амалга ошадиган оммавий очиқ таълим ресурслари (MOOC), масофали таълим, ижтимоий тармоқлар ва бошқа воситалар билан инсонларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бугунги кунда анъанавий таълимнинг кўплаб муаммоларига масофали таълим, онлайн курслар, мобиль, электрон таълим манбалари ечим олиб бермоқда. Бу ҳақда дунё эътироф этган айрим олим-тадқиқотчиларнинг илмий натижаларини келтириб ўтиш ўринли. Дэвид Франклин Нобл фан, таълим ва технология тарихчиси

¹ 2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.06.2019 йилдаги ПҚ-4358-сонли Қарори <https://lex.uz/ru/docs/4380624>

² Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сонли Фармони <https://lex.uz/ru/docs/4545884>

сифатида масофали таълим имкониятлари, унинг ютуқ ва камчиликларини тадқиқ этган¹.

Ракамли иқтисодиёт ва илм-фан тараккиётининг бир-бирига боғлиқлиги ва унинг ривожланиши ҳозирги кунда канчалик муҳим эканлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлисга мурожаатномасида ҳам таъкидланди².

Яна бир технолог олим Боб Джонстон фан-техника тараккиёти бўлган ҳар қандай натижаларга чеклов қўйиш эмас, балки улардан самарали фойдаланиш лозим³, дейди. Унинг асосий ғояси – замонавий таълим ёшларнинг ИТ технологияларига кизиқишини тўсиши керак эмас, балки уларга бу воситалардан рационал фойдаланишни ўргатиши мақсадга мувофиқ эканлигида намоён бўлади. Биз ҳам Боб Джонстоннинг ёндашувини қўллаб-қувватлаймиз. Чунки ёшлар замон янгиликлари, ютуқлари воситасида ўзларининг ҳаётий мақсад ва позицияларини белгилайди. Фан, илм орқали ўз ҳаётларини яратди.

Ракамли дунёнинг энг йирик вакиллари Стив Джобс ва Марк Цукерберг ҳаётида ИТ технологияларнинг ўрни, инсон капитали орқали бизнесни йўлга қўйиш имкониятлари ва бунда таълимнинг аҳамияти ҳақида Брайан Дирнинг “Дўстона сабзиранг” асарида келтирилган⁴.

Ахборот-коммуникация технологияларининг таълим олишдаги аҳамияти, уларнинг илмий изланишлар самарадорлигини оширишдаги ўрни, олий таълимда АКТнинг янги педагогик технологиялар билан бирга қўлланилишидаги имкониятлар, камчиликлар ва

¹ David F. Noble. Digital diploma mills: The automation of higher education. New York, Monthly Review Press, 2001, ISBN 978-1-58367-061-3, LCCN 2001057931; David F. Noble. America Design By: Science, technology, and the growth of corporate capitalism. -New York, Knopf, 1977, ISBN 978-0-394-49983-3, LCCN 76047928

² David F. Noble. Digital diploma mills: The automation of higher education. New York, Monthly Review Press, 2001, ISBN 978-1-58367-061-3, LCCN 2001057931

³ Bob Johnstone Never Mind the Laptops. Kids, Computers, and the Transformation of Learning. Publication Date: 8/17/2003. - page count: 360. ISBN: 9780595288427. <https://www.iuniverse.com/BookStore/BookDetails/117683-Never-Mind-the-Laptops>

⁴ Brian Dear The friendly orange glow. The untold story of the rise of cyberculture. Oct 02, 2018 | ISBN 9781101973639. <https://www.amazon.com/Friendly-Orange-Glow-Untold-Cyberculture-ebook/dp/B06W9N6F5R>

ютуқлар таҳлили Б.Н.Киреев¹, А.Готлиб², Л.Н.Рулине³, К.Ратхесвари⁴, А.Сурьяни⁵, А.Сангра ва М.Гонсалес-Санмамед⁶, Ж.Лоуренс ва А.Усман Тар⁷, К.Макнайт, К.О'Мэлли, Р.Рузич, М.К.Хорели, Джон Дж.Фрэнни ва К.Бассетт⁸, А.Аскарров⁹ каби тадқиқотчиларнинг мақолаларида ўрганилган. Ҳар қандай юқори технологиянинг мавжудлиги агар унга онгли (мақсадли) ёндашилмаса давр учун керакли шахсни тарбиялай олишга ҳисса қўша олмаслигини таъкидлаймиз. Инсонлар ахборот-коммуникация технологияларининг мақсадга эришиш йўлидаги восита эканлигини доим эътиборда тутишлари лозим.

Ижтимоий тузилмаларда АКТни қўллаш бўйича жаҳон тажрибаси ҳақида сўз кетганда 2005 йилдан буён ҳар йил якунида бутун дунёда электралоқалар (АКТ)дан фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиб борувчи Бутунжаҳон телекоммуникациялари (АКТ) индикаторлари Симпозиуми (World telecommunication/ICT indicators symposium (WTIS))¹⁰ фаолияти ҳақида тўхталиб ўтиш

¹ Киреев Б.Н. Использование e-Learning при подготовке педагогических кадров // Высшее образование в России. 2016. №2 (198). С. 148–154.

² Готлиб А. Сможет ли онлайн-образование стать альтернативой традиционному университету // Вестник СамГУ. 2015. №1 (123) – С. 15-22.

³ Ruliene L.N. Blended learning as an instrument of lifelong education <https://cyberleninka.ru/article/n/blended-learning-as-an-instrument-of-lifelong-education/viewer>

⁴ Ratheeswari K. Information Communication Technology in Education // Journal of Applied and Advanced Research. 2018/05/10. VL-3. DOI-10.21839/jaar.2018.v3iS1.169. https://www.researchgate.net/scientific-contributions/2142402182_K_Ratheeswari

⁵ Suryani Adi ICT in education: its benefits, difficulties, and organizational development issues // Jurnal Sosial Humaniora. 2010/11/02. VL-3. DOI - 10.12962/j24433527.v3i2.643

⁶ https://www.researchgate.net/publication/316924509 ICT_IN_EDUCATION_ITS_BENEFITS_DIFFICULTIES_AND_ORGANIZATIONAL_DEVELOPMENT_ISSUES

⁷ Albert Sangrà & Mercedes González-Sanmamed (2010) The role of information and communication technologies in improving teaching and learning processes in primary and secondary schools, ALT-J, 18:3, 207-220, DOI: 10.1080/09687769.2010.529108

⁸ Japhet E. Lawrence, Usman A. Tar Factors that influence teachers' adoption and integration of ICT in teaching/learning process // Educational Media International. February 2018, 55(4):1-27. DOI: 10.1080/09523987.2018.1439712

⁹ McKnight, Katherine; O'Malley, Kimberly; Ruzic, Roxanne; Horsley, Maria Kelly; Franey, John J.; Bassett, Katherine Teaching in a Digital Age: How Educators Use Technology to Improve Student Learning // Journal of Research on Technology in Education, v48 n3 p194-211 2016. DOI: 10.1080/15391523.2016.1175856

¹⁰ <https://eric.ed.gov/?id=EJ1103482>

Askarov A. Monitoring: Predictions of the Effectiveness of Educational Processes in Higher Educational Institutions // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE). 2019/11/2. V. 9, Issue-1. Стр. 768-774.

¹¹ Measuring the Information Society Report 2018 – Volume 1. <https://www.itu.int/en/ITU-D/Statistics/Pages/events/wtis2018/default.aspx>

мухим. Симпозиумнинг асосий мақсади – бутун дунёда электр алоқаларнинг барча турларини таъминлашга хизмат қиладиган АКТдан фойдаланиш рейтингини аниқлашдан иборат. Тадқиқот натижалари географик ҳудудлар кесимида ўрганилган бўлиб унга кўра 2018 йил охирида келиб дунё аҳолисининг 51.5 фоизи, яъни 3.9 миллион киши интернетдан фойдаланган¹. Симпозиум хулосаларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳага АКТни татбиқ этилиши бўйича рақамлар келтирилган. Рақамлар юртимизда АКТдан фойдаланиш имкониятлари ўсаётганлигини, бироқ бошқа ривожланаётган давлатларга нисбатан бу ўсишнинг анча пастлигини кўрсатмоқда². Бу кўрсаткичларнинг талаб даражасида эмаслигига таъсир этувчи бир қанча омиллар мавжуд. Чунки, республикада интернет тезлиги, нархи ва бошқа муҳим хусусиятлари талаб даражасида эмас. Бу эса, молиявий имкониятлар, мавжуд моддий-техник қурилмаларнинг сифати ва сони аҳоли эҳтиёжлари, замон талабларига жавоб бера олмаётганлигига бориб тақалади. Шунга қарамай, таълимга АКТни татбиқ қилиш имкониятларини кенгайтириш ва оммалаштириш давом этмоқда.

Олий таълим ўқув жараёнини ташкил этиш, хусусан, талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини самарали ташкил этишда АКТ компетенциялари ва илғор педагогика технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, «blended learning», «flipped classroom» технологиялари ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари бўлиб, унда талабанинг креатив ва тизимли фикрлаш, мустақил қарор қабул қила олиш, илмий фаолиятни ташкил этишга оид кўникма ва малакаларни шакллантирувчи жиҳатлар мавжуд. Шу билан бирга, ўқитишнинг бу шаклларида мустақил таълимга асосланган бўлиб, унда шахсни ўз-ўзини ташкиллаштира олиш, ривожланишдан тўхтамаслик, мақсадларини аниқ белгилаш.

¹ Measuring the Information Society Report 2018 – Volume 1. <https://www.itu.int/en/ITU-D/Statistics/Pages/events/wtis2018/default.aspx>, Б.1.

² Measuring the Information Society Report 2018 – Volume 1. <https://www.itu.int/en/ITU-D/Statistics/Pages/events/wtis2018/default.aspx>, Б.109.

истикқолини кўра олиш кўникмаларини шакллантиради. Ривожланишнинг ҳозирги тенденциялари инсоннинг узлуксиз таълим (Lifelonging education) олишини талаб қилмоқда. Бу учун инсон-тадқиқотчи бўлиши лозим. XXI асрдаги тадқиқотчиликнинг муҳим хусусиятлари қуйидагиларга намоён бўлади:

- ахборотни яратиш;
- ахборотни кидириш;
- ахборотни саралаш;
- ахборотни ўзлаштириш.

Юқоридаги «blended learning», «flipped classroom» технологияларининг тўғри ва ўз ўрнида қўлланилиши олий таълим субъектларини айнан малака ва кўникмаларини шакллантиришга, ривожлантиришга хизмат қилади. Бу технологиялар АКТсиз амалга ошмайди. Шу жиҳатдан ҳам, олий таълимда профессор-ўқитувчи ва талабанинг АКТ компетенцияси алоҳида ўринга эга.

Аралаш таълим – blended learning кўп қиррали таълим тизими бўлиб, ўқув тажрибаси самарадорлигини оширади. Аралаш таълим бу - анъанавий, масофавий ва инертив таълимнинг биргаликда олиб борилишидир. Айниқса пандемиядан сўнг аралаш таълим таълимнинг барча босқичларида оммалашди. Сўнгги йилларда blended learning олий таълим муассасаларида ҳам кенг тарқалди¹.

Аралаш таълимдан фойдаланиш жараёни ўқитувчилардан кўплаб омилларни ҳисобга олишни талаб қилади. Бунда ўқув контентларининг рақамлаштирилган платформаси, баҳолаш тизимининг шаффофлиги ва инсон омилига боғлиқ эмаслиги ҳам таълим сифатини ошишига таъсир қилади. Ўзбекистонда ҳам айрим ОТМларда аралаш таълим йўлга қўйилган, масалан, Тошкент давлат юридик университетида магистратура босқичи ўқув жараёни айнан шу шаклда олиб борилади.

¹ Garrison, D.R., & Vaughan, N.D. (2007). *Blended learning in higher education: Framework, principles, and guidelines*. San Francisco, CA: Jossey-Bass.

Ўқитишнинг blended learning шаклида самарали натижага эришиш омиллари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- талабаларнинг ўқув мақсадларига эгаллиги;
- ўқитувчиларнинг самарали ўқитиш услубига эгаллиги;
- шахсга йўналтирилган таълим;
- баҳолаш стратегиясининг мукамаллиги ва ҳоказо.

Жаҳон тажрибаси blended learning методик ютуқлари ва афзалликлари сифатида куйидагиларни эътироф этади:

- дарс жадвалларининг қулайлиги;
- мослашувчан ўқув режа;
- таълим харажатларининг нисбатан камлиги;
- ўқув ресурсларидан кунига 24 соат фойдаланиш имкони ва ҳоказо.

Умуман олганда, биз аралаш таълим шаклини республикамизнинг барча ОТМларида самарали қўллашни таклиф қиламиз. Аввало, бу таълим ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларни ижросини таъминлашга хизмат қилса, иккинчи томондан таълим сифати, битирувчилар малакасини ошишига ижобий таъсир қилади.

Ахборот коммуникация технологияларининг ривожини электрон таълимнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Электрон таълим (инглизча Electronic Learning, қисқача E-Learning) – ахборот ва электрон технологиялари воситасида таълим олиш демакдир. ЮНЕСКО электрон таълимга куйидагича таъриф беради: E-Learning – интернет ва мультимедиа ёрдамида таълим олишдир.

- Электрон таълим олиш куйидагиларни камраб олади: телевизор, DVD, мобиль телефон, шахсий компьютер ва бошқа воситалардаги электрон материаллар билан мустақил ишлаш;
- масофавий мулоқотга киришиб ҳудудий (минтақавий) жиҳатдан узоқда жойлашган эксперт (ўқитувчи)лардан маслаҳат-йўналиш ва баҳо олиш;

• виртуал таълим олиш фаолиятини йўлга қўйган ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилар жамоаларини яратиш;


• электрон ўқув материалларини ўз вақтида ва кун давомида етказиб бера олиш (электрон ўқув материаллари стандартлари, масофадан ўқитишнинг махсус воситалари) ва ҳоказо.

Сўнгги йилларда таълим тизимига АКТ ва инновацион ёндашувларни татбиқ қилиш бўйича республикамизда ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадқиқотимизнинг дастлабки боскичида – 2020 йил февраль-май ойларида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида жами 23 ОТМ да илғор педагогик ва замонавий АКТдан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказилди. Сўровномада 632 та профессор-ўқитувчи 921 та талаба жами 1553 та респондент иштирок этди. Профессор-ўқитувчилар орасида олинган сўровларда респондентларнинг лавозимлар бўйича кўрсаткичлари куйидагича намоён бўлади (4.2.1.-расм):



4.2.1-расм. Респондентларнинг лавозим бўйича кўрсаткичлари.

Ҳудудий ОТМларда интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари бўйича берилган саволга жавоб кўрсаткичлари куйидагича (4.2.2.-расм):



4.2.2.-расм. Интернетдан фойдаланиш имконияти.

Юқоридаги натижаларга кўра олий таълимда илғор рақамли технологияларни татбиқ этиш имкониятини ошириш – тизимдаги муҳим вазифалардан эканлиги аён бўлмоқда.

Тадқиқот натижалари таҳлили олий таълим ўқув жараёнида АКТларни қўллаш самарадорлигини оширишда асосан қуйидаги иккита – субъектив ва объектив омил билан боғлиқ **муаммолар** мавжудлиги аниқланди:

– *биринчидан*, сўров ўтказилган ОТМларда ўқув машғулотларида АКТлардан талаб даражасида фойдаланмайдиган, АКТ имкониятларини етарлича тушунмайдиган профессор-ўқитувчилар кам фоизда бўлса-да, фаолият юритмоқда. Таъкидлаш лозимки, уларда бу тўсик (камчилик) ни бартараф этишга ОТМ томонидан рағбат мавжуд эмас, ҳаракат қилиш учун мотивация йўқ (субъектив омил);

– *иккинчидан*, ОТМларда АКТдан фойдаланиш имконияти етарли даражада эмас, моддий-техник база талабга жавоб бермайди (объектив омил).

Умуман олганда, илм-фан, таълимга АКТни татбиқ қилиш доирасини кенгайтириш – давр талаби. Айниқса, илмий-тадқиқот

фаолияти олиб бориш бугунги кунда тўлиқ АКТ воситаларига таянади, десак хато бўлмайди. Бутунжаҳон экспертларининг эътирофича, истиқболда ИТ мутахассисларига эҳтиёж ортиб боради. Шу боис, ҳам давлатимиз раҳбари 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис Мурожаатномасида “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини амалга ошириш таклифини илгари сурди¹. Шундай экан, биз ҳам жаҳон таракқиётдан узилмаган ҳолда, мавжуд камчилик ва тўсикларга қарамасдан АКТни татбиқ этиш орқали талаб юқори бўлган малакали кадрлар етиштиришга ҳаракат қилишимиз керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини самарали ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

– таълим олиш, касб-хунар ўрганиш йўлида замон билан бирга қадам ташлаш, техноген ютуқлардан ортада қолмасликни таъминлаш учун юртимизнинг барча фуқароларида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш компетенцияларини оммавий ривожлантириш зарур;

– республикамиздаги ҳар бир оилада камида биттадан ноутбук бўлишига эришиш лозим. Бу таклиф биринчи келтирилган таклифимизнинг амалга ошишига замин яратади. Ота-оналарнинг ушбу ишни амалга оширишда масъулиятларини ҳис этадиган вақтлари келди деб ўйлаймиз. Зеро, таълим, билим олишга сарфланган инвестиция ҳар доим ўзини оқлайди;

– олий таълим тизимида илмий-педагогик фаолият олиб бораётган намунали профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, хусусан, таълим беришдаги инновацион ёндашувлари, ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш; шундай иқтидор кузатилганда уларга ўқув машғулотларини ташкил этишда эркинлик бериш; юқори натижадорлик кузатилганда рағбатлаштиришни жорий этиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 24.01.2020 йил <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliv-25-01-2020>

- ҳар бир олий таълим муассасалари (чекка ҳудудлардаги филиаллар ҳам) ички имкониятларидан келиб чиқиб ўқув жараёнини ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг самарали усул ва воситаларини амалиётга татбиқ этишни йўлга қўйиш лозим. Бунда ёш, изланувчи-тадқиқотчилар учун локал муаммоларни ечишга қаратилган стартап, инновацион лойиҳалар танлови каби тадбирларни мунтазам ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлашни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

4.3. Тадқиқот фаолияти самардорлигини оширишда илмий платформаларнинг ўрни

Олий таълим ўқув жараёнида талабаларни илмий-тадқиқотга йўналтириш, илмий фаолиятни самарали ташкил қилишнинг кўплаб самарали ёндашув ва механизмлари мавжуд. Олиб борган изланишларимиз асосида биз уларни мазмун ва ташкилий жиҳатлардан қуйидаги омилларга таянганини кузатдик:

– *биринчиси*, таълим мазмунига қараб мўлжал олувчи шахсга йўналтирилган ўқув дастурлари;

– *иккинчиси*, илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, олиб бориш, манбалардан фойдаланиш, тадқиқот натижаларини оммалаштириш билан боғлиқ рақамли платформалар.

Келтирилган иккала омил бир-бирини тўлдиради ва тақозо этади. Масалан, шахсга йўналтирилган ўқув дастури асосида таҳсил олаётган талабаларнинг илмий база ва кутубхоналардан фойдалана олиш, халқаро фанметрик платформалардан рўйхатдан ўтиш, ташкилот доменда аккаунт очиш, илмий натижаларни оммалаштириш каби яхлит илмий фаолият муҳитини яратади. Кузатишларимиз асосида мавзуга оид бир масалани айтиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз – афсуски, республикамизнинг аксарият ОТМлари талабалар учун очиб берилган (HEMIS платформасидан ёки ОТМ сайтдан фойдаланиш ва бошқа мақсадларда) электрон

почталаридан деярли фойдаланмайди. Чунки уларга ОТМ доменда очилган электрон почтадан қайси мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги айтилмаган. Бу эса, жуда катта илмий-тадқиқот билан боғлиқ имкониятларни чеклайди. Биз қуйида нафақат талабалар, балки барча изланувчилар учун ҳудудимизда кенг оммалашган айрим илмий базалар ва ижтимоий тармоқлар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Илмий фаолият натижаларининг электрон платформалар орқали оммалаштириши бугунги кун учун янгилик эмас. Йирик фанметрик базалар сифатида Scopus, Web of Science каби платформалар эътироф этилса, ResearchGate, Academia.edu, Mendeley каби олимларнинг илмий ҳамкорликни билвосита муҳокамалар орқали ташкил этиш имконини берувчи илмий-ижтимоий платформалардир. Бу қаторда минтақамиздаги энг йирик илмий ишлар қидирув тизими ҳисобланган Google Scholar ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Google Scholar (scholar.google.com) — барча йўналишлардаги очик илмий нашрларни ўзида жамлаган бепул қидирув тизими. Фаолиятини 2004 йил ноябрь ойидан бошлаган бўлса-да, ҳозиргача сайт бета-версияда фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда Google Scholar Европа ва Американинг нуфузли йирик нашриётлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, нашр қилинган мақолаларни рўйхатдан ўтказиш ва тўлиқ ҳажмда тақдим этиш хусусиятига кўра Scopus ва Web of Science га ўхшайди. Мутахассислар томонидан платформанинг ишлаш функцияси Scirus, CiteSeerX ва GetCITED сайтларига ўхшаш эканлиги қайд этилган¹. Google Scholar нинг реклама шиори сифатида Исаак Нютоннинг машҳур «девларнинг елкасида туриб (*standing on the shoulders of giants*)» афоризми олинган. Маълумотларга қараганда, у ўзи эришган илмий ютуқлар сабабини сўрашганда: “Мен девларнинг елкасида турганим учун бошқалардан узоқроқни кўра олганман”, дея жавоб берган экан.

¹ <https://scholar.google.co.uk/intl/en/scholar/help.html>

Фойдаланувчилар Google Scholar каби Scopus, Web of Science платформалари йирик хажмдаги илмий маълумотларни ўзида жамлаган кулай адаптив интрефейсга эга кидирув тизимлари эканлигини яхши билишади. Аввало, Scopus ҳақида тўхталсак. *Scopus (scopus.com)* – дунёдаги энг йирик илмий адабиётларни жамлаган маълумотлар базаларидан бири. У ўзида табиий, ижтимоий-гуманитар, техника, тиббиёт ва санъат йўналишларига оид 41 500 дан ортик 7000 та халқаро нашриётлар таркибига кирувчи даврий нашрларни жамлаган. Scopusни мутахассислар илмий-тадқиқот натижаларининг сифатини қатъий стандартлар асосида сақлаган ҳолда мунтазам равишда маълумотларни бойитиб, уларни фойдаланувчилар ва муаллифлар учун кулай такдим эта оладиган платформа сифатида эътироф этади¹. Scopus маълумотларининг сифати етакчи университетлар ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан кўп йиллар давомида эътироф этиб келинмоқда. Шу боис ҳам халқаро рейтинг ташкилотлари QS World University Rankings², Financial Times ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари кўрсаткичларини айнан Scopus базасидан олади.

Web of Science (clarivate.com/webofsciencelgroup/solutions/web-of-science/) – энг қадимги (архив маълумотлари 1980 йилдан бошлаб сақланиб келинмоқда) халқаро библиометрик платформа ҳисобланади. Web of Science гуманитар, табиий фанлар ва техник соҳаларда олимлар томонидан ёзилган ва етакчи халқаро журналларда чоп этилган 50 миллиондан ортик илмий мақолаларни ўзида жамлаган. У 33 мингга яқин халқаро журналларни, рус тилидаги икки ярим мингдан ортик журналларни ўз ичига олади. Шунингдек, Web of Scienceда муаллифлар, иқтибослар даражаси ҳамда муассасалар ҳақида маълумотлар мавжуд. Қидирув кулайлиги учун фойдаланувчилар маълумотларни муаллиф, илмий ташкилот, мамлакат, нашр, мавзу тоифалари бўйича филтрлашлари

¹ Клочков В. П., Додуева С. Ж., Богодухова Е. Е. Оценка научных исследований на базе цифровой платформы [Scopus] // Человек и его ценности в современном мире. – 2020. – С. 25-34.
² <https://www.topuniversities.com/>

мумкин (худди Scopus даги каби). Мазкур платформадаги маълумотлар ҳар ҳафта янгиланиб борилади¹.

Келтириб ўтилган платформаларнинг ўхшаш функциялари кўп, улар орасида энг умумий ва муҳимлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- кулай кидирув имкониятининг мавжудлиги;
- ишончли нашрлардаги илмий ишларнинг глобал миқёсда оммалашуви;
- илмий-тадқиқот натижаларини мониторингини амалга ошириш мумкинлиги (Хирше ва бошқа индекслар асосида);
- илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга хизмат қилиши;
- олимлар, ташкилотлар, давлатлараро миқёсда илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятининг мавжудлиги ва ҳоказо.

Инсоният қўлга киритган барча тажрибалар ҳаётни фаровонлаштириш ва муаммоларга ечим топишда илм-фандан самаралироқ восита йўқлигини кўрсатмоқда. Сўнгги чорак асрдаги рақамлаштириш ҳозирги кунга келиб глобал тус олди. Бу ҳолат илм-фанда ҳам акс этмоқда. Виртуал ва электрон кутубхоналар, илмий маълумотлар базалари шулар жумласидандир. Ҳозирги кунга келиб, юзлаб илмий платформалар тадқиқотчиларга хизмат кўрсатмоқда. Улардан бири ResearchGate илмий-ижтимоий платформасидир. ResearchGate – бу олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ёзилган илмий ишларнинг кенг ўқувчилар оммаси билан бўлишиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, савол-жавоблар ўтказиш ҳамда илмий ҳамкорларни топиш учун ташкил этилган². Платформа илмий-тадқиқот натижаларининг оммалашуви, илмий ҳамкорликнинг ривожланишига ҳисса қўшади. Шу билан бирга, сайтда

¹ Что лучше Scopus или Web of Science? (internauka.org)

² Nicholas D., Clark D., Herman E. ResearchGate: reputation uncovered // Learned Publishing. – 2016. – Т. 29. – №. 3. – С. 173-182.

илмий-тадқиқот фаолиятини кўрсаткичлар кесимида баҳолаш, мониторинг қилиш имконияти мавжуд¹.

Сўнги йилларда илмий натижаларни оммалаштириш, олимлар ва талабалар академик мобиллигини ошириш масаласи республикада илмий сиёсатнинг устувор вазифалари сифатида қайд этилмоқда². Шу боисдан тадқиқотимизда илмий фаолият натижадорлиги кўрсаткичларини оширишга хизмат қилувчи ResearchGate платформасининг мазмунини кенгрок ёритиш билан бирга, олим-тадқиқотчилар учун фойдали жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Юкоридаги платформалардан ResearchGate – юкорида айтиб ўтганимиздек ижтимоий тармоқ эканлиги билан фаркланади. Яъни ResearchGate (<https://www.researchgate.com>) – бу олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ёзилган мақолаларни кенг ўқувчилар оммаси билан бўлишиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, савол-жавоблар ўтказиш ҳамда ҳамкорларни топиш учун ташкил этилган фойдали ижтимоий тармоқ³. Унга 2008 йилда асос солинган. 2014 йилда *Nature* тадқиқот маркази томонидан ўтказилган илмий изланишлар ҳамда *Times Higher Education* журналида чоп этилган мақолада берилган маълумотлар шуни кўрсатади-ки, ResearchGate фаол фойдаланувчилар бўйича энг катта академик ижтимоий тармоқ ҳисобланади⁴.

Сайтда жойланган мақолаларни ўқиш учун рўйхатдан ўтиш талаб қилмаса-да, унга аъзо бўлишни хоҳловчилар шахсий аккаунт очган ҳолда рўйхатдан ўтиш учун муайян илмий муассаса ёки ташкилот домендаги электрон почта манзилига эга бўлиши ва тадқиқотчи сифатида чоп этилган илмий иши мавжудлиги тасдиқланиши керак.

¹ <https://www.researchgate.net/>

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 08.10.2019. <https://lex.uz/docs/4545884>

³ <https://www.researchgate.net/press>

⁴ Innovations in Scholarly Communication. 2016. Universiteit Utrecht, accessed 2016-12-02

Сайт аъзоларининг ҳар бирида фойдаланувчи профили мавжуд ва улар тадқиқот натижаларини, жумладан мақолалар, маълумотлар, лойиҳалар, саволлар ва жавоблар, тақризлар, тадқиқот таклифлари, усуллари, тақдимотлар ва дастурий таъминот манба кодини юклаш имкониятига эга.

Шунингдек, сайтдан фойдаланувчилар, бошқа муаллифларнинг фаолиятини кузатиши ва улар билан маълум бир мавзу хусусида муҳокама қилишлари мумкин. Фойдаланувчилар, ўз навбатида, бошқа фойдаланувчилар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш билан бирга, ҳам блоклашлари мумкин.

ResearchGate ижтимоий тармоғининг бошқа илмий маълумотлар базаларидан фарқли жиҳатлари кўп. Улардан бири сайтга нафақат нашр қилинган илмий ишлар, балки коралама тадқиқот натижалари, патент, муаллифлик гувномалари, тақдимотлар, плакат ва бошқа ҳужжатларни ҳам юклаш мумкин. Сайтга юкланган коралама ишланмаларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари бор. Ижобий жиҳат шунда кўринадики, юкланган илмий ғояларнинг кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилганлиги учун муҳокамалар орқали такомиллашиб бориши мумкин. Салбий жиҳати сайтда илмий киймати юкори бўлмаган маълумотларнинг кўпайиб кетиши билан изоҳланади.

Тадқиқотчилар томонидан ўрганилган маълумотлар шуни кўрсатадики, фойдаланувчиларнинг шахсий аккаунтга истаган маълумотларни юклаш имконияти муаллифлик ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлган – бу ҳолат асл муаллифларнинг сайтга илмий ишларнинг нашриёт версиясини юклаганидан кейин намоён бўлган¹.

Сайтдан фойдаланувчилар шахсий профилларидан ўз тадқиқотларига қизиқувчиларни кўриши ва шу билан бирга, у кузатаётган профиллар рўйхати ҳам бериб борилади.

¹ Jamali, H.R. Copyright compliance and infringement in ResearchGate full-text journal articles. *Scientometrics* 112, 241–254 (2017). <https://doi.org/10.1007/s11192-017-2291-4>

Сайтда фойдаланувчилар томонидан кўриб чиқилган мақолаларга қисқача шарҳлар ёзиш учун блог юритиш функцияси ҳам мавжуд. Бу хусусият илмий мавзуларда муҳокамалар ташкил қилиш, илмий ҳамкорликни ривожлантириш учун яхши имконият. Шу билан бирга, *ResearchGate* аъзоларга ўзаро бир хил қизиқишларга эга бўлган фойдаланувчилар билан боғланишни таклиф қилиш мақсадида фойдаланувчи профилида келтирилган маълумотлар бошқа фойдаланувчилар ойнасида бериб боради.

Фойдаланувчи муайян мавзу борасида саволни сайтга жойлаштирганда, фойдаланувчи профилида айна шу мавзу бўйича тегишли тажрибага эга бўлган сайт аъзоларига ҳам айна ўша савол юборилади. Шунингдек, сайтдан фойдаланувчилар ўзаро маълумотларни алмашиши, умумий ҳужжатларни тахрирлаши ёки шахсий мавзуларни муҳокама қилиши учун шахсий чат хоналарида хабар ёзиш имкониятлари мавжуд (<https://www.researchgate.net/messages>).

Шу билан биргаликда, сайтда *ResearchGate* дан рўйхатдан ўтган ташкилотлардаги бўш иш ўринларига эълонлар бериб борилади. Бу ҳар бир тадқиқотчига ўз илмий карьерасини ривожлантириш имконини бериш билан бир қаторда, илм-фан ривожининг шаффоф тарзда йўлга қўйилганлининг ҳам белгисидир (<https://www.researchgate.net/jobs?page=1®ions>).

ResearchGate сайтининг ҳозирда 20 миллионга яқин фойдаланувчиси бор, унинг энг катта фойдаланувчи базалари Европа ва Шимолий Америка худудидан эканлиги келтириб ўтилган¹. *ResearchGate* ўзининг кенг камровли тармогида муҳандислик, информатика, қишлоқ хўжалиги фанлари, тиббиёт, психология ва бошқа соҳалар иштирокчилари бор. Фойдаланувчилар ичида тиббиёт ва биология соҳалари билан шуғулланадиганлар кўпчиликти ташкил этади.

¹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/ResearchGate>

ResearchGate да муаллифлик даражасидаги кўрсаткич "**RG Score**" кўринишида нашр этилади ва айтиб ўтиш керак-ки, бу балл иктибос таъсири билан ўлчанмайди. **RG** баллари муаллиф даражасидаги мавжуд кўрсаткичлар билан боғлиқ (<https://www.researchgate.net/application.researchInterest>). Бирок сайт 2022 йил июль ойидан **RG Score** ни бекор қилиниши сабаблари ҳақида хабар эълон қилган, бу ҳақда қаранг: (<https://www.researchgate.net/researchgate-updates/removing-the-rg-score>).

Яна бир муҳим жиҳатни айтиб ўтиш лозим – *ResearchGate* сайтига маълумотлар қўшиш, илмий натижаларни киритиш кабилардан тўлов олинмайди.

ResearchGate 2008 йилда компаниянинг бош директори бўлиб келаётган вирусолог доктор Ижад Мадиш томонидан шифокор доктор Сёрен Хофмаер ва дастурчи олим Ҳорст Фиккенсчер билан биргаликда асос солинган. Сайтнинг ташкилий ишлари Массачусетс штатининг Бостон шаҳрида бошланган ва кўп ўтмай Берлинга (Германия) кўчиб ўтди.

2010 йилда компанияни молиялаштиришнинг биринчи босқичи *Benchmark* инвестицион капитал фирмаси томонидан амалга оширилди. *Benchmark* ҳамкори Метт Колер бошқарув кенгаши аъзосига айланади ва ишларни Берлинга кўчириб ўтказиш бўйича қабул қилинган қарорида иштирок этди. *The New York Times* газетасининг ёзишича, аввалига веб-сайт бир нечта функциялар билан бошланган, сўнгра олимларнинг фикр-мулоҳазалари асосида кўшимча вазифалар ишлаб чиқилган. 2009 йилдан 2011 йилгача сайт фойдаланувчилари сони 25 000 дан 1 миллиондан ошди¹.

Сайт мунтазам такомиллаштириб борилади. Питер Тиелнинг асосчилар жамғармаси (Peter Thiel's Founders Fund)

¹ <https://star-wiki.ru/wiki/ResearchGate>

бошчилигидаги сайтни моддий жихатдан молиялаштиришнинг иккинчи босқичи 2012 йил февраль ойида эълон қилинди. Сайтни такомиллаштириш бўйича компанияда 2011 йилдаги 12 нафар ходимдан 2014 йилда 120 нафарга кўлайди. Ҳозирда унинг 300 нафарга яқин ходими, жумладан, 100 нафар савдо ишчиси ишлайди.

ResearchGate тармоғининг рақобатчилари қаторига *Academia.edu*, *Google Scholar* ва *Mendeley* кабиларни киритиш мумкин. *ResearchGate* сайтида фойдаланувчи ҳисобига муайян муассаса номини қўшиш ва тадқиқотчиларнинг нашр этилган илмий ишининг сайтга жойланиши каби катъий талабларнинг мавжудлиги ҳамда *Academia.edu* даги аккаунтларнинг юқори фоизи фаол эмаслиги фойдаланишдаги номутаносибликни яққол ифодалайди.

ResearchGate платформаси ривожланаётган мамлакатларда инновацияларни тарғиб қилишда ўша давлатлар олимларини саноати ривожланган давлатлардаги мутахассислар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлгани тадқиқотчилар томонидан айтиб ўтилган¹. Веб-сайтнинг оммалашувида фойдаланишнинг қулайлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бундан ташқари, *ResearchGate* олимлар ўртасида муҳим ўзгаришларга олиб келган бир қанча долзарб мамлакатлараро ҳамкорликда асосий роль ўйнайди.

Умуман олганда, *ResearchGate* ни академик тизим сифатида қабул қилиниши ижобий тарзда ривожланмоқда, чунки ўрганилган адабиётлар ва манбалар платформанинг кенг фойдаланувчиларга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Юқорида айтганимиздек, *ResearchGate*, *Academia.edu* ҳамда *Mendeley* каби олимлар ижтимоий тармоқлари орасида

¹ Николаенко Г.А. Перспективы использования цифровых следов исследователей для анализа их коммуникативных стратегий (на примере социальной сети ResearchGate // SOCIOLOGY OF SCIENCE AND TECHNOLOGY. 2019. Volume 10. No. 2. - С. 93-109. - DOI: 10.24411/2079-0910-2019-12005

ResearchGate барча хизматларининг бепуллиги, барча тадқиқотчилар учун очиклиги ҳамда илмий ишларни юклаш ва оммалаштириш имкониятининг юқорилиги билан устунликка эга. Шу боис, биз ушбу сайтга прототип талаба ёшлар учун миллий сайт ишлаб чиқиш лойиҳасини таклиф қилдик. Изланишларимиз натижасида аксарият ривожланган давлатларда олимлар фаолиятининг натижадорлигини умумлаштирувчи ҳамда илмий натижаларни мониторинг қилиш имконини берувчи миллий сайтлар юритилишини аниқладик. Шунга кўра ғоямизни SWOT таҳлили асосида гипотетик жихатдан кўриб чиқсак (4.3.1.-жадвал).

Гипотетик таҳлилларимизни ҳар бир мутахассис ва ўқувчи яна давом эттириши мумкин. Лекин умумий хулосалар ўзбекистон олимлари учун *ResearchGate* платформасига ўхшаш миллий рақамли майдонни ташкил қилиш илм-фан ривожига ижобий ҳисса қўшиши мумкинлигини тасдиқлайди.

4.3.1.-жадвал
Илмий фаолият натижаларини оммалаштирувчи миллий ижтимоий тармоқнинг яратилишига нисбатан SWOT (ККИХ) таҳлили

Кучли жихатлар (Strengths)	Кучсиз жихатлар (Weaknesses)
<ol style="list-style-type: none"> 1. Халқаро тажрибанинг мавжудлиги. 2. Моддий-техник таъминот ва мутахассисларнинг етарлилиги. 3. Ташкилий-ҳуқуқий чекловларнинг йўқлиги. 4. Илмий натижаларни оммалаштиришнинг миллий тизимини яратишга бўлган эҳтиёжнинг кучлилиги. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Халқаро илмий ҳамкорликни йўлга қўйишда рағбатнинг етарли эмаслиги. 2. Илмий-тадқиқот натижаларининг халқаро миқёсда етарлича рақобатдош эмаслиги. 3. Рақамли манбалар билан ишлашда олим ва тадқиқотчиларнинг малакалари юқори эмаслиги. 4. Молиялаштириш манбасининг йўқлиги.


Имкониятлар (Opportunities)	Хавф-хатарлар (Threats)
<ol style="list-style-type: none"> 1. Олим ва тадқиқотчиларнинг илмий фаолияти самарадорлиги ошади. 2. Миллий илмий фаолият манзараси (динамикаси)ни кузатиш мумкин бўлади. 3. Олим ва тадқиқотчилар орасида илмий ҳамкорлик кучаяди. 4. Фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг янги виртуал майдони яратилади (бу тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш имкониятини оширади) 5. Фан, таълим, илмий-тадқиқот ташкилотлари орасида соғлом рақобат юзага келади. 6. Илмий фаолиятнинг рағбатлантирилиши ёшларнинг илмий-тадқиқот билан шуғулланишига мотивация беради. 7. Миллий тармоқ тажрибаси ResearchGate да ўзбек олимларининг рейтинги ошишига бевосита таъсир кўрсади. 8. Истиқболда сайтнинг халқаро илмий базалар билан ҳамкорлик қилиши тармоқда (интернетда) ўзбек тилидаги илмий нашрлар контентининг бойишига ҳисса қўшади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ёши катта ва янгиликларга хайрихоҳ бўлмаган олимларнинг илмий кўрсаткичлари ҳолис баҳоланмай қолиши мумкин. 2. Сайтдан фойдаланиш малакасини ўзлаштириш, маълумотлар юклаш, илмий ишларни оммалаштириш олим ва тадқиқотчилардан алоҳида вақт талаб қилади ва иш ҳажмининг ошишига олиб келади.

Шундан келиб чиқиб тадқиқотларимиз доирасида талабаларнинг илмий-тадқиқот натижаларини оммалаштириш ва илмий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи сайт ишлаб чиқдик - <http://research.nuu.uz/> (4.3.1.-расм).



4.3.1.-расм. Сайтнинг кириш ойнаси.

Ушбу сайт ҳозирча бета версияда Ўзбекистон Миллий университети доменида рўйхатда турибди, сайт контенти ва имкониятларини такомиллаштириш мумкин. Сайтдан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиш талаб қилинади, рўйхатдан ўтиш учун фойдаланувчининг ихтиёрий электрон почтаси зарур. Сайтга талабалар ва ёш тадқиқотчилар илмий-тадқиқот натижалари – наشر қилинган мақола, сертификат ва дипломлар, тақдимот, муаллифлик ҳуқуқи билан химояланган видео ва бошқаларни юклаши мумкин. Юкланган маълумотлар сайтдан фойдаланувчилар учун очик, уларни ўқиш, юклаб олиш, улашиш, муносабат билдириш функциялари бор (4.3.2.-расм). Сайтдан фойдаланиш йўриқномасини қуйидаги манзилдан юклаб олиш мумкин - https://www.researchgate.net/publication/362887713_Researchnuuuz_sajtidan_fojdalanis_bujica_juriknoma.



4.3.2. – Фойдаланувчининг асосий ойнаси кўриниши.

Сайт контентини ишлаб чиқишда Facebook, LinkedIn, ResearchGate каби ижтимоий тармоқларнинг илмий фаолият, илмий ҳамкорлик, илмий муҳокамаларга оид элементларидан фойдаланилган. Сайтнинг яна бир яхши томони – фойдаланувчилар томонидан профилга юкланган илмий ишларнинг барчаси кидирув тизимларида фаол ва уларни кўриш, юклаб олиш имкониятлари бор. Бу эса талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини дунёнинг исталган томонидан фойдаланиш мумкинлиги таъминлайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, истикболда талабалар томонидан юкланган материаллардан фойдаланганликни асословчи иқтибослик функциясини кўшиш режалаштирилган. Ўйлаймизки, сайтнинг оммалашуви, фойдаланувчилар сонининг ошиши ёш олимлар ва талабаларнинг илмий фаолиятга бўлган иштиёқ ва қизиқишларини оширади.

Ушбу сайт тадқиқотларимизнинг амалий-таъсирчан жихатларини ўзида акс эттирганлиги учун 2022 йилда дастурий маҳсулот таъминоти учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк Агентлигидан гувоҳнома олинди

